321
М-18

НИККОЛО
МАКИАВЕЛЛИ

# ҲУКМДОР



ЖАХОН АДАБИЁТИ
ДУРДОНАЛАРИ

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

| Количество предыдущих выдач | |
|---|---|
| 15.04.22<br>332-17.10.22. | |

321
И-18.

# ҲУКМДОР



1419.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

«DAVR PRESS»
ТОШКЕНТ
2018

УЎК 321.01
КБК 67.0
М 18

**Таржимон**
Абу Муслим

**Тақризчи**
Д. Бозоров,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Макиавелли**
Макиавелли, Никколо. Ҳукмдор [Матн] / Н. Макиавелли. – Тошкент: «DAVR PRESS» NMU, 2019. – 144 б.

**ISBN 978-9943-5533-5-4**

Никколо Макиавеллининг «Ҳукмдор» асари ўрта асрларда яратилган бўлиб, бугунги кунгача сиёсатчилар, жамоат арбоблари, тадқиқотчилар ва фалсафага қизиқувчиларни ўзига жалб қилади. Ёзувчи ўз давлат тузилиши, уни бошқариш тамойиллари, халққа қандай муносабатда бўлиш ҳақида тавсиялар берган ва фикрларини баён этган. Китобда маълум ва машҳур шахслар, ҳукмдорлар, тарихий воқеалар, давлат арбоблари ҳаётидан кўплаб мисоллар келтирган, шу боис у ҳамма даврларда ўзига хос қўлланма сифатида ўрганиб келинган.

Ҳарбий назариётчи кучли давлатнинг кучли ҳукмдори ўзига ишониши, дадил қарор қабул қилиши, адолатга таянган ҳолда вазиятта мослашиши керак деб билади ва худди шу фазилатлар, Макиавеллининг фикрича, ҳукмдор юритаётган сиёсатнинг муваффақиятини ташкил қилади. Асар ўта жиддий мавзуга бағишланиб, унда ўта жиддий масалалар муҳокама қилинган бўлсада, енгил ҳазил-мутойибага ҳам йўғрилканки, китоб бундан беш аср илгари эмас, айни бизнинг замонамизда ёзилганга ўхшайди.

**УЎК 321.01**
**КБК 67.0**

ISBN 978-9943-5533-5-4
**© «DAVR PRESS» НМУ, 2019**

# МАКИАВЕЛЛИ ВА УНИНГ СИЁСИЙ ХАЗИНАСИ

Бу ҳаётда дунёни мукаммал кўрадиган одамзоднинг ўзи йўқ. Чунки имкони бўлдими, тамом, жамиятни, давлатни, халқни, ақлни, инсониятни ёки бирор-бир соҳани емирилишдан қутқариш зарур, деган даъво билан яшайди. Айни шундай файласуф олимлардан бири Никколо Макиавелли (1469–1527) бўлиб, дастлаб у айнан «Ҳукмдор», «Флоренция тарихи» асарлари орқали давлат ҳақида фикр юритиб, унинг илоҳий эмас, балки табиий қонунлар асосида ривожланишини ҳар томонлама асослашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича, барча жамиятлар ўз элиталари табиатидан келиб чиқувчи турли оқибатлар билан ўзаро фарқланадилар. Бу, сиёсий рақобат билан боғлиқ бўлган обрў, ҳокимият, эътиборларнинг нотекис тақсимланганлиги билан характерланади. Яъни камчилик кўпчиликни турли даражадаги куч ва айёрлик орқали бошқаради. Макиавелли кучни афзал билувчи элиталарни «шер элитаси», бошқаларини эса, яъни айёрликни устун қўювчиларни «тулки элитаси» деб номлайди. Ўз навбатида Макиавелли аралаш – монархия, анархия ва демократиядан иборат бўлган давлат шаклини энг матлуб шакл деб ҳисобларди. Уларнинг ҳар бири бошқаларини тийиб, айни пайтда асраб-авайлаши

кераклигига алоҳида эътибор қаратади. Айни шу баҳс-мунозарали фикрлар асосида Макиавеллининг «Ҳукмдор» асари мана 400 йилдан кўпроқ давр мобайнида нафақат Ғарб балки Шарқ мамлакатлари, балки бутун жаҳон давлат бошлиқлари диққат-эътиборини ҳам ўзига жалб этиб келмоқда.

Ўзининг давлат тўғрисидаги сиёсий қарашлари орқали Фукидид, Гоббс, Моргентау ва Миршаймерни ортда қолдирган Макиавеллида «Адолат кучдадир» деган ғоя ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган. Сабаби Макиавелли XV аср охири ва XVI аср бошларида узлуксиз урушлардан жабр кўрган, марказлашган давлатга эҳтиёж сезаётган нафақат Италия, балки аксарият Европа фуқаролари манфаатларининг ифодачиси бўлган. Шу нуқтаи-назардан қараганда, унинг сиёсий қарашлари ўз даври талабларидан келиб чиққанлигини унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам инглиз файласуфи Ф. Бэкон «Макиавелли ва унинг таълимоти тарафдори бўлган бошқа муаллифлар, у ёки бу вазиятда одамлар қандай қадам қўйишлари лозимлигини эмас, балки одатда, амалда қандай қадам қўйишларини очиқ ва тўғридан-тўғри баён қилганликлари учун ҳам ҳурматга лойиқдирлар» деб таъкидлаган эди. Сиёсат дунёсини ўрганишда Н. Макиавелли реал сиёсий муносабатларни кузатишда тажрибавий усуллардан самарали фойдаланган. Шунингдек, Макиавелли ҳар бир давлат ва жамият бошқарувида куч асосий мезон бўлганлигидан келиб чиққан ҳолда ҳукмдор кучли армия тўғрисида қайғуриши керак ва қайси тарафнинг армияси кучли бўлса, тақдир ўша тарафга кулиб боқади, деган ғояни илгари суради.



1513 йилда севимли Флоренсиядан қувилган Макиавелли ўзининг машҳур асари «Ҳукмдор»ни ёзади. Беш аср ўтса ҳам ушбу асар давлат бошқарув идораси амалиётчилари, айниқса сиёсий доирадаги тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Макиавелли «Ҳукмдор» асарида давлат ҳокимиятида «янги ҳукмдор» якка ҳукмронлиги ўрнатилиб, у Италияни бирлаштириши, ислоҳ қилиши ва юксалтириши, сўнг унинг ўрнини республика ёки бошқарувнинг «аралаш» шаклини эгаллаш лозимлигини алоҳида қайд этади. Файласуф зўрлик қилмасдан туриб, эски тартибларни ўзгартириш мумкин эмаслигини исботлашга ҳаракат қилган. Яна у давлат ишини черков иши билан қўшмаслик кераклиги, черковни давлатдан ажратиш лозимлигини уқтирган. Шунингдек у омма қиролга нисбатан ақлироқ ва доимийроқдир деган хулосага келган.

Ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти талабларидан келиб чиққан ҳолда халқ овози — Худо овозидир, чунки халқ барча масалаларда ҳукмдорга нисбатан одилроқ мулоҳаза юритади деган ғояни илгари сурган. Айни шу маънода, давлат бошқарувида республика идора усули ўрнатилса, бундай давлат мустаҳкам ва барқарор бўлади. Бу фикри билан Макиавелли давлатчиликнинг монархиядан республикага томон ривожланишини ҳам олдиндан пайқаган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, А. Смит эркин бозор афзалликлари тўғрисидаги либерал назариясини яратишидан анча аввал Макиавелли индивидуал эркинликнинг бутун жамият учун фойдалилигини уқтириб

ўтган. Ўз навбатида файласуф давлат ва жамият бошқарувининг республика шакли халқнинг муайян фазилатларга эга бўлишини тақозо қилади, бундай фазилатларга эга бўлмаган халқлар учун эса монархия бошқарувини маъқул деб билган.

Макиавелли "Ҳукмдор" асарида "сиёсат" тушунчасига аниқлик киритиб, уни ижтимоий мазмунмоҳиятини очиб бериш ва тадқиқ этиш билан бир қаторда монархия, республика ва давлатнинг бошқа шаклларини тадқиқ этиб, жамият ва давлатни бир-биридан ажратган ҳолда таҳлил қилган. Давлатлар билан уларнинг шахсий манфаатлари бирдек ҳаракат қилиши ғоясига Н. Макиавелли томонидан асос солинган. Файласуф фикрича, «Давлатнинг ўзи инсон бўлиб, унга хизмат қилишнинг ўзи ҳам инсон ҳаётининг асл мақсади, туб моҳияти ва эзгу бахт-саодатини таъминлайди. Давлат – доимий равишда ўзгариб турувчи сиёсий ташкилот. Давлатнинг вужудга келиши қарама-қарши кучлар ҳаракатининг натижасидир.

Макиавеллининг «Ҳукмдор» асарида ҳокимиятни эгаллаш, бошқаришнинг турли усул ва воситалари, идеал ҳукмдор қиёфаси ҳақида яхлит қарашлар акс эттирилган. Шунингдек, бу асарда муаллиф коррупциянинг келиб чиқиш илдизлари ҳақида ҳам фикр юритганлиги эътиборга молик, файласуф фикрича, «Коррупцияни ҳам йўталга ўхшаб олдин аниқлаш қийин, аммо даволаш осон, лекин бу касални ўтказиб юборсангиз уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин». Бу фикр бугунги кундаги айни шу йўналишдаги муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўринни эгаллайди, деб бемалол айта оламиз.



Макиавелли «Ҳукмдор» асари мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, у марказлашган миллий давлат тарафдори бўлган. Файласуф фикрича, «Миллий давлатни қуриш ва мустаҳкамлашда давлат бошлиғи шердек довюрак, тулкидек айёр бўлиши, агар пировард мақсад фойдали бўлса, ўз ваъдаларини бажармаслиги ҳам мумкин, чунки юксак натижалар худди шундай йўл тутган князларга насиб этган. Шафқатсизликни, агар бир маротаба, унда ҳам фуқаролар манфаати учун қўлланилган тақдирда оқлаш мумкин, лекин фуқароларни эзиш учун доимий равишда қўлланилса, уни оқлаш мумкин эмас». Шунингдек у ўз даврида давлатни кучсизлантирувчи ва унинг яхлитлигини бузувчи барча нарсаларга нафрат билан қараган ва аксинча, давлат қудратининг ошиб боришига, унинг бирлигини мустаҳкамлашга, чегараларининг кенгайишига кўмак берувчи барча нарсаларни оқлаган. Файласуф аҳоли кўпайиши давлатнинг қудратли бўлишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Лекин аҳоли ортиқчалиги ҳам ўз ўрнида қатор салбий оқибатларга олиб келишини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Макиавелли ушбу асар орқали давлат, шахс, халқ ва жамият бошқарувчи аппаратини алоҳида ажратиб ўтади. Ушбу аппаратнинг марказида давлат мансабдор шахслари фаолиятига раҳбарлик қилувчи ҳукмдор туриши лозимлигига алоҳида урғу беради. Сиёсий ҳокимият фақат ҳукмдорнинг қўлидагина жам бўлиши мумкинлигини ҳар томонлама исботлашган ҳаракат қилади. Шунингдек, ҳукмдор атрофидаги мансабдор шахслар унинг иродасини амалда бажаришга хизмат қилишлари кераклигини сиёсий

амалиёт нуқтаи-назардан тушунтириб беради. Айни шу маънода ҳукмдор ҳокимияти ҳеч бир шахснинг иродаси билан чекланмаслиги кераклигига ишора қилади. Макиавелли сиёсий тартиблар ҳақида фикр юритиб, агар давлатни аввалги тўғри йўлига солувчи ҳукмдор пайдо бўлса, ўша ҳаётни қайта тиклаш ва янгидан яратиш мумкинлигига ишонган.

Шу ўринда Макиавелли «Ҳукмдор» асарида бугунги кунда олий ҳокимият манбаи саналмиш халқнинг давлат бошқарувидаги ролига ўта эътиборсизлик билан муносабатда бўлганлигини қайд этишимиз тўғри бўлади. Чунки унинг қарашларида халқ сиёсий бошқарувнинг объекти сифатида талқин қилинади, холос. Макиавелли ҳукмдорга халқ ҳомийси қиёфасига киришига доир бир қанча таклиф ва тавсияларни беради. Ақлли ҳукмдор ўз фуқароларини мансабдор шахслар адолатсизликларидан, ноҳақликларидан ҳимоя қилиши керак бўлади. Айни шу ислоҳотлар асосида у давлатда барқарорликка эришиш мумкинлигига ишонган. Бундай муносабат олий ҳукмдор мавқеини оширади ва ҳокимиятининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади деган хулосага келади. Шунингдек, файласуф фикрича, ҳукмдорнинг оддий фуқарога қилган ҳар бир хатти-ҳаракати мурувват, эзгулик ва хайр-саховат сифатида талқин қилиниши керак. Ўз навбатида мурувват оз-оз бўлсада, доимий тарзда кўрсатиб турилиши мақсадга мувофиқ. Чунки айни шу муносабат туфайли фуқаролар ҳукмдор мурувватини доимо ҳис қилиб турадилар. Зеро, ҳукмдорнинг асосий вазифаси халқ рағбатига эришишдир.



Никколо Макиавелли – ягона марказлашган дунёвий ҳокимият тарафдори бўлган. Яъни «Ҳукмдор» асарида қайд этилишича, давлат ҳокимияти самарали амалга оширилиши учун фуқаро ҳукмдорга тўлиғича бўйсуниши керак. Бундай бўйсуниш ҳолатига эришишнинг икки усули мавжуд: бири – ҳукмдорга муҳаббат уйғотиш; иккинчиси – ундан қўрқиш ҳиссини авж олдиришдир. Сиёсий амалиёт шуни исботлайдики, баъзи инсонлар ўз табиатларига кўра яхшиликни билмайдиган, иккиюзламачи, беқарор ва ёлғонга мойил тоифага бўлинадилар. Шунинг учун ҳам ҳукмдор уларни ўз иродасига бўйсундириш учун энг шафқатсиз чораларни ҳам қўллаши мумкин бўлади. У бундай тоифадаги инсонларни жазолашда жавобгарликдан қўрқмаслиги керак, чунки ҳукмдор суд юрисдикциясидан ташқаридадир. Айни шу муносабат баъзи хорижлик олимлар қайд этган макиавеллизмнинг юзага келишига сабаб бўлган. Бу сиёсий оқим сиёсатни ахлоқдан ҳоли деб билиш принципига асосланади. Файласуф давлатни барча нарсадан устун қўйиб, давлат инсон руҳининг олий даражада намоён бўлишидир ва давлатга хизмат қилиш инсон ҳаётининг олий мақсади, мазмуни ва саодати бўлмоғи керак, деб ҳисоблайди.

Макиавелли ўзининг «Ҳукмдор» асарида номақбул шароитда қандай қилиб қудратли давлатни шакллантириш мумкинлиги йўлларини кўрсатишга ҳаракат қилади. Унинг даъвосига кўра, ҳукмдор бундай шароитда ўз «улуғ» сиёсий мақсадларига эришиш учун, ахлоқ меъёрлари билан ҳисоблашиб ўтирмасдан, ҳар қандай воситалардан (жумладан,

агар зарурат тақозо қилса, алдов, туҳмат, зулм каби ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлардан) бемалол фойдаланиши мумкин, асосийси – давлат ва мамлакат манфаатларини изчил ҳимоя қилишдан иборат бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам аксарият сиёсий назариятчи олимларнинг аксарияти «мақсад воситани оқлайди» деган фикрни билдиргани учун Макиавеллини анъанавий ахлоқий меъёрларини инкор қилганликда айблаб, кескин танқид қиладилар. Бизнинг назаримизда масалага ўша давр эҳтиёжи нуқтаи назаридан туриб ёндашилса, тўғри бўлади. Чунки Макиавелли ўз қарашлари орқали Рим папасига тобе бўлмаган, кучли, марказлашган миллий давлат тузиш йўлида мамлакатни бирлаштирувчи, халқ сайлаган ислоҳотчи подшонинг барча воситалардан фойдаланишини маъқуллаб, агар натижа кўнгилдагидек бўлса, барча воситаларни, гарчи улар ноахлоқий бўлса-да, оқлаш мумкин деб билган. Файласуф фикрича, ҳар қандай вазиятда ҳам марҳаматли бўлишни истовчи одамга кўплаб марҳаматсиз кишилар орасида ҳалок бўлишдан ўзга йўл қолмайди.

«Ҳукмдор» – Никколо Макиавеллининг жаҳон сиёсий тафаккури ривожига кучли таъсир қилган энг машҳур асарларидан биридир. Мазкур асарда кўпгина амалий мазмунга эга бўлган сиёсий муаммолар кўтарилади. Бу асар ҳукмдор қандай хислатларга эга бўлишидан тортиб то Италия келажаги ҳақида мулоҳазалар билан якунланади. 26-бобнинг ҳар бирида муаллиф олдига қўйган муайян саволга жавоб беришга ҳаракат қилган. Яъни унда кучли ҳукмдор сиёсатининг калити ўзига бўл-



ган ишончи, жасорат ва мослашувчанлигида эканлиги муаллиф томонидан ҳар томонлама асосланган.

Макиавеллининг «Ҳукмдор» асари бугунги кунда ҳар қандай шоритда ўз-ўзини ҳурмат қилган сиёсатчининг столи устида туриши керак бўлган китоб ҳисобланади. Тўғри китобни биринчи марта ўқиб тушуниш қийин анча мураккаб бунинг учун инсон ўзига хос лидерлик қобилиятига эга бўлиши керак. Китоб анча мураккаб тилда ёзилган бўлса ҳам давлат тизими қомуси сифатида баҳоланади. Шу ўринда файласуфнинг бир қизиқ фикрига тўхталишни жоиз деб билдим. Унинг фикрича, тақдирнинг инояти билан ҳукмдорлик қиладиган киши осонлик билан катта кучга эга бўлади, аммо уни ўз бошқарув салоҳиятига қараб тўғри йўналиши ёки янада мураккаблаштириши мумкин. Шунинг учун ҳам янги ҳукмдорга давлатни бошқариш анча қийин кечади. Бу китоб давлат, ҳокимият ва жамият бошқарувининг турли соҳалари бўйича дунё тажрибасини ўзида ифода этганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Абу Муслим тарафидан таржима қилинган «Ҳукмдор» асарининг мазкур илк нашри ўзбек китобхонларида катта қизиқиш уйғотиши ва турли конструктив руҳдаги баҳс-мунозараларга сабаб бўлишига ишонамиз. Ушбу китобни келажакда такомиллаштириш бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини юборган барча шахсларга чексиз миннатдорчиликни билдирамиз.

*Д. Бозоров,*
*фалсафа фанлари номзоди, доцент*

*Николо Макиавеллидан*
*Лоренцо де Медичи ҳазрати олийларига*

Одатда ҳукмдорнинг мурувватига сазовор бўлиш учун одамлар ўзида бор энг азиз, энг қимматли нарсани ёки уни энг хурсанд қиладиган нарсани: чунончи, отларни, қурол-яроғларни, қимматбаҳо мато ёки тошлар ва ҳукмдорларнинг улуғворлигига муносиб бошқа зийнатларни ҳадя қиладилар. Мен эса, Сиз жаноби олийларига садоқатимни изҳор қилиш ниятида, ўзимда бор нарсалар ичида буюк шахсларнинг афъоли ҳақидаги билимларидан кўра азиз ва қимматлироқ ҳеч нарса топа олмадим. Мен бу билимларни ҳозирги кунда юз бераётган ишларда тўплаган кўп йиллик тажрибам ҳамда ўтмишда ўтган ишларни тинимсиз ўрганишларим асосида ҳосил қилганман. Билишга улгурганларим устида тафаккур қилишга кўп вақт ва ҳаракат сарфлаб, камина ўз фикр-мулоҳазаларимни чоғроқ бир рисола шаклига келтириб, уни Сиз ҳазрати олийларига туҳфа сифатида юбормоқдаман. Бу ёзмишларим Сиздек зотга тақдим қилинишга муносиб бўлмаслигига кўзим етса-да, камоли тавозе ила уни мақбул айлашингиздан умидворман. Зеро, жанобингизга маълумким, камина кўпгина хавфу хатарлар эвазига тўплаган билимларни қисқа муддатда билиб олиш воситасидан кўра каттароқ ҳадя ато этишга ожизман.



Мен бу рисолада на баённинг балоғату фасоҳати, на сўзларнинг баландпарвоз ва оҳангдор бўлиши, на асарнинг зоҳирий безаклари ҳамда кўпчилик ўз асарини бежашни суядиган ҳашаму оҳанжамалари ҳақида ўйладим. Зеро, асаримнинг ё беному нишон қолишини, ёинки мавзусининг ғайриоддий ва муҳимлиги билангина эътироф этилишини истаган эдим. Айни пайтда, мендек фақиру нотавон бир инсоннинг ҳукмдорларни муҳокама қилишини ва ҳатто уларга йўл-йўриқ кўрсатишини беадаблик санамасликларини ҳам истардим. Мусаввир бир манзаранинг суратини чизиш учун, нигоҳи тепаликлару тоғларни қамраб олиши учун водийга тушиши ҳамда нигоҳи водийни қамраб олиш учун тоққа кўтарилиши зарур бўлганидек, халқнинг моҳиятини англаб етиш учун ҳукмдор бўлиш, ҳукмдорларнинг табиатини тушуниш учун эса халққа мансуб бўлиш даркор.

Шояд ҳазрати олийлари ҳам ушбу камтарона туҳфага менинг кўзим билан қараб кўрсалар; агар ушбу рисоламни диққат билан ўқиб чиқиб, у ҳақда фикр юритишни лозим топсалар, тақдири азал ҳамда фазилатларингиз Сизга башорат бераётган улуғ мартабаларга эришишингизни қанчалар бениҳоя исташимни ҳис қиласиз. Ҳазрати олийлари эгаллаб турган юксакликлардан туриб камина фақир кўним топган пастликларга қачонлардир назар ташласалар, чархи кажрафторнинг буюк ва пайдарпай зарбаларига бардош беришга қанчалар ноҳақ мажбур бўлаётганимни кўрурлар.

## ДАВЛАТЛАР НЕЧА ТУРЛИ БЎЛАДИ ВА УЛАР ҚАНДАЙ ҚЎЛГА КИРИТИЛАДИ

Барча давлатлар, одамлар устидан ҳукмронлик қилган ёки қилаётган барча салтанатлар ё республика, ё яккаҳокимлик билан бошқариладиган давлатлар бўлган ва ҳозир ҳам шундай. Яккаҳокимлик давлатлари ё мерос қолган (агар подшоҳ узоқ вақт ҳукмронлик қилган бўлса), ёки янги бўлиши мумкин. Давлатнинг ё ҳаммаси тўлалигича янги бўлиши мумкин – Франческо Сфорца учун Милан ана шундайдир; ё унинг босиб олиб, мерос қолган давлатга қўшиб олинган бир қисми янги бўлиши мумкин – Испания қироли учун Неаполь қироллиги ана шундайдир. Янги давлатлар аҳолиси подшоҳларга бўйсунишга кўниккан салтанатларга ҳамда улар азалдан эркин яшаган салтанатларга бўлинади; давлатлар ё ўзининг, ё бировнинг қуроли билан, ё тақдирнинг лутфи, ё шон-шавкат билан қўлга киритилади.





## МЕРОС ҚОЛУВЧИ ЯККАҲОКИМЛИК ҲАҚИДА

Мен республикалар ҳақида тўхталиб ўтирмайман, чунки улар ҳақида бошқа жойда батафсил сўз юритаман. Мазкур китобда мен тўғридан-тўғри якка ҳукмронлик ҳақида сўз юритаман ҳамда юқорида белгиланган тартибга риоя қилган ҳолда подшоҳлар давлатни қандай йўллар билан бошқариши ва уларни ўз ҳукми остида ушлаб туриши мумкинлигини таҳлил қиламан.

Аввало шуни айтаманки, раияти ҳукмрон сулолага ўрганиб қолган ворис подшоҳга ҳокимиятни қўлда тутиб туриш янги подшоҳга қараганда анча осон кечади, чунки бунинг учун унга аждодларининг тутумини бузмаслик ва келгусида янги вазиятларга шошилмай мослашиш кифоядир. Бундай йўл тутилса, ҳатто ўртамиёна ҳукмдор ҳам ҳокимиятни қўлдан бой бермайди, фақат уни ўта қудратли ва даҳшатли куч ағдариб ташламаса бўлгани. Аммо шундай бўлган тақдирда ҳам у босқинчи илк бор хато қилгандаёқ ҳукуматни қайтариб олади.

Италияда бунга Феррара герцогини мисол қилиб келтириш мумкин. У 1484 йилда венецияликлар, 1510 йилда папа Юлий томонидан етказилган мағлубиятдан кейин ҳам тахтдан йиқилмади, чунки унинг авлоди Феррарада азалдан ҳукмдор эди. Зеро, тахтга ворис бўлган подшоҳнинг ўз раиятига зулм қилишига сабаб ва зарурат камроқ бўлади, чунки

улар бусиз ҳам унга садоқат кўрсатадилар, ва агар унда халқнинг нафратини кўзғайдиган ҳаддан ортиқ разолатлар бўлмаса, фуқаронинг ардоғида бўлиши табиий ҳолдир. Салтанат узоқ муддат давом этаётган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган бўлса, бир пайтлар юз берган тўнтаришлар ва уларни келтириб чиқарган сабаблар унутилади. Аксинча, ҳар бир катта ўзгариш бошқа бир ўзгаришларга йўл очади.

*УЧИНЧИ БОБ*

## АРАЛАШ ДАВЛАТЛАР ҲАҚИДА

Янги подшоҳга ҳокимиятни қўлда тутиб туриш қийин. Ҳатто янги ерларни қўшиб олган ворис подшоҳга ҳам уларни қўлда тутиб туриш осон кечмайди – чунки салтанат гўё аралаш давлатга айланиб қолади – бу эса энг аввало барча янги давлатларда давлат тўнтаришларига сабаб бўладиган ўша табиий сабаб туфайлидир. Аниқроғи, одамлар янги подшоҳ яхшироқ бўлади деб ишониб, эски подшоҳга қарши осонлик билан бош кўтарадилар, аммо тез орада алданганларини сезиб қоладилар, чунки янги подшоҳ ҳар доим эскисидан ёмонроқ бўлиб чиқади. Бу ҳам табиий ҳол бўлиб, муқаррар нарсадир, чунки босқинчи босиб олинган ерларнинг аҳолисига зулм қилади, уларга турли солиқлар солади ва бундай пайтларда муқаррар бўлган ҳолат – уларни қўшинларни боқишга мажбур қилади. Шу тариқа бундай подшоҳ ўзига



душман орттириб олади: ундан зулм чекканларнинг юрагида адоват пайдо бўлади, янги ерларни босиб олишга ёрдам берганларнинг дўстлигини эса қўлдан бой беради, чунки, бир томондан, уларни улар кутганидек мукофотлай олмайди, иккинчи томондан эса, улардан қарздор бўлгани учун уларга нисбатан кескин чора ҳам кўра олмайди – зеро, қўшини ҳарчанд кучли бўлмасин, уларнинг ёрдамисиз бу мамлакатга кира олмаган бўлур эди. Айнан мана шу сабаблар туфайли Франция қироли Людовик XII Миланни қандай тез босиб олган бўлса, шундай тез уни қўлдан чиқарди. Герцог Людовик ҳам айнан шу сабабли ўшанда Миланни ўз кучлари билан қайтариб олишга муваффақ бўлди. Чунки қиролга шаҳар дарвозасини очиб берган халқнинг ўзи тез орада алданганини, хомтама бўлганини тушуниб қолиб, янги подшоҳнинг зулмига чидашдан бош тортган эди.

Тўғри, агар мамлакат такроран босиб олинган бўлса, подшоҳга у ерда ҳокимият ўрнатиш осонроқ бўлади, чунки кўзғолон унга ҳеч кимни юз хотир қилиб ўтирмай, айбдорларни жазолаш, гумонланувчиларни айблаш, энг нозик бўғинларда ҳимоя чораларини кўриш учун яхшигина сабаб бўлади. Масалан, Франция ўз чегараларида герцог Людовико шовқин кўтарган заҳоти Миланни қайтариб берди, бироқ кейинги сафар Франция Милланни узоқ муддат – то юқорида айтиб ўтилган сабаблар туфайли Италиянинг барча давлатлари қуролланиб, унинг қўшинларини тор-мор қилиб, Италия сарҳадларидан қувиб чиқармагунча ушлаб тура олди. Ҳуллас, Франция ҳар иккала ҳолатда ҳам Ми-



1419
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ланни қўлдан бой берди. Қиролнинг биринчи муваффақиятсизлигига олиб келган сабабни мен юқорида айтиб ўтдим, у бунга ўхшаш барча ҳолатлар учун умумий бир хилдир; энди иккинчи муваффақиятсизликнинг сабабини аниқлаш қолди. Хўш, эришилган ғалабани Франциядан кўра маҳкамроқ қўлда тутиб қолиш учун Людовикнинг – ёки унинг ўрнидаги исталган раҳбарнинг – қандай воситалари бор эди? Келинг, шуни таҳлил қилиб кўрамиз.

Аввало, босиб олинган ва мерос қолган ҳудудлар ё бир мамлакатга тегишли бўлиб, аҳолиси бир тилда сўзлашиши, ёки турли мамлакатларга тегишли бўлиб, аҳолиси ҳар хил тилларда сўзлашиши мумкин. Биринчи ҳолатда, айниқса, агар янги фуқаролар аввал ҳам озодлик таъмини тотиб кўрмаган бўлса, эгаллаб олинган ерни ушлаб туриш қийин кечмайди. Улар устидан ҳукмронликни мустаҳкамлаш учун аввалги подшоҳни йўқотиш кифоя қилади, чунки урф-одатлар муштарак бўлса, аввалги тузум сақлаб қолинса, бошқа бирон сабаб туфайли нотинчлик юзага келмайди. Биламизки, анчадан бери Франция таркибида бўлган Бретань, Бургундия, Нормандия ва Гасконда вазият худди шундай эди. Тўғри, уларнинг тиллари бироз фарқ қилса-да, урф-одатлари ўхшаш бўлгани учун бир-бири билан тинч-тотув яшайверишарди. Бундай ҳолатларда янги подшоҳ иккитагина хавфсизлик чорасини кўриб қўйса кифоя: биринчидан, аввалги подшоҳнинг насли йўқотилиши керак, иккинчидан эса аввалги қонунлар ва солиқларни сақлаб қолиш керак. Ана шунда эгалланган ерлар



қисқа муддат ичида янги подшоҳнинг ўз давлати билан бирлашиб кетади.

Аммо агар босиб олинган мамлакатнинг тили, урф-одатлари ва тартиб-қоидалари мерос қолган давлатдан фарқ қилса, бу ҳолда ҳокимиятни қўлда тутиб қолиш ниҳоятда қийин бўлади. Бундай ҳолатда ҳам катта омад, ҳам катта санъат талаб қилинади. Бунинг энг тўғри ва осон йўлларидан бири – ўша юртга доимий яшаш учун кўчиб ўтишдир. Бундай чора эгаллаб олинган ҳокимиятни мустаҳкамлайди ва уни хавфсиз қилади – турк султони Юнонистонда айнан шундай йўл тутган. Агар у пойтахтини у ерга кўчириб ўтказмаганида, ҳарчанд уринса ҳам Юнонистонни қўлда тутиб тура олмаган бўлади. Чунки ўша мамлакатда яшаган одамгина бошланиб келаётган фитнани сезиши ва уни ўз вақтида бартараф қилиши мумкин. Акс ҳолда фитна шунчалар чуқурлашиб кетадики, уни пайқаб қолганингда чора кўришга кеч бўлади. Подшоҳ эгаллаб олинган мамлакатга мустаҳкам ўрнашиб олса, уни амалдорлар томонидан талон-тарож бўлишдан халос қилади, чунки фуқаролар подшоҳга бевосита мурожаат қилиш имконига эга бўладилар. Бу эса итоаткорларнинг уни яхши кўришига, бўйсунмасларнинг эса ундан қўрқишига сабаб бўлади. Қолаверса, қўшни давлатлардан бирортаси ҳужум қилмоқчи бўлса ҳам, анчагина эҳтиёткорлик қилишга мажбур бўлади. Хуллас, подшоҳ эгаллаб олган мамлакатига кўчиб ўтса, уни қўлдан бой бериши қийин бўлади.

Яна бир яхши усул – бир-иккита жойларда янги ерларни босқинчининг давлати билан боғлаб турувчи колониялар таъсис этишдир. Бундан бошқа биргина

имконият – янги мамлакатда катта миқдордаги отлиқ ва пиёда аскарларни жойлаштиришдир. Колониялар катта сарф-харажат талаб қилмайди, уларни ташкил қилиш ва таъминлаб туриш подшоҳга деярли ҳеч қанчага тушмайди, улар ерлари ва уй-жойлари янги кўчиб келганлар учун тортиб олинадиган фуқароларнигина хонавайрон қилади. Хонумонидан айрилиб, мамлакат бўйлаб тарқалиб кетган бу бир ҳовуч одам подшоҳга ҳеч қанча зарар етказа олмайди; қолганлар эса бундай қисматдан қутулиб қолгани учун тез орада тинчиб қолишади, қолаверса, осийлик қилса, хонавайрон бўлган қўшниларининг куни бошига тушишидан қўрқишади. Хуллас, колониялар подшоҳга арзонга тушади, унга садоқат билан хизмат қилади, бунинг натижасида хонавайрон бўлиб, дарбадар юрган бир нечтагина фуқаро эса унга хавф туғдирмайди. Шу ўринда айтиб ўтиш ўринлики, одамларни ё эркалаш, ё қириб ташлаш керак, чунки одам кичик зулм учун ўч олиши мумкин, катта зулм учун эса ўч ола олмайди. Демак, бир одамга зулм қилинса, унинг қасосидан қўрқмайдиган даражада зулм қилиш керак экан. Агар босиб олинган юртда колониялар ўрнига қўшин жойлаштирилса, уни таъминлаш анча қимматга тушади ва янги давлатдан тушадиган ҳар қандай даромадни ютиб юборади, натижада фойда олиш ўрнига зарар кўрилади; бунинг устига бундан анча кўп одамга талафот етади, чунки у ерда турган қўшиннинг юки барча аҳолига тушади, бундан эса зиммасига оғирлик тушган ҳар бир одам подшоҳга душман бўлиб қолади. Душман эса унга зарар етказиши мумкин, чунки улар мағлуб бўлган бўлса-да, ўз уйида яшаётган бўлади. Шундай



қилиб, қайси томондан қараманг, бундай гарнизонни таъминлаш кони зарардир, колонияларнинг эса турган-битгани фойдадир.

Урф-одатлари ва тили бегона юртни босиб олган подшоҳ нисбатан заифроқ қўшниларнинг раҳбари ва ҳимоячиси бўлиб олиши ҳамда кучли қўшниларни заифлаштиришга уриниши лозим, бундан ташқари, ўша мамлакатга куч жиҳатдан ўзидан қолишмайдиган ажнабий ҳукмдор кириб олмаслигидан ҳам кўз-қулоқ бўлиб туриши керак. Бундайларни, одатда, мамлакат ичида қолган норозилар мағлубият аламига чидай олмаганидан ёки қўрққанидан чақирадилар. Бир пайтлар римликларни Юнонистонга этолияликлар шу тариқа чақиришган. Барча бошқа мамлакатларга ҳам уларни ҳар доим маҳаллий аҳоли чақирган. Одатда, қудратли ҳукмдор бир мамлакатга бостириб кирса, ундан заифроқ давлатлар – одатда ўзидан кучлиларга ҳасад қилганидан – унга қўшилиб олишади, шунинг учун ҳукмдор уларни ўзига мойил қилиб овора бўлишига ҳожат йўқ, чунки у қурган давлатга улар ўзлариёқ жон деб қўшилиб олишади. Бироқ уларнинг сафи кенгайиб, куч тўплаб олишларига йўл қўймаслик керак, холос. Ана шунда ўз кучи билан ва уларнинг ёрдами билан йирикроқ ҳукмдорларни бўйсундириш ва ўша мамлакатда тўлақонли ҳоким бўлиб олиш қийин бўлмайди. Агар ҳукмдор бу чораларни кўриб қўймаса, орадан кўп ўтмай қўлга киритган ерларидан маҳрум бўлади, бироқ унгача ҳам жуда кўп қийинчиликлар ва бало-офатларга дуч келади.

Римликлар бир мамлакатни эгаллагач, юқорида

айтиб ўтилган барча қоидаларга риоя қилишарди: колониялар ташкил қилишар, заифларга ҳомийлик қилишар, аммо уларнинг куч тўплашига йўл қўйишмасди; кучлиларни бўйсундиришар; айни пайтда мамлакатга кучли ажнабий ҳукмдорларнинг таъсири кириб келмаслигининг олдини олишарди. Юнонистонни мисол келтириш билан чекланаман. Римликлар ахеялик ва этолияликларни ўзларига оғдириб олишди; Македония қироллигини ҳолдан тойдиришди; у ердан Антиохни қувиб чиқаришди. Бироқ ахеялик ва этолияликларнинг шунча хизматларига қарамай, уларга ўз ерларини кенгайтиришга имкон беришмади, Филиппнинг хушомадларига учишмади, қудратини синдирмагунча у билан иттифоқ тузишмади, Юнонистондаги ерларга кўз олайтираётган Антиохнинг босимига бўш келишмади. Римликлар ҳақиқий доно ҳукмдор қандай йўл тутиши керак бўлса, шундай йўл тутишди, яъни фақат бугунги кунни эмас, балки эртани ҳам ўйлашди; бор кучлари билан юз бериши мумкин бўлган фалокатларнинг олдини олишди, агар ўз вақтида керакли чоралар кўрилса, бу қийин иш эмас; бироқ фалокат келгунча кутиладиган бўлса, ҳеч қандай чора-тадбир ёрдам бермайди, чунки касаллик бедаво дардга айланиб бўлган бўлади.

Бу худди терлама касалига ўхшайди. Табиблар айтганидек, бу дардни бошланишида аниқлаш қийин, лекин даволаш осон. Бироқ ўтказиб юборилса, уни аниқлаш осон, аммо даволаш қийин. Давлат ишида ҳам шундай: бошланиб келаётган касаллик ўз вақтида аниқланса (доно ҳукмдоргина шундай



қила олади), ундан халос бўлиш қийин эмас. Бироқ у ҳамма кўрадиган даражада чуқурлашиб кетса, энди унга ҳеч қандай дори-дармон ёрдам бермайди.

Римликлар фалокатни олдиндан сезишса, дарҳол чора кўришар, уруш чиқмасин деб қўрқиб, қўл ковуштириб ўтиришмас эди, чунки урушнинг олдини олиб бўлмайди, унинг бошланишини – душман фойдасига – бироз кечиктиришгина мумкинлигини билишарди. Шунинг учун улар Филипп ва Антиох билан Италияда жанг қилишга мажбур бўлмаслик учун уларга қарши Юнон ҳудудида уруш қилишга жазм қилишди. Бу пайтда ҳали уларнинг ҳар бири билан бўладиган урушнинг олдини олиш имкониятлари бор эди, бироқ буни исташмади. Римликлар ҳозирги донишмандларнинг оғзидан тушмайдиган «Қулай фурсатта ишонинг» деган мақолни ёқтиришмасди, улар ўзларининг шижоати ва узоқни кўра билишларинигина қулай фурсат деб ҳисоблашарди. Пайсалга солиш ҳар қандай оқибатга олиб келиши мумкин, чунки вақт яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам келтиради.

Келинг, Францияга қайтайлик-да, у мен санаб ўтган шартларнинг бирортасини бўлса ҳам бажардими, йўқми – шунга эътибор берайлик. Мен Карл эмас, Людовикни назарда тутяпман, чунки у Италияда узоқроқ муддат тура олган, шунинг учун унинг қилган ишлари биз учун намуналироқ. Унинг қилган ишларини кўрсангиз, ҳукмдор урф-одати ва тили бегона мамлакатда ҳокимиятни қўлда тутиб туриш учун нима қилиши керак бўлса, шунинг тескарисини қилганига ишонч ҳосил қиласиз.

Қирол Людовик Италияга венецияликларнинг

шарофати билан кириб келди. Улар ерларини кенгайтирмоқчи бўлиб, берган ёрдамлари учун Ломбардиянинг ярмини талаб қилишди. Мен бу шартга кўнгани учун қиролни айбламайман: у Италияга бир оёғини бўлса ҳам қўйиб олмоқчи эди, бироқ у ерда иттифоқдошлари йўқ эди. Айниқса, Карлнинг шарофати билан Франция олдидаги барча эшиклар ёпилиб қолгандан кейин унга ҳеч ким ёрдам бера олмас эди. Шунинг учун у танлаб ўтирмай иттифоқ тузишга мажбур эди. Агар кейинчалик хатоларга йўл қўймаганида, анчагина омади келиши ҳам мумкин эди. У Ломбардияни босиб олди-ю, Франциянинг Карл пайтида қўлдан бой берилган обрўсини қайтариб берди: Генуя бўйсунди, флоренцияликлар иттифоқ тузишни таклиф қилишди; Мантуан маркизи ҳам, Феррара герцоги ҳам, Бентивольйилар оиласи ҳам, графиня Форли ҳам, Фаэнци, Пезаро, Римини, Камерино, Пьомбино ҳукмдорлари ҳам; Лукка, Пиза, Сиена ҳам – ҳаммалари Людовикка дўстлик изҳор қилишга шошиб қолишди. Шунда венецияликлар қалтис қадам босганларини англаб қолишди: улар Ломбардиядаги иккита шаҳарни деб Италиянинг учдан икки қисмини қўлдан бой бериб қўйишган эди.

Ана энди қирол бу устунликни қанчалар осонлик билан мустаҳкамлаб олиши мумкин бўлганини ўзингиз ўйлаб кўринг: бунинг учун юқорида айтиб ўтилган қоидаларга риоя қилиш ва иттифоқдошларнинг хавфсизлигини таъминлаш керак эди, холос: кўпчилик бўлса-да, заиф бўлган бу иттифоқчилар қайси бири Черковдан, яна қайси бири венецияликлардан қўрқиб, унинг қаноти остига



кириб олишга мажбур эди; у эса улар орқали ўзини ҳали хийла кучли бўлганлардан ҳимоялаб олиши мумкин эди. Аммо у Миланга кирган заҳоти бунинг тескарисини қилди: папа Александрга Романьяни босиб олишга ёрдам берди. Ёрдам беришга берди, аммо ўз қўли билан ўз қудратига путур етказганини, иттифоқчиларни ва унинг ҳомийлигига ишонганларни ўзидан нари қилиб қўйганини сезмади, бунинг устига бусиз ҳам диний жиҳатдан кучли бўлган папанинг дунёвий ҳокимиятини янада мустаҳкамлаб қўйганини тушуниб етмади. Биринчи хатога йўл қўйгач, у шу йўлда давом этишга мажбур бўлиб қолди, шунинг учун энди Александрнинг попугини пасайтириб қўйиш ва унинг Тосканани эгаллаб олишига йўл қўймаслик учун Италияга шахсан келишга мажбур бўлди. Бироқ Черковни кучайтириб қўйгани, иттифоқдошлар билан орасини бузиб қўйгани Людовикка камлик қилди: Неаполь қироллигини қўлга киритмоқчи бўлиб, уни Испания қироли билан баҳам кўрди, яъни ўзи подшоҳ бўлиб турган Италияга ўзига тенг кучли рақибни чақирди. Худди норозилар ва иззатталаблар ҳомий топишга қийналмасин дегандек. Ўзига хизматкор бўлиши мумкин бўлган қиролни ҳайдаб, қироллликка унинг ўзини қувиб юбориши мумкин бўлган ҳукмдорни чақириб ўтирибди.

Ҳа, ерларни босиб олишга ўч бўлиш табиий ва одатий ҳол. Ўз имкониятларини ҳисобга олганларни ҳамма ҳам маъқуллайди ёки ҳеч бўлмаганда ҳеч ким танқид қилмайди. Бироқ ўз имкониятларини ҳисобга олмаган, қандай қилиб бўлса ҳам ер босиб олишга интилганлар танқидга муносиб хатога йўл

қўйдилар. Агар Франция Неаполни ўз кучлари билан эгаллай олса, уни қайтадан ишғол қилса арзир эди. Аммо бунга уни бўлиб олиш эвазига эришмаслиги керак эди. Ломбардияни венецияликлар билан бўлишиб олишни-ку оқлаш мумкин, чунки қирол шу йўл билан Италияда қарор топди. Бироқ мана бу иккинчи бўлишувни фақат қоралаш мумкин, холос. Чунки бу ишни ғалаба эҳтиёжи учун қилинди деб оқлаб бўлмайди.

Шундай қилиб, Людовик умумий ҳисобда бешта хатога йўл қўйди: майда ҳукмдорларни қувиб юборди, Италия ичида кучли ҳукмдорнинг янада к[illegible] тўплашига ёрдам берди, Италияга қудрати ў[illegible]илан тенг бўлган бегонани чақирди, Италияга кўчиб келмади, у ерда колониялар таъсис этмади.

Бу бешта хато унинг тириклигида бу қадар оғир оқибатларга олиб келмаган бўларди, аммо у олтинчи хатога йўл қўйди: Венеция ерларига кўз олайтирди. Венецияни у Черковнинг кучайишига ёрдам бермасидан, испанларни чақирмасидан аввал бироз қўрқитиб қўйиш керак эди, аммо бу икки хатодан сўнг Венециянинг тор-мор қилинишига йўл қўйиш мумкин эмас эди. Венеция ҳали қудратли эди, у бошқаларни Ломбардияни босиб олишдан тўсиб турар эди, чунки бир томондан у ерни ўзи ҳам кўз остига олиб қўйган, иккинчи томондан эса ҳеч ким Ломбардия Венециянинг қўлига ўтиб кетиши учун Франция билан уруш қилишни истамас эди, бир пайтнинг ўзида ҳам Франция, ҳам Венеция билан уруш қилишга эса ҳеч ким журъат қила олмас эди. Агар менга эътироз билдириб, Людовик урушга йўл қўймаслик учун Романьяни Александрга, Неаполни



эса Испания қиролига топширди дейишса, мен яна юқоридаги далиллар билан жавоб бераман: урушга йўл қўймаслик учун тартибсизликни хаспўшлаб мумкин эмас, чунки уруш бўлиши муқаррар, урушдаги устунликни эса қўлдан бой бериш мумкин. Агар менга «Қирол папага ваъда бериб қўйган эди: қиролнинг никоҳини бузиш ва кардиналлик қалпоғи эвазига Рушан архиепископига Романьяни босиб олишга ёрдам беришга мажбур эди» дейишса, мен бунга ҳукмдорларнинг сўз бериши ва бу сўзнинг устидан қандай чиқиш кераклиги ҳақидаги бобда жавоб бераман.

Шундай қилиб, қирол Людовик эгаллаб олинган мамлакатни қўлда тутиб турмоқчи бўлган ҳукмдорлар риоя қилган барча қоидалардан четлангани учунгина Ломбардияни қўлдан бой берди. Бунинг ажабланарли жиҳати йўқ, аксинча, ҳаммаси табиий ва қонуниятларга мувофиқ. Мен бу ҳақда Нантда, Валентино (папа Александрнинг ўғли Чезаре Борджани шундай дейишарди) Романьяни қўлга киритаётган пайтда Рушан кардинали билан гаплашган эдим: Кардинал менга итальянлар ҳарбий ишни унча тушунишмайди деган, мен эса жавобан французлар сиёсатни унча тушунишмайди, акс ҳолда улар Черковнинг бу қадар кучайишига эришмаган бўлишарди, деган эдим. Тажрибадан маълумки, Черков ва Испания айнан Франция туфайли Италиядаги ерларини кенгайтириб олди, аммо Франция уларни деб ҳамма нарсани қўлдан бой берди. Бундан эса кўп марта тасдиқланаётган хулосани чиқариш мумкин: бировнинг қудратини кўпайтирганнинг шўри қурсин, чунки у маҳорат

ёки куч билан қўлга киритилади, қудрат қўлига ўтаётган одам эса бу икки фазилатга ишонмайди.

### ТЎРТИНЧИ БОБ

## НИМА УЧУН ИСКАНДАР ЭГАЛЛАГАН ДОРО ҚИРОЛЛИГИ ИСКАНДАР ЎЛГАЧ, УНИНГ МЕРОСХЎРЛАРИГА ҚАРШИ БОШ КЎТАРМАГАН

Босиб олинган давлатда ҳокимият ўрнатиш қанчалик катта меҳнат талаб қилишини кўриб чиққан одам нима учун Буюк Александрнинг бутун давлати – у бир неча йил ичида Осиёни бўйсундиргач, тез орада вафот этганидан сўнг – нафақат парчаланиб кетмагани, балки унинг меросхўрлари қўлига тинч йўл билан ўтиб кетганига фақат ажабланиши мумкин. Бу меросхўрлар бошқарувда ўзининг шуҳратпарастлиги билан бошига ғалва орттириб олишдан бошқани билишмади. Бунинг сабабини тушунтириш учун шуни айтиш мумкинки, инсониятнинг қадим тарихи давомида бир киши бошқарадиган барча давлатлар иккига бўлинади: бирида ҳукмдор ўзининг иноятни ва муруввати билан олий мансабларга тайинлаган хизматкорлар даврасида, уларнинг ёрдамида ҳукмронлик қилади, иккинчисида эса ҳукмдор унинг муруввати эмас, балки қадимий насл-насаби туфайли ҳукм юритувчи баронлар даврасида ҳукмронлик қилади.



Бу баронларнинг мерос қолган давлати ва уларни подшоҳ деб тан оладиган, уларга табиий равишда боғланиб қолган фуқаролари бўлади. Подшоҳ хизматкорлари орқали ҳукм юритадиган давлатда унинг ҳокимияти жуда катта бўлади, чунки бутун мамлакат бўйлаб фуқаролар фақат биргина подшоҳни билишади; унинг хизматкорларига бўйсунишса ҳам, уларга ортиқча боғланмаган ҳолда, оддий амалдор ёки мансабдорларга бўйсунгандек бўйсунишади, холос.

Ҳукм юритишнинг бундай турли усулларига бугунги кунда Турк султони ва Франция қироли мисол бўла олади. Турк монархияси битта подшоҳга бўйсунади; ҳукуматдаги қолган барча одамлар унинг хизматкорларидир; мамлакат вилоятларга – санжоқларга бўлинган бўлиб, султон у ерга волийларни тайинлайди ва уларни кўнглига келганича алмаштириб, ўзгартираверади. Франция қиролининг атрофида эса, бунинг акси ўлароқ, аслзодалар жуда кўп бўлиб, уларнинг садоқатли фуқаролари ҳам бор. Бунинг устига бу аслзодалар шундай имтиёзларга эгаки, ҳатто қирол уларга тажовуз қилишга журъат эта олмайди.

Бу икки давлатни таққослаб кўрсак, султоннинг монархиясини босиб олиш қийин, лекин босиб олинса, қўлда тутиб туриш осон; аксинча, Франция каби давлатни маълум маънода босиб олиш осон, лекин қўлда тутиб туриш жуда қийин. Султоннинг давлатини босиб олиши қийинлигига сабаб шуки, босқинчи ўзини ўша ерлик бирорта волий ёнига чақириб олишига ёки султоннинг атрофидагилар орасидаги қўзғолон туфайли ҳокимиятни қўлга

олиш осон кечишига умид қила олмайди. Юқорида айтилганидек, султоннинг атрофидагилар унинг қулларидир. Улар султонга ўла-ўлгунча содиқ қолади, шунинг учун уларни пул билан ўзига оғдириб олиш қийин, мабодо бирортасига пора бериб, сотиб олган тақдирда ҳам улардан фойда чиқмайди, чунки юқоридаги сабаб туфайли улар халқни ортидан эргаштира олмайди. Демак, султонга ҳужум қилган одам ерлик халқнинг бир тану бир жон бўлиб қаршилик кўрсатишига тайёр туриши ҳамда бировларнинг орасидаги адоватга эмас, ўзининг кучигагина ишониши керак. Бироқ, агар султон устидан ғалаба қозонилса, унинг қўшини очиқ жангда битта қолмай қириб ташланса, саркарда султоннинг авлодларидан бошқа ҳеч кимдан қўрқмаса ҳам бўлади. Султоннинг авлодлари ҳам қириб ташланса, энди ҳеч кимдан қўрқмаса бўлади. Чунки бошқа ҳеч ким фуқарони ортидан эргаштира олмайди; ғалабадан олдин халқнинг ёрдамига умид қилмаслик керак бўлса, ғалабадан кейин ундан қўрқмаслик керак.

Францияга ўхшаш давлатларда эса вазият бошқача: бу мамлакатга баронлардан бирортаси билан тил бириктириб, осонгина кириб олиш мумкин, чунки уларнинг орасидан норозиларни ва ўзгариш истовчиларни истаган пайтда топиш мумкин. Мана шу сабаблар туфайли улар босқинчига мамлакат дарвозаларини очиб беришлари ва ғалабани осонлаштириб беришлари мумкин. Бироқ бундай мамлакатни босиб олгандан кейин уни қўлда тутиб туриш қийин, чунки сенга ёрдам берганлар томонидан ҳам, сен куч билан мағлуб қилганлар



томонидан ҳам хавф бор. Бу ерда подшоҳнинг наслини қириб ташлаш кифоя қилмайди, чунки янги фитнага бошчилик қилишга тайёр турган баронлар доим топилади; уларнинг на даъволарини қондириб бўлади, на ўзларини йўқотиб бўлади, шунинг учун улар имкон топилди дегунча сени тахтдан ағдаришади.

Ана энди Доронинг салтанатига эътибор берсак, унинг салтанати, султоннинг салтанатига ўхшашлигини кўрамиз. Шунинг учун ҳам Александр уни бир зарба билан тор-мор қилиб, Доронинг қўшинини очиқ жангда битта қўймай қириб ташлаши керак бўлган. Бироқ, бундай ғалабадан ва Доронинг ўлимидан кейин у юқоридаги сабаб туфайли ҳокимиятининг мустаҳкамлиги ҳақида ташвишланмаса ҳам бўларди. Унинг ворислари ҳам, агар тинч-тотув яшашса, ҳеч бир ташвишсиз ҳукм юритишлари мумкин эди: уларнинг ўзлари бирор фитна чиқармаса, салтанатдан бошқа ҳеч қандай фитна пайдо бўлмас эди.

Бироқ тузуми Франция каби давлатларда эса ҳукмдор бунчалик беташвиш ҳукм юрита олмайди. Майда ҳукмдорлар жуда кўп бўлган Испания, Франция ва Грецияда гоҳ-гоҳида римликларга қарши қўзғолонлар бошланиб турарди. Аввалги тузум ҳали одамларнинг кўз ўнгида сақланиб турар экан, Рим салтанати омонатлигича қолаверарди; бироқ тузум унутилгани сари римликлар ўзларининг кучқудрати ва узоқ давом этган ҳукмронлиги туфайли бу мамлакатларда ўз ҳукмини тобора мустаҳкамлаб бораверди. Шунинг учун кейинчалик, римликлар ўзаро жанг қилаётган пайтда, ҳар бир рақиб ўзи

мустаҳкамроқ ўрнашган вилоятларни жангга жалб қилаверди. Асл ҳукмдорлари қириб ташланган маҳаллий аҳоли эса римликлардан бошқа ҳукмдорларни тан олишмади. Буларнинг барчасини эътиборга оладиган бўлсак, нима учун Александр Осиёдаги салтанатни қўлда тутиб тура олганини, Пирр ва бошқа кўплаб ҳукмдорлар эса нима учун эгаллаб олган мамлакатларни қўлда тутиб туришга жуда қийналганини тушуниш мумкин. Бунинг сабаби ғолибнинг қанчалик жасур ва қаҳрамонлигида эмас, балки эгалланган давлатларнинг тузуми турлича бўлганидир.

## БЕШИНЧИ БОБ

# ЭГАЛЛАБ ОЛИНГУНЧА ЎЗ ҚОНУНЛАРИ БЎЙИЧА ЯШАГАН ШАҲАР ЁКИ ДАВЛАТЛАРНИ ҚАНДАЙ БОШҚАРИШ МУМКИН

Босиб олинган давлат азал-азалдан эркин яшаган, унинг ўз қонунлари мавжуд бўлса, уни уч хил йўл билан қўлда тутиб туриш мумкин.

Биринчиси – уни вайрон қилиш; иккинчиси – ўша ерга кўчиб бориб яшаш; учинчиси – фуқароларга ўз қонунлари асосида яшашга имкон бериб, уларга ўлпон (солиқ) солиш, ҳукмдорга дўстона муносабатда бўлишга ваъда берган (қасам ичган) бир неча кишига бошқарувни ишониб топшириш. Бу кишилар ҳукмдорни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдилар,



чунки уларга ҳокимиятни ҳукмдор берганини, уларнинг кучи ҳукмдорнинг дўстлиги ва куч-қудратига боғлиқлигини биладилар. Бундан ташқари, эркин яшашга ўрганган шаҳарни вайрон қилгинг келмаса, уни бошқа бирор йўл билан эмас, айнан шу ерлик фуқаролар орқалигина қўлда тутиб туриш энг осон йўлдир.

Мисол учун, Спарта ва Римни олайлик. Спарталиклар Афина ва Фивада олигархия ўрнатиб, бу икки шаҳарни қўлда тутиб туришди, лекин кейин барибир қўлдан бой беришди. Римликлар эса Капуя, Карфаген ва Нуманцияни қўлда тутиб туриш учун уларни вайрон қилишди ва ўз ҳукми остида сақлаб қолишди. Улар Грецияни худди спарталиклар тутган йўл билан, яъни олигархия ташкил қилиб ушлаб туришга уринишди, фуқароларни эркин қўйиб, ўз қонунларига кўра яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилишмайди, бироқ бу фойда бермади. Натижада бутун Грецияни қўлдан бой бермаслик учун ундаги кўплаб шаҳарларни вайрон қилишга мажбур бўлишди.

Зеро, аслида бир шаҳарни вайрон қилмай туриб, уни ишонч билан қўлда тутиб туришнинг имкони йўқ.

Азалдан эркин яшаган шаҳарни қўлга киритган, аммо унга шафқат қилган кишига ўша шаҳар шафқат қилмайди. У ерда озодлик учун, на вақт, на янги ҳукуматнинг яхшиликлари унуттира оладиган эски тузумни тиклаш учун қўзғолон кўтаришга сабаб доим топилади. Нима қилсангиз ҳам, ҳар қанча уринсангиз ҳам, шаҳар аҳлини ажратиб юбормасангиз, ҳар тарафга тарқатиб юбормасангиз,

улар аввалги озодликни ҳам, аввалги тузумни ҳам ҳеч қачон унутишмайди, имкон топилди дегунча уларни тиклашга ҳаракат қилишади. Флоренциячиларнинг қўлига ўтиб қолган Пиза шаҳри аҳолиси орадан юз йил ўтгандан кейин худди шундай қилди.

Шунинг учун ҳукмдорнинг тасарруфида уларнинг кўнглини олиш ва шу йўл билан ўзининг хавфсизлигини таъминлаш учун етарли вақт бўлади. Республикаларда эса аҳвол бошқача: бу ерда ҳаёт қайнайди, адоват ҳам, қасос шавқи ҳам кучли бўлади; бу ерда аввалги озодлик ҳақидаги хотира ҳеч қачон ўлмайди ва ўлиши мумкин ҳам эмас. Шунинг учун уларни қўлда тутиб туришнинг энг тўғри йўли ё вайрон қилиш, ё у ерга кўчиб боришдир.

Бироқ агар шаҳар ёки мамлакат бир ҳукмдорнинг қўл остида яшашга ўрганган бўлса, аммо унинг насли қириб юборилган бўлса, бундай шаҳар аҳлининг қурол кўтариши унчалик осон эмас, чунки бир томондан, улар бўйсунишга ўрганган бўлади, иккинчи томондан эса эски ҳукмдорни йўқотгач, улар на янгисини сайлашга келиша олишади, на эркин яшай олишади.





## ҚУРОЛ ЁКИ ЖАСОРАТ БИЛАН ҚЎЛГА КИРИТИЛАДИГАН ЯНГИ ДАВЛАТЛАР ҲАҚИДА

Ҳукуматларни эгаллаш, ҳукмдорлар ва салтанатлар ҳақида сўз борар экан, буюк инсонларнинг мисолларига мурожаат қилишим табиий ҳолдир.

Одамлар, одатда, бошқалар очган йўлдан юради, бирор намунага эргашиб иш тутади. Бироқ бу йўлларга кўр-кўрона эргашишнинг ҳам, ўзимизга ўрнак деб билган кишиларга жасорату маҳоратда тенглаша олишнинг ҳам имкони бўлмагани боис, оқил инсон уларга бу борада тенглаша олмаса ҳам, ҳеч бўлмаганда уларнинг жасоратидан руҳланиш учун буюк зотлар босиб ўтган йўлларни танлаши, уларнинг энг муносибларига эргашиши лозимдир. Бу борада тажрибали мерганларга ўхшашга интилиш керак. Улар нишоннинг узоқроқда эканини кўришса, мўлжални юқорироқ олишади. Бироқ улар ўқ юқорига кетсин деб эмас, балки камоннинг кучини билгани учун, ўқ узоқдаги нишонга етиб борсин деб юқорироққа қараб ўқ узишади.

Шундай қилиб, янги қўлга киритилган давлатда ҳукмни қўлда тутиб туришнинг осон ёки қийин бўлиши янги ҳукмдорнинг маҳоратига боғлиқдир.

Четдан қараганда бир одам тахтга ёки ўзининг жасорати, маҳорати туфайли, ёки толеининг кулиб боқиши туфайли келадигандек, кейинчалик ҳам

кўпгина қийинчиликларни енгишда бу иккиси баравар қўл келадигандек туюлади. Аммо воқеликда кимки тақдирга камроқ ишонган бўлса, ҳукумат тепасида узоқроқ қолади. Шунингдек, янги ҳукмдорнинг бошқа ерлари бўлмаса, эгаллаб олган давлатига кўчиб келишга мажбур бўлгани ҳам ишни осонлаштиради.

Бироқ тахтни тақдирнинг тақозоси билан эмас, шахсий маҳорати ва жасорати билан қўлга киритганларга келсак, мен Мусо, Кир, Тезей ва шу кабиларни айтиб ўтишим мумкин.

Мусо ҳақида айтиб ўтирмасак ҳам бўлади, чунки у Парвардигорнинг фармонини ижро қилувчи эди, холос. Унинг Робби билан роз айтишга муносиб қилган фазилатлари олдида бош эгамиз. Энди Кир ва бошқа жаҳонгирлар ва салтанат асосчиларига мурожаат қиламиз: уларнинг буюклигига қойил қолмасликнинг иложи йўқ, уларнинг қилган ишлари ва юритган ҳукмлари Мусога Робби илҳом қилган ҳукмлардан қолишмайди. Бу зотларнинг ҳаёти ва мардликлари ҳақида фикр юритар эканмиз, бир нарсага ишонч ҳосил қиламиз: тақдир уларга қулай бир имконият берган, яъни уларни исталган шаклга солиш мумкин бўлган материал билан таъминлаган, холос. Агар бундай имконият берилмаса, уларнинг иқтидори беҳуда кеттан бўларди; агар уларда бундай иқтидор бўлмаса, берилган имконият беҳуда кеттан бўларди.

Агар Мусо Бану Исроилни Мисрда қулликда, қибтийларнинг истибдоди остида ётгани устига келиб қолмаса, бу асоратдан халос қилиш уларни ортидан эргашишга кўндира олмаган бўларди.



Агар Ромул туғилган пайтида тақдирнинг ҳукмига ташлаб кетилмаган, Альба эса унга торлик қилмаган бўлганида, у Римнинг подшоҳи ва давлатнинг асосчиси бўлмаган бўларди. Агар ўша пайтда форслар мидияликларнинг ҳукми остида эзилмаган, мидияликлар эса узоқ вақт тинчлик-хотиржамликдан бўшашиб, нозиклашиб кетмаган бўлганида, Кир бу қадар катта муваффақиятлар қозонмаган бўларди. Агар Тезей афиналикларнинг бир-биридан алоҳида яшаётгани устидан чиқиб бўлмаса, бу қадар жасорат намоён қила олмаган бўларди. Хуллас, уларнинг ҳар бирига қулай имконият насиб қилиб қолган, бироқ улар ўзининг буюк иқтидори туфайли бу имкониятнинг асл маъносини кашф қила олишган ва шу туфайли уларнинг Ватани шуҳрат қозониб, бахт-саодатга эришган.

Кимки бу машҳур инсонлар каби дадиллик билан иш тутса, ҳокимиятни қўлга киритиши қийин бўлади, аммо уни қўлда тутиб туриши осон бўлади; қийинлиги шундаки, аввало улар янги тартиб-қоидалар ўрнатиши лозим бўлиб, бусиз давлатга асос солиш ва унинг хавфсизлигини таъминлашнинг имкони йўқ.

Аммо билмоқ керакки, эски тартибларни янгиси билан алмаштиришдек қийин, юритиш хатарли, муваффақиятли даргумон иш йўқ. Бундай ташаббус билан чиққан ҳар бир инсон эски тартибдан манфаатдорларнинг адоватига ҳамда янги тартибдан манфаатдорларнинг совуққонлигига дуч келади. Бу совуққонликнинг сабабларидан бири рақибдан қўрқишдир, чунки қонун у томонда бўлади, яна бири эса янгилик узоқ вақт давом этиб, тажрибада тас-

диқланмагунича унга ишонмайдиган одамларнинг ишончсизлигидир. Эски тартиб тарафдорлари имкон топилди дегунча бор кучи билан ҳужум қилади, янгилик тарафдорлари эса сустлик билан мудофаа қилишади, шунинг учун уларга суянган одам ўзини хатарга қўяди.

Бу ишни батафсилроқ таҳлил қилишдан аввал бундай ислоҳотчилар ўз кучига ишонадими ёки четдан кимнингдир қўллаб-қувватлашига боғлиқми – шуни аниқлаб олиш керак; бошқача қилиб айтганда, улар ўзи бошлаган ишни охирига етказиш учун кимгадир ялиниши керакми ёки куч ишлатишадими?

Биринчи ҳолатда улар муваффақиятсизликка маҳкум бўлади, иккинчи ҳолатда эса, яъни улар куч ишлатиши мумкин бўлса, камдан-кам ҳоллардагина муваффақиятсизликка учрашади. Шунинг учун қуролланган пайғамбарлар доим енгишган, қуролсизлари эса ҳалок бўлган. Чунки, юқоридагиларга қўшимча равишда айтиш лозимки, одамларнинг феъл-атвори ўзгариб туришини унутмаслик керак, уларни ўз ғоянгизга оғдириш осон, лекин унда ушлаб туриш қийин. Шунинг учун халқда ишонч йўқолса, уни ишонишга куч билан мажбур қилишга тайёр туриш керак. Мусо, Кир, Ромул ва Тезейлар қуролсиз бўлганда, ўзлари жорий қилган қонунларга узоқ вақт давомида риоя қилинишига эриша олмаган бўлишарди. Бугунги кунда фра (католик монах) Жироламо Савонаролада ҳам худди шундай бўлди: оломон у жорий қилган қонунларга ишонмай қўйган заҳоти бу қонунлар бекор бўлди, унга ҳануз ишонаётганларнинг ишончини



мустаҳкамлаш, ишонмай қўйганларни мажбурлаш учун эса унда ҳеч қандай восита йўқ эди.

Мен санаб ўтилган одамларнинг йўлида жуда кўп қийинчилик ва хавф-хатарлар пайдо бўлади, уларни енгиб ўтиш учун эса улкан жасорат, мардлик ва маҳорат талаб қилинади. Бироқ мақсад қўлга киритилган бўлса, подшоҳ қўл остидагиларнинг ҳурматига сазовор бўлган, ҳасадгўйларни бартараф қилган бўлса, у узоқ йиллар давомида куч-қудрат, хотиржамлик, иззат-икром ва бахт-саодатга эришади.

Бундай олий намуналар қаторида мен бироз пастроқ мисолни ҳам келтираман ва шунинг ўзи етарли деб ўйлайман.

Мен сиракузлик Гиеронни назарда тутяпман: у оддий фуқароликдан Сиракуз подшоҳи мартабасига кўтарила олди, ваҳоланки, тақдир унга қулай фурсатдан бошқа ҳеч нарса ато қилмаган эди: Сиракузнинг мазлум аҳолиси уни ўзига саркарда этиб тайинлади, у эса ўз кучи, ўз меҳнати билан уларнинг подшоҳига айланди. Гиерон ҳали машҳур бўлмасидан аввал ҳам шу қадар кучли иқтидор эгаси эдики, қадимий муаллифнинг таъбири айтганда, «nihim illi seerat ad regnandum praeter regnum»[1]. У эски қўшинни тарқатиб юбориб, янги лашкар тузди, эски аҳдномаларни бекор қилиб, янгиларини имзолади. Ўз қўшини ва ўз иттифоқдошларига эга бўлгач, у бундай пойдевор устида ҳар қандай бинони қуриб ташлай олар эди. Шунинг учун энг қийини – ҳокимиятни эгаллаш бўлса, энг осони – уни қўлда тутиб туриш эди.

---

[1] У подшоҳ бўлиши учун фақат подшоҳлик етишмас эди, холос.

## БИРОВНИНГ ҚУРОЛИ ЁКИ ТАҚДИРНИНГ ИНОЯТИ ИЛА ҚЎЛГА КИРИТИЛАДИГАН ЯНГИ ДАВЛАТЛАР ҲАҚИДА

Тахтга ўзининг иқтидори эмас, тақдирнинг инояти билан ўтирганлар учун ҳокимиятни қўлга киритиш осон, бироқ уни қўлда тутиб туриш қийин бўлади. Улар мақсадга элтадиган узоқ йўлни гўё қушдек осонлик билан учиб ўтадилар-у, аммо кейин жуда кўп қийинчиликларга дучор бўладилар. Мен ҳокимиятни мол-дунё эвазига қўлга киритган ёки ҳадя сифатида қабул қилиб олган фуқароларни назарда тутяпман. Бундай ҳолатлар Грециянинг Иония ва Гелеспонта каби шаҳарларида тез-тез учраб турар, Доро бу ерларга ўзининг хавфсизлигини таъминлаш ва обрўсини ошириш учун ҳокимларни тайинлар эди; бу ҳолат Римда ҳам кўп учрарди, оддий фуқаролар аскарларни сотиб олиб, ўзларини император деб эълон қилишарди.

Бундай ҳолатларда подшоҳлар ҳокимиятни уларга берганларнинг иродаси ва кайфиятига, яъни ниҳоятда беқарор ва инжиқ икки кучга мутлақо қарам бўлишади; улар тахтни қўлда тутиб туришни билмайди ҳам, бунинг уддасидан чиқа олмайди ҳам.

Билмаслигининг сабаби шуки, маълум бир иқтидор ва фазилати бўлмаган, бир умр оддий лавозимда юрган одам давлат бошқаришни қаердан ҳам ўргансин? Уддасидан чиқа олмаслигининг сабаби



ва уларнинг иттифоқчилари, мустаҳкам таянчи бўлмайди. Дабдурустдан подшоҳ бўлиб қолган бундай кимсалар табиатда бирдан пайдо бўлиб, тез ўсиб кетадиган ўсимликларга ўхшаб, томир отишга ҳам, новшабба чиқаришга ҳам улгурмай, дастлабки бир ёмғирдаёқ нобуд бўлишади. Ҳақиқий иқтидорга эга бўлган одамларгина бирдан юқори мартабага кўтарилиб қолса, бошига қўнган омад қушини қўлдан чиқармайди, бундайлар ҳукмдор бўлгач, бошқалар тахтга ўтиргунгача қурадиган пойдеворни кейин қура бошлайди.

Ўз кучи, ўз меҳнати ёки тақдирнинг инояти билан тахтга ўтириш имкониятларини бизга ниҳоятда тушунарли бўлган икки мисолда – Франческо Сфорца ва Чезаре Борджа мисолида кўрсатиб бераман.

Франческо ноёб маҳорат ва буюк жасорат кўрсатиб Милан герцоги бўлди ва катта меҳнат эвазига қўлга киритган ҳокимиятини қийналмасдан қўлда тутиб тура олди. Оддий халқ герцог Валентино деб атайдиган Чезаре Борджа эса отасига кулиб боққан ва уни кўкларга кўтарган омад туфайли тахтга ўтирди; бироқ ақлли ва шижоатли одам бўлгани, бировнинг қуроли ва бировнинг омади туфайли эришган тахтининг илдизларини мустаҳкамлаш учун қўлидан келган барча ишни қилган бўлишига қарамай, отасидан айрилгач, тахтдан ҳам маҳрум бўлди. Чунки, аввал айтганимдек, агар пойдевор аввал қурилмаган бўлса, жасур ва шижоатли одам устани кўп қийнаса ҳам, бутун бинога хавф туғдирса ҳам, уни кейин ҳам қура олади.

Герцогнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиб чиқсак, у келгуси куч-қудрати учун мустаҳкам пойдевор

қура олганига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Мен бу нуқтани муҳокама қилиш фойдадан холи эмас деб ҳисоблайман, чунки янги ҳукмдорга бундан яхши тавсия борлигини билмайман.

Герцогнинг тадбиркорлиги уни таназзулдан қутқариб қолмаган бўлса-да, бу унинг айби эмас, балки омад қушининг мисли кўрилмаган маккорлигидир.

Александр VI герцогни – ўзининг ўғлини тахтга чиқаришни истар, бироқ бунга ҳозирда ҳам, келгусида ҳам кўплаб тўсқинликлар бўлишига кўзи етар эди.

Аввало у Черков ҳукми остидаги ерларгина унинг қўл остида эканини билар эди, бироқ улардан бирортасини герцогга беришга уринса, бунга Милан герцоги ҳам, бу пайтга келиб Фаэнца ва Риминини ўз қўл остига ўтказиб олган венецияликлар ҳам қарши чиққан бўларди. Бунинг устига, Италиядаги қўшинлар, айниқса, унга мойил бўлган аскарлар папанинг куч тўплашидан хавфсирайдиган кишиларнинг, яъни Орсини, Колонна ва уларнинг гумашталари қўлида тўпланган эди. Шундай қилиб, аввало мавжуд тартибни парчалаш, давлатлардан бирини осонлик билан эгаллаб олиш учун уларнинг орасига нифоқ солиш керак эди. Бунинг йўли осондек эди, чунки венецияликлар ўз манфаатлари йўлида Италияга французларни чақиришган эди. Папа эса бунга нафақат халақит бермаган, балки қирол Людовикнинг аввалги никоҳини бузиб, бунга ёрдам ҳам берган эди.

Хуллас, қирол Италияга венецияликларнинг ёрдами ва Александрнинг розилиги билан кириб келди ва Миланга етиб келган заҳоти папага қўшин жўнатди. Папа бу қўшин ёрдамида Романьяни эгаллаб олди. Табиийки, ортида қирол тургани туфайли бунда унга ҳеч ким монелик қилмади.

Шундай қилиб, Романья герцогнинг қўл остига ўтди. Колоннанинг режаси барбод бўлди, бироқ лекин герцог ўз йўлида давом эта олмас эди, чунки бунга иккита тўсиқ бор бўлиб, биринчиси – у қўшинига бироз ишончсизлик билан қарарди, иккинчиси эса Франциянинг режалари эди. Аниқроқ қилиб айтганда, биринчидан, у қўл остида хизмат қилаётган Орсини қўшини панд бериб қолишидан чўчир эди, яъни уни ташлаб кетишидан, ундан ҳам ёмони, босиб олинган ерларни тортиб олишидан қўрқар эди; иккинчидан эса, қиролдан ҳам худди шуни кутиш мумкин деб хавфсирар эди. У Фаэнцани қўлга киритгач, Орсини қўшинларини Болоньяга юборган ва уларнинг жуда шиддатлаб ҳужум қилаётганини кўрганидан сўнг бу қўшинига шубҳаланиб қолган эди. Қиролга келсак, Урбино олингач, Тоскан томонга отланганда қирол уни чекинишга мажбур қилганида унинг ниятини тушуниб қолган эди. Шунинг учун герцог бундан буён на бировнинг қуролига, на кимнингдир омадлилигига ишонмасликка аҳд қилди.

У аввало Римдаги Орсини ва Колонна қўшинларини заифлаштирди; уларга тарафдор бўлган барча зодагонларни катта маош тайинлаб, ўз хизматига оғдириб олди, ҳар бирининг иқтидорига қараб, қўшинда ва бошқарувдаги ўринларни тақсимлаб берди, натижада улар бир неча ой ичида ўз қўшинларидан кетиб, герцог тарафдорлари сафига қўшилишди.

Шундан сўнг у Орсини қўшини раҳбарларини, бундан аввал эса Колоннани бир ёқлик қилиш учун

пайт пойлай бошлади. Бунга жуда қулай фурсат ҳам келди, у эса бу имкониятдан янада усталик билан фойдаланди. Черков кучайиб кетса, ўзининг ҳалок бўлишини англаб етган Орсини раҳбарлари Мажонида, Перужи яқинида машваратга тўпланишди. Бу машварат герцог учун жуда оғир оқибатларга олиб келиши мумкин эди, масалан, Урбинода қўзғолон, Романьяда эса норозилик келиб чиқариши мумкин эди. Бироқ у французларнинг ёрдами туфайли бу муаммоларни бартараф қила олди.

Герцог ўзининг аввалги мавқеини тиклаб олгач, бундан буён ўзини хатарга қўймаслик учун на Францияга, на бошқа бирорта ташқи кучга ишонмасликка қарор қилиб, алдов йўлига ўтди.

У Орсиниларнинг кўзини шундай усталик билан шамғалат қилдики, натижада улар аввалига улар билан синьор Паоло орқали ярашишди, – герцог уни ниҳоятда иззат-икром билан кутиб олиб, сарполар, отлар, пуллар ҳадя қилди – кейин эса Синигалияда ўзлари соддалик қилиб, унинг қўлига таслим бўлишди. Рақибларнинг бошлиқларини йўқотиб, уларнинг тарафдорларини ўзига оғдириб олгач, герцог ўзининг бўлғуси куч-қудратига мустаҳкам пойдевор ўрнатди: бутун Романья Урбино герцоглиги билан бирга унинг қўл остига ўтди, энг муҳими, у ўзининг ҳукми остида фаровон ҳаёт кечираётган халқнинг садоқатидан кўнгли тўқ эди.

Герцог кўрган чора-тадбирларнинг бу қисми эътиборга ва ўрнак олишга лойиқ бўлгани учун мен бу борада алоҳида тўхталиб ўтишни истар эдим.

Романья унинг қўлига ўтгунига қадар ношуд ҳукмдорлар қўли остида эди. Улар ўз фуқароси ҳақида



ғамхўрлик қилиш ўрнига уларни тинмай талашар, уларни тинч-тотув яшатиш ўрнига ораларига нифоқ солишарди, оқибатда бутун ўлка талон-торожлардан, ҳар хил жанжал ва ноҳақликлардан изтироб чекарди. Герцог эса Романьяни босиб олгач, у ерда тинчлик ўрнатиб, олий ҳукуматга бўйсундириш учун уни ишонган қўлларга топширишга қарор қилди ва бутун ҳокимиятни мессер Рамиро де Оркога – кескин ва қаттиққўл одамга юклади. У қисқа муддат ичида Романьяда тинчлик ўрнатди, тортишувларга чек қўйди ва бутун ўлкани қўрқувдан зир титратди. Буни кўрган герцог энди ҳокимиятни бир одам қўлида ортиқча жамлаб юбориш шарт эмас, акс ҳолда фуқарода норозилик келиб чиқади деган фикрга келиб, обрўли одам раислигида фуқаролик судини ташкил қилди, бу судда ҳар йили бир ҳимоячини тайин қилиб қўйди. Бироқ мессернинг қаттиққўллиги халқни барибир унга қарши қилиб қўйганини билиб, қаттиққўллик унинг эмас, волийнинг айби эканини кўрсатиб қўйиб, ўзини оқлашга, фуқароларнинг қалбини олишга қарор қилди. Қарабсизки, бир куни эрталаб Чезендаги майдонга унинг фармонига кўра мессер Рамиро де Орконинг иккига бўлиб ташланган жасадини ва қонга беланган қилични қўйиб қўйишди. Халқ бу даҳшатли манзарани кўриб, на ёвуз мессердан қутулганига хурсанд бўлишини, на герцогнинг шафқатсизлигидан қўрқишини билмай қолди.

Мавзудан бироз чалғиб кетдик, келинг, унга қайтайлик. Хуллас, герцог ўз аскарларига эга бўлиб, қўшни бўлган учун унга хавф туғдириши мумкин бўлган қўшинларнинг талайгина қисмини тор-мор қилди, натижада катта куч тўплаб, ўз хавфсизлигини

анча таъминлади; энди унинг йўлига фақатгина Франция қироли ғов бўлиб турар эди, холос: қандай хатога йўл қўйганини кечикиб бўлса-да англаган қирол энди унинг бирор жойни босиб олишига тоқат қилмас эди. Шунинг учун герцог ўзига янги иттифоқдош қидира бошлади, Францияга нисбатан эса – айни французлар Гаетани қамал қилиб турган испанларга қарши Неаполга юриш бошлаган пайтда – ўзини олиб қоча бошлади. У Франция билан орани очиқ қилишни мўлжаллар эди, агар папа Александр узоқроқ яшаганда, бунга жуда тез эришган бўларди ҳам.

Герцогнинг бугунги кунга оид хатти-ҳаракатлари ана шундай эди.

Келгуси вақтга келадиган бўлсак, унинг учун энг катта хавф – Александрнинг ворисги эди, чунки у нафақат адоват қилиши, балки Александр герцогга берган ҳамма нарсани ундан тортиб олиши мумкин эди. У бунинг олдини олиш учун тўртта эҳтиёт чорасини кўрди: биринчидан, ўзи хонавайрон қилган ҳукмдорларни оиласи билан қўшиб қириб ташлаш, токи янги папа уларни ҳимоя қилиб чиқмасин; иккинчидан, римлик нобиллар ёрдамида Александрнинг бўлғуси ворисини тизгинда ушлаб туриш учун уларни ўзига оғдириб олиш; учинчидан, Кардиналлар коллегиясида имкон қадар кўпроқ ўз одамларига эга бўлиш; тўртинчидан, ташқаридан келадиган биринчи ҳужумга ўз кучлари билан бардош бера олиш учун папа Александрнинг ўлимигача ўз ерларини имкон қадар кенгайтириб олиш. Александр вафот қилган пайтда герцог бу чораларнинг учтасини кўриб бўлган, тўртинчиси ҳам деярли тайёр эди. У ўзи хонавайрон қилган



ҳукмдорлардан қўли етган барчасини ўлдирди, уларнинг бир нечтасигина қутулиб қолди; римлик нобилларни ўзига оғдириб олди, Коллегияда ҳам кардиналларнинг кўпчилигидан ёрдам бериш ҳақида ваъда олди. Ерларни кенгайтиришга келсак, у Тоскана ҳукмдори бўлишни режа қилиб, Перужа ва Пьомбинони босиб олишга ва Пизани ўз ҳомийлиги остига олишга улгурди. Энди у Франциядан қўрқмаса ҳам бўлар эди – испанлар Неаполь қироллигидан французларни узил-кесил сиқиб чиқаргач, иккала томон ҳам герцог билан дўстлашиш учун унинг ишини мойлаши керак эди, бинобарин, яна бир қадам қўйса, у Пизани ҳам эгаллаб олган бўларди. Шундан кейин ўша заҳоти Сиена билан Лукка ҳам ундан қўрққанидан, ҳам флоренцияликларга қасдма-қасд унга таслим бўларди, шунда флоренцияликларнинг ҳам чорасиз аҳволда қолган бўларди. Буларнинг барчаси папа Александр вафот этган йилнинг ўзидаёқ юз берган бўларди. Агар шундай бўлса, герцог шунақанги катта куч ва нуфузга эга бўлардики, энди у ҳеч кимнинг ҳомийлигига муҳтож бўлмасди, на бировнинг қуролига, на омадга муҳтож бўлмас, балки ўзининг кучи ва иқтидорига суянган бўлар эди. Бироқ герцог отасининг вафотидан атиги беш йил аввалгина қилич яланғочлади. Ва биргина вилоят – Романьягагина ҳукмрон бўлишга улгурди, холос. Қолган вилоятларни эгаллаш эса ярим йўлда қолиб кетди, чунки у икки душман қўшини ўртасида сиқиб қўйилган ҳолатда, бедаво дард исканжасида эди.

Бироқ герцог шу даражада қўрқмас ва жасур, одамларни ўзига оғдириб олиш ёки уларни йўлдан олиб ташлашга шунақанги уста эдики, ҳокимия-

тининг қисқа муддат ичида қурилган пойдеворн агар уни икки томондан икки душман қўшини сиқиб турмаганида, касали ҳолдан тойдирмаганида, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўта олган бўлар эди.

Унинг ҳокимият пойдевори мустаҳкам эканини биз юқорида кўрдик: Романья уни бир ойдан бери кутарди; Римда, ўлим тўшагида ётса ҳам, хавф-хатардан холи эди: у ерга келган Бальони, Орсини ва Вителлиларнинг ортидан ҳеч ким эргашмаган эди; у эришган энг муҳим нарса, папа лавозимига у истаган одамни сайлашмаган бўлса-да, ҳар ҳолда у истамаган одамни сайлашмади. Агар герцог айни папа Александр вафот этган пайтда ўлим тўшагида ётмаганида, ҳар қандай тўсиқни осонгина енга олган бўлар эди. Юлий II сайланган кунларда у менга отаси вафот этган тақдирда қилинадиган барча ишларнинг чорасини кўриб қўйганини, ҳар қандай ҳолатнинг ечимини топиб қўйганини айтди. Аммо у биргина нарсани – ўша пайтда ўзи ҳам ўлим тўшагида ётиб қолишини ҳисобга олмаган эди.

Герцогнинг тутган йўлини шарҳлар эканман, унинг бирорта ишига эътироз билдира олмадим; ўйлашимча, у тақдирнинг иноятн ёки бировнинг қуроли орқали тахтга ўтирган ҳар бир ҳукмдор учун намуна бўла олади. Чунки буюк ғояси ва олий мақсади бўла туриб, бундан бошқача йўл тута олмас ҳам эди: Александрнинг бевақт ўлими ва ўзининг бедаво дардигина унинг режаларини рўёбга чиқаришга халал бериб қолди. Шундай қилиб, янги давлатда душманлардан ҳимояланиш, дўстлар орттириш, куч ёки ҳийла билан енгиш, халқнинг юрагига ҳам қўрқув, ҳам меҳр, аскарларнинг қалби-



да итоат ва ҳурмат сингдириш, содиқ ва ишончли қўшинга эга бўлиш, зарар етказиши мумкин бўлган одамларни йўлдан олиб ташлаш; эски қонун-қоидаларни янгилаш, ишончсиз қўшин йўқотиб, ўрнига ўзиникини ташкил қилиш, ҳам қаттиққўл, ҳам мурувватли бўлиш, олижаноб ва саховатпеша бўлиш ва ниҳоят, бошқа ҳукмдор ва қироллар билан дўстлашиб, уларнинг ё ёрдам беришига, ё ҳужум қилмаслигига эришиш борасида бундан ортиқ ўрнак, ибрат бўлиши мумкин эмас.

Герцогни биргина нарсада – Юлийни Черков раҳбари этиб сайлашда айблаш мумкин. У мана шу ерда мўлжалдан адашган, чунки агар у бу лавозимга ўзига маъқул одамни ўтқаза олмаса, ўзига маъқул бўлмаган одамни йўлдан олиб ташлаши мумкин эди. Юқорида айтдикки, бу иш унинг қўлидан келарди; шундай экан, папа мартабасига илгари унинг қўлидан озор чеккан сайланган тақдирда ундан қўрқадиган кардиналларни зинҳор-базинҳор аралаштирмаслик керак эди. Чунки одамлар ё қўрққанидан, ё ёмон кўрганидан ўч олади. Унинг қўлидан озор чекканлар қаторида Сан-Пьетро ин Винкула, Колонна, Сан-Джорджо, Асканиолар бор эди; қолган барча кардиналлар эса папа этиб тайинлангач, ундан қўрқишига сабаб бор эди. Фақат испанлар ва Руан кардиналигина бундан мустасно эди: испанлар – қариндошлик ришталари туфайли, кардинал эса унинг ортида турган Франция қироллигининг қудрати туфайли ундан қўрқмас эди. Шунинг учун биринчи навбатда бу мартабага бирорта испанни ёки бунинг иложи бўлмаса – Руан кардиналини тайинлаш керак эди, аммо зинҳор

Сан-Пьетро ин Винкулани эмас. Янги яхшиликлар бу дунёнинг подшоҳларига эски аразларни унуттиради деб ўйлаган одам адашади. Ҳуллас, герцог шундай хатога йўл қўйдики, бу хато уни ҳалокатга олиб келди.

### САККИЗИНЧИ БОБ

## ҲОКИМИЯТНИ ЗУЛМ БИЛАН ҚЎЛГА КИРИТАДИГАНЛАР ҲАҚИДА

Бироқ ҳукмдор бўлишнинг яна икки йўли борки, уларни на тақдирнинг инояти, на шон-шавкат деб атаб бўлади; аммо уларни айтмай ўтиш ҳам, менимча, тўғри бўлмайди, республикалар ҳақида сўз борганда уларнинг ҳеч бўлмаса биттаси ҳақида фикр юритиш ўринлироқ бўлади. Мен бир одам жиноятлар йўли билан ёки фуқароларнинг унга муҳаббати туфайли тахтга ўтирган ҳолатларни назарда тутяпман. Биринчи усул ҳақида гапирадиган бўлсак, икки мисол келтираман – бири қадим тарихдан, бири бугунги кунимиздан – ва шу билан кифояланаман, чунки шу мисол излаётганларга шу иккиси етарли деб ўйлайман.

Сицилиялик Агафокл нафақат оддий халқдан, балки энг қуйи ва тубан мартабадан Сиракуз подшоҳлигига кўтарила олди. У кулол оиласида туғилган, бир умр ночорликда яшаган эди, бироқ ёшлигидан руҳан ва жисмонан шу қадар кучли эдики, аскарлик хизматига ўтгач, Сиракуз претори лавозимигача кўтарилди. У ушбу лавозимга тайинлангач, у Сиракуз ҳукмдори бўлишга ва шу иш билан шундоқ ҳам унга ишониб топширилган нарсани ўзиники қилиб олишга қарор қилди. У ўзининг бу режасига асли карфагенлик, ўша пайтда Сицилияда бўлган Гамилькарни ҳам тортиб, бир куни эрталаб бутун Сиракуз халқи ва сенатини гўёки республикага оид ишларни ҳал қилиб олиш учун чақирди; ҳамма тўплангач эса, аскарлар унинг шартли ишорасига биноан барча сенаторларни ва халқ орасидаги энг бой одамларни ўлдиришди. Ана шундай қатлиомдан сўнг Агафокл фуқаролар томонидан ҳеч қандай қаршиликка учрамай ҳукмронлик қила бошлади. Агафокл кейинчалик карфагенликлар томонидан икки марта мағлуб қилинган ва ҳатто уларнинг қўшини томонидан қамал қилинган бўлса ҳам, нафақат шаҳарни топширмади, балки одамларнинг бир қисмини унинг мудофаасига қолдириб, қолганлари билан Африкага бостириб кирди; у қисқа муддатда Сиракузни қамалдан озод қилиб, карфагенликларни шу аҳволга солдики, уларнинг ўзи Африкадаги ерлар билан кифояланиб, Сицилияни унга топширишлари ҳақида шартнома тузишга мажбур бўлишди.

Чуқурроқ ўйлаб кўрилса, Агафоклнинг ҳаётида унга тақдирнинг инояти деб ҳисобласа бўладиган ҳеч нарса ёки деярли ҳеч нарсани топа олмаймиз. Чунки, аввал айтилганидек, у ҳокимиятга кимнингдир ҳомийлиги орқали эмас, балки жуда кўп хавфу хатар ва фалокатлар билан боғлиқ бўлган ҳарбий хизмат орқали эришди ва ботирлиги, ғайрат-

шижоати, дадиллик билан қилган ҳаракатлари туфайли тахтни қўлда тутиб тура олди. Бироқ юртдошларини ўлдириш, хиёнат, маккорлик, шафқатсизлик ва ғирромликни шон-шавкат, мардлик деб атаб бўлмайди: бундай иллатлар билан ҳукимиятни қўлга киритиш мумкин, аммо шон-шуҳратни эмас. Шунинг учун, Агафоклнинг хавф-хатардан қўрқмай дадил ҳаракат қилгани, қийинчиликларни енгишдаги сабр-матонатини оладиган бўлсак, у ҳар қандай машҳур саркардадан қолишмайди, бироқ унинг шафқатсизлиги, қаҳри қаттиқлигини, содир қилган барча жиноятларини ҳисобга олиб, уни улуғ инсонлар қаторига қўша олмаймиз. Бинобарин, унинг бу йўл билан қўлга киритганларини на тақдирнинг иноятти, на шон-шавкат деб бўлади.

Энди бугунги кунимизда, папа Александр пайтида юз берган бошқа бир воқеа ҳақида. Фермолик Оливеретто болалигида етим қолиб, Жованни Фольяни деган тоғасиникида катта бўлган эди. У ўсмирлигиданоқ Паоло Вителлининг қўли остида ҳарбий хизматга кириб, ҳарбий санъат илмини эгаллаб, қўшинда юқори мартабаларга эришишни орзу қилган эди. Паоло вафот этгач, Оливеретто унинг укаси Вителлоццонинг қўл остига ўтди ва орадан кўп ўтмай, фаросатли, кучли ва қўрқмас йигит сифатида қўшиннинг энг пешқадам аскарига айланди. Бироқ у бировларга бўйсунишни ўзига ор билиб, Вителлининг оқ фотиҳаси ҳамда ватанининг қуллиги озодликдан азизроқ бўлган бир неча ҳамюртларининг ёрдами билан Фермони эгаллаб олишга қарор қилди. У Жованни Фольянига мактуб



[illegible] кўп йиллик айриликдан сўнг тоғасини ва [illegible] юртини зиёрат қилиб, ўзига қолган мероснинг [illegible] аниқлаб келишга кетаётганини эълон [illegible], бу хатти-ҳаракатлари билан фақат шон-шуҳрат истаётганини, юртдошларига вақтини [illegible] кетказмаганини кўрсатиб қўйиш учун, обрў-эътибор билан – дўстлари ва хизматкорларидан [illegible] юзта отлиқ аъёнлар билан кириб келишга [illegible] сўраётганини, шунинг учун Фермо аҳли ҳам [illegible] муносиб кутиб олишларини, буларнинг барча [illegible] унинг ўзи учун, балки унга ота ўрнида ота [illegible] тоғаси учун ҳам шараф бўлишини айтди. Жованни Фольяни жиянининг барча илтимосларини бажо келтирди, шаҳар аҳли уни иззат-ҳурмат билан кутиб олиши учун тегишли чораларни кўрди. Оливеретто унинг алоҳида ажратилган уйига жойлашиб, режалаштирилган машъум режага тайёргарлик кўриб, бир неча кун кутди. Сўнг [illegible] зиёфат уюштириб, унга Жованни Фольянини ҳамда Фермонинг барча зодагонларини таклиф қилди. Меҳмонлар еб-ичиб, ўша давр таомилига кўра ўйин-кулги қилингач, Оливеретто атайлаб папа Александр ва унинг ўғли Чезаренинг улуғлиги, қилаётган ишлари ҳақида қалтис гаплар айта бошлади. Жованни ва бошқалар унинг гапларига жавоб айта бошлашди. Шу пайт бирдан у ўрнидан туриб, бундай гапларни хилватроқ жойда давом эттириш керак деб, ичкари хоналардан бирига кириб кетди. Тоғаси ҳам, бошқа нозик меҳмонлар ҳам унга эргашишди. Бироқ улар ҳали курсиларга ўтириб улгурмай, пистирмада турган аскарлар отилиб кириб, ҳаммани ўлдирди. Ушбу хунрезликдан сўнг

Оливеретто шаҳар томон от қўйиб, саройдаги олий магистратни ишғол қилди; қўрқиб кетган магистрат унга бўйсуниб, янги ҳукумат таъсис қилди ва Оливереттони шаҳар ҳокими деб эълон қилди.

Оливеретто ўзига қаршилик қилиши мумкин бўлганларни қириб ташлаб, янги ҳарбий ва сиёсий тузум ўрнатиб, ҳокимиятини мустаҳкамлаб олди ва шундан кейин нафақат Фермонинг ўзида бехавотир юрди, балки қўшниларига ҳам таҳдид сола бошлади. Агар Чезаре Борджа Синигалияда туриб уни алдаб чиқариб олмаганида, Агафокл каби уни ҳам шаҳардан чиқариб олиш амри маҳол эди. Юқорида айтиб ўтилгандек, Борджа Орсини ва Вителли раҳбарларини алдаб, қопқонга туширди; Оливеретто у ерга ўзининг ҳарбий маҳоратдаги ва ёвузликдаги устози Виттелеццо билан бирга келди ва шу ернинг ўзида у билан бирга бўғиб ўлдирилди. Бу воқеа юқоридаги падаркушлик ҳодисасидан бир йил кейин содир бўлди.

Нима учун Агафокл ва у кабилар шафқатсизлик ва хиёнат орқали ўзига йўл очиб, ўз ватанида узоқ вақт ўйнаб-кулиб яшаган, ўзини ташқи душманлардан ҳимоя қилган, ўз юртдошлари уюштирган фитнанинг қурбони бўлмаган, бошқалар эса нафақат тинчлик пайтида, ҳатто суронли уруш йилларида ҳам ҳокимиятни қаттиққўллик билан қўлда тутиб тура олмаган деган савол кўпчиликни ўйлантирган бўлиши мумкин. Менимча, гап шундаки, қаттиққўлликнинг қаттиққўлликдан фарқи бор. Қаттиққўллик дарҳол, хавфсизлик мақсадида қилинса, бунда ҳаддан ошиб кетилмаса ва у имкон қадар фуқароларнинг манфаатига хизмат қилса,



яхши қўлланилган бўлади (агар бундай ёмон ишларни яхши дейиш жоиз бўлса, албатта); бироқ қаттиққўллик дастлаб аҳён-аҳёнда учраб турса, лекин вақт ўтган сари кўпайиб бораверса, камаймаса буни энди яхши деб бўлмайди. Биринчи усул қўлланилганда, Агафоклга ўхшаб, Худонинг ва одамларнинг ёрдами билан ҳукуматни қўлда тутиб туриш мумкиндир, бироқ иккинчи усул ёрдами бунинг имкони йўқ.

Демак, бундан келиб чиқадики, ҳукуматни эгаллаган одам ўзига етказилган барча озорлар учун ҳар куни эмас, бир йўла қасос олиши керак; ана шундай одамлар бироз хотиржам бўлади ва кейинчалик уларга яхшилик қилиб, аста-секин уларнинг кўнглига йўл топа олади. Кимдир қўрққанидан ёки ёмон ниятда бундан бошқача йўл тутса, энди ҳеч қачон қиличини қинига сола олмайди, ҳар куни тинимсиз жазолардан тинчини йўқотган фуқароларига суяна олмайди. Шунинг учун жазони бир марта, бир йўла бериш керак: халқ қанча кам жазоланса, бунинг зарари ҳам шунча кам бўлади; яхшиликни эса оз-оздан қилиб бориш керак, токи унинг қадрига кўпроқ етишсин. Ҳукмдор учун энг муҳими шу: у ўз фуқароларига нисбатан шундай муносабатда бўлиши керакки, ҳар қандай яхши ёки ёмон воқеа бу муносабатни ўзгартира олмаслиги керак, чунки вазият оғирлашиб қолса, жазолашга кеч бўлади, яхшилик қилиш эса фойдасиз бўлади, чунки уни мажбуран қилинган деб, унинг учун ташаккур билдирилмайди.

…андай

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЯККАҲОКИМЛИГИ ҲАҚИДА

Энди бир одам зулм ва қонунсизликлар йўли билан эмас, балки юртдошларининг ихтиёри билан ўз ватанининг подшоҳи бўладиган ҳолларига ўтаман. Бунинг учун эса иқтидор ёки омад эмас, балки бироз ҳийла керак бўлади. Шуни айтиш керакки, бундай яккаҳокимлик, уни фуқаролик яккаҳокимлиги дейиш мумкин: ё зодагонларнинг, ё халқнинг талабига кўра таъсис қилинади. Чунки бу икки тоифа мавжуд бўлмаган юрт йўқ: зодагонлар халқни ўзига бўйсундириб, эзишни истайди, халқ эса уларга қарам бўлиб, зулм остида яшашни истамайди; бу икки омилнинг тўқнашуви эса уч хил ечим топади: ё яккаҳокимлик, ё қонунсизлик, ё озодлик.

Яккаҳокимликни ё зодагонлар, ё халқ таъсис қилади, гап улардан қайси бирига биринчи бўлиб қулай фурсат кулиб боқишида, холос. Зодагонлар халққа қарши тура олмаслигини кўргач, ўзларидан бирор кишини илгари суриб, ҳукмдор деб эълон қилади ва унинг ортидан туриб ўзининг режаларини рўёбга чиқаради. Худди шунингдек, халқ ҳам зодагонларга бас кела олмаслигига кўзи етгач, ўз сафидан кимнидир илгари суриб, унинг ҳукми остида ўзини ҳимоя қилишга уринади. Шунинг учун ҳам зодагонлар ёрдамида тахтга ўтирган одамга халқ сайлаган подшоҳга қараганда ҳокимиятни қўлда тутиб туриши қийин бўлади, чунки ҳукмдорнинг атрофида зодагонлар тўпланган бўлса, улар уни ўзига тенг билади, натижада у уларга на буйруқ бера олади, на мустақил равишда бирор иш қила олади. Халқ сайлаган ҳукмдор эса давлатни якка ўзи бошқаради, унинг атрофида унга бўйсунишни истамайдиган ҳеч ким ёки деярли ҳеч ким бўлмайди. Бундан ташқари, зодагонларнинг талаб-истакларини бошқаларнинг ҳаққига таж овуз қилмаган ҳолда, ҳалол йўл билан қондиришнинг иложи йўқ, халқнинг истагини эса бундай йўл билан бажо келтириш мумкин, чунки халқнинг мақсади зодагонларникига қараганда анча ҳалол бўлади: зодагонлар халқни эзишни истайди, халқ эса мазлум бўлишни истамайди. Бунинг устига, норози халққа қарши бориб бўлмайди, чунки халқ кўпчиликдир, зодагонларга эса чора топса бўлади, чунки улар камчилик бўлади. Норози халқ нари борса ҳукмдордан юз ўгириши мумкин, бироқ норози зодагонлардан ҳар нарсани кутиш мумкин: улар нафақат ҳукмдордан юз ўгириши, балки унга бош кўтариши мумкин, чунки улар ўзини кўра билади, маккор бўлади, қочиш йўлларини олдиндан чамалаб қўйган бўлади, ўзидан кучлиларнинг олдида ялтоқланиб туради. Қўшимча қилиб айтишим мумкинки, ҳукмдор халқни танлай олмайди, бироқ зодагонларни танлаши мумкин, чунки унинг жазолаш ёки авф қилиш, мартабасини ошириш ёки таъқиб остига олиш ҳаққи бор.

Мана шу сўнгги ҳуқуқ ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтаман. Зодагонлар ҳукмдорга қандай

муносабатда бўлса, уларга худди шундай муомала қилиш лозим. Уларнинг олдида эса икки хил йўл бор, холос: ё ҳукмдор билан бирга бўлиш, ёки бунинг акси. Ҳукмдор билан бирга бўлишни истаганларнинг ғаразли нияти бўлмаса, уларни эъзозлаш ва эркалаш керак, қолганларга келсак, уларнинг мақсади икки хил бўлиши мумкин. Агар бундай кимсалар қўрқоқлиги ёки табиатан сусткашлиги учун ўзини шундай тутаётган бўлса, улардан, айниқса, бирор соҳанинг билимдони бўлганларидан фойдаланиш мумкин. Бироқ улар қасддан шундай қилаётган бўлса, демак, улар ҳукмдордан кўра кўпроқ ўзини ўйлаётган бўлади. Бундай давлатдорлардан эҳтиёт бўлиш, ошкора душмандан қўрққандек қўрқиш керак, чунки оғир вазиятда улар ҳукмдорни йўқ қилишга ёрдам бериш учун тайёр туради.

Демак, ҳукмдор халқ ёрдамида тахтга ўтирган бўлса, халқ билан дўстона муносабатда бўлиши керак. Бу жуда осон, чунки халққа зулм қилинмаса бас, унга шунинг ўзи етарли. Бироқ ҳукмдорни халқнинг истагига қарши ўлароқ зодагонлар тахтга ўтқазган бўлса, унинг биринчи вазифаси – халқнинг кўнглини олишдир. Бу қийин иш эмас, бунинг учун ҳукмдор халқни ўз ҳимоясига олса кифоя. Одамзот шундай, ёмонлик кутилаётган томондан яхшилик келиб қолса, яхшилик қилганга жон-дили билан боғланиб қолади, бундай ҳолда халқ уни ўзи сайлаган ҳукмдордан ҳам яхшироқ кўриб қолади. Халқнинг кўнглини турли йўллар билан олиш мумкин, бироқ мен уларни муҳокама қилиб ўтирмайман, чунки бу йўллар турли ҳолатларда



турлича бўладики, уларни умумий қоида шаклида келтириб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтишим мумкинки, ҳукмдор халқ билан дўстона муносабатда бўлиши зарур, акс ҳолда оғир вазиятда уни тахтдан ағдариб ташлашлари мумкин. Спарта ҳукмдори Набид бутун Грециянинг ва музаффар Рим қўшинининг қамалига бардош бериб, тахтини ҳам, ватанини ҳам қўлда сақлаб қолди; ваҳоланки хавф-хатар яқинлашган пайтда у бир нечтагина одамни йўқотди, холос. Агар у бутун халққа қарши бўлганида бунчалик кам қурбон билан қутула олмас эди. «Халққа ишонган одам қумдан уй қургандек бўлади» деган мақолни айтиб, эътироз қилмай қўя қолишсин. Бу мақол тўғри айтилган, бироқ бу душман ёки магистратнинг қўлига тушиб қолсам, халқим мени қутқариб олади деб хомтама бўлган оддий фуқаро ҳақидаги мақолдир. Бундай ҳолатда Римга ишонган Гракхлар ёки Флоренцияга ишонган Жоржо Скалига ўхшаб ростдан ҳам алданиб қолиш мумкин. Бироқ халққа ишонган одам ҳукмдор бўлса, у халқдан ёрдам сўрамаётган, балки унга буюраётган бўлса, ҳеч нимадан қўрқмас одам бўлса, мусибат пайтида ўзини йўқотмаса, мудофаа учун керакли тадорикни кўриб қўйган бўлса, ўзининг фармонлари ва жасорати билан атрофидагиларнинг руҳини кўтара олса, у ҳеч қачон халққа ишониб алданиб қолмайди, аксинча, бу таянчнинг нақадар мустаҳкамлигини амалда синаб кўради.

Одатда бундай ҳолатларда фуқаролик тузумининг мутлақ подшоҳлик тузумига ўтишда ҳукмдорнинг тахти бироз омонат бўлиб қолади, чунки

подшоҳлар одатда ё магистрат орқали, ё бевосита якка ўзлари ҳукм юритадилар. Биринчи ҳолатда ҳукмдорнинг мавқеи заифроқ бўлади, чунки у магистратни ташкил қилган фуқароларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлади, улар эса уни исталган пайтда, айниқса оғир пайтда тахтдан олиб ташлаши мумкин, яъни ё унга қарши чиқиши, ё унинг фармонларини бажаришдан бош тортиши мумкин. Ана шунда, хатарли дамларда мутлақ ҳокимиятни қўлга олишга кеч бўлади, чунки магистратнинг буйруқларини бажаришга ўрганиб қолган фуқаролар қийин вазиятларда ҳукмдорнинг амрига бўйсунмай қўяди. Шунинг учун қийин вазиятларда ҳукмдорга доим ишончли кишилар етишмайди, чунки тинчлик пайтида, фуқаролар давлатга муҳтож бўлган пайтда кўрган нарсангга ишониб бўлмайди: бундай пайтда, айниқса, ўлим хавфи бўлмаган пайтда ҳар ким ҳам давлатга содиқлигини, ҳукмдор учун жонини беришга тайёрлигини изҳор қилиши мумкин, бироқ оғир пайтда, давлат ўз фуқароларига муҳтож бўлиб турган пайтда бундай фидокорлар унчалик кўп бўлмайди. Бундай имтиҳон шуниси билан хатарлики, уни фақат бир мартагина ўтказиш мумкин. Шунинг учун доно ҳукмдор фуқаролар ҳар доим, ҳар қандай вазиятда ҳам давлатга ва ҳукмдорга муҳтож бўлиши учун керакли чораларни кўриб қўйиши керак, фақат ана шундагина у уларнинг садоқатига ишониши мумкин.



*ЎНИНЧИ БОБ*

## ДАВЛАТЛАРНИНГ КУЧИ ҚАНДАЙ ЎЛЧАНАДИ

Бир давлатнинг хусусиятларини ўрганар эканмиз, масаланинг яна бир жиҳатини ҳам эътиборга олишимиз лозим: зарурат туғилиб қолса, ҳукмдор ўзини ўз кучи билан ҳимоя қила оладими ёки четдан ёрдамга эҳтиёж сезадими? Мен кимни ўзини ҳимоя қилишга қодир деб аташимни тушунтирай: етарлича аскари ёки маблағи бўлиб, керакли сондаги қўшинни туза оладиган ва ҳар қандай душман билан жанг қила оладиган ҳукмдорлар ўзини ўз кучи билан ҳимоя қила олади; ёрдамга муҳтожлар деб мен душманга қарши майдонга чиқа олмайдиган ва шаҳар истеҳкомининг панасида мудофааланишга мажбур бўлганларни айтаман. Биринчи ҳолатда нима қилиш кераклиги ҳақида юқорида баъзи фикрлар айтилган бўлса-да, бу ҳақда қуйида яна сўз юритамиз. Иккинчи ҳолатга келсак, бу ерда бундай ҳукмдор яқин-атрофни ҳисобга олмаслиги, шаҳарнинг ўзини мустаҳкамлаши, барча керакли нарсалар билан жиҳозлаб қўйиши кераклигидан бошқа бирон нарса деб бўлмайди. Агар ҳукмдор шаҳарни яхшилаб мустаҳкамласа ва фуқароларига юқорида айтиб ўтилганидек ва қуйида [illegible] қилинганидек муомала қилса, қўшнилар унга ҳужум қилишдан ҳайиқиб туради. Чунки одамлар ҳужумни қийинлаштирувчи ҳар хил

тўсиқларни ёқтиришмайди, боз устига, шаҳри яхшилаб мустаҳкамланган, халқи эса норози бўлмаган ҳукмдорга ҳужум қилишга ким ҳам ботинарди?

Энг эркин шаҳарлардан бўлмиш Германия шаҳарларининг теварак-атрофи унча катта эмас, бу шаҳарларнинг фуқароси ўзи хоҳласагина императорга бўйсунади, на ундан, на кучли қўшниларнинг бирортасидан қўрқмайди, чунки бу шаҳарлар шунақанги мустаҳкамки, уларни босиб олиш ҳар қандай лашкарбоши учун ҳам қийин ва тинкани қуритадиган иш бўлиб кўринади. Уларнинг атрофи қалин деворлар ва чуқур ҳандақлар билан ўралган, етарлича замбараклари бор, омборларида бир йилга етарли озиқ-овқат, сув ва ёқилғи ғамлаб қўйилган; бундан ташқари, улар оддий халқни хазинага путур етказмай боқиш учун шаҳар аҳлининг тирикчилиги бўлган соҳалар ҳамда аҳоли шуғулланадиган касб-ҳунар учун бир йиллик ишни тайёрлаб қўйишади. Бу шаҳарларда ҳарбий санъат ниҳоятда қадрланади ва етарлича рағбатлантириб турилади.

Хуллас, шаҳри мустаҳкам, халқи аламзада бўлмаган ҳукмдорга ҳужум қилинмайди. Мабодо ҳужум қилиб қолишса ҳам, душман шармандаларча чекинишга мажбур бўлади, чунки бу дунё шунчалик тез ўзгариб турадики, бир шаҳарни қамал қилиб, қўшинни бир йил бекор ушлаб ўтиришнинг ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Халқ шаҳар атрофидаги экинзорлар, уй-жойларнинг куйиб, кул бўлаётганини кўрган халқ қамалга узоқ вақт бардош бера олмайди, чунки унинг ўз манфаатлари ҳукмдорга садоқатдан устун келиб қола-



ди, деб менга эътироз билдиришади. Мен бунга жавобан айтаманки, кучли ва жасур ҳукмдор фуқарога гоҳ бу кулфатлар тезда ўтиб кетишини, гоҳ душманнинг шафқатсизлигини тушунтириб, гоҳида эса ортиқча қайсарлик қилганларнинг адабини бериб, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўта олади. Бундан ташқари, душман одатда шаҳарга яқинлашиб келаётганда экинзорларга ўт қўяди, бу пайтда шаҳар аҳолисининг қони қайнаб, таслим бўлишни хаёлига ҳам келтирмаётган бўлади, бир неча кун ўтиб, уларнинг шижоати бироз сусайганда эса зарар етказиб бўлинган, зулм қилиб бўлинган бўлади. Одамларда ҳукмдорнинг этагидан маҳкам тутишдан бошқа илож қолмаганда эса, улар уйларининг ёндирилишига, мол-мулкининг талон-тарож қилинишига ҳам қарамай, ҳукмдорни ҳимоя қилгани учун ундан марҳамат кута бошлашади. Одамларнинг табиати шундайки, улар ўзига яхшилик қилган одамга қандай боғланиб қолса, ўзи яхшилик қилган одамга ҳам шундай боғланиб қолишади. Барча вазиятларни кўриб чиқиб, шуни айтишим мумкинки, оқил ҳукмдор қамал пайтида шаҳар аҳолисининг руҳини кўтаришнинг йўлини осонгина топади, фақатгина уларни боқиш ва шаҳарни мудофаа қилиш учун захиралари етарли бўлса бас.

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

## ЧЕРКОВ ДАВЛАТЛАРИ ҲАҚИДА

Энди черков давлатларини кўриб чиқамиз. Бундай давлатларни эгаллаб олиш қийин, чунки бунинг учун иқтидор ёки тақдирнинг инояти керак, бироқ уни қўлда тутиб қолиш осон, чунки бунинг учун на иқтидор, на иноят керак бўлмайди. Бундай давлатлар муқаддас диний қадриятларга асосланади. Бу эса ниҳоятда қудратли омил бўлиб, ҳукмдорларнинг ҳаёт тарзи ва қилган қилмишидан қатъи назар, уларни ҳукумат тепасида тутиб туради. Фақат ана шундай давлатлардагина ҳукмдорнинг қўлида ҳокимият бўлса ҳам, уни ҳимоя қилмайди, фуқароси бўлса ҳам, уларни бошқармайди; айни пайтда уларнинг тахтига ҳеч ким кўз олайтирмайди, фуқаролар эса ўзининг мавқеидан оғринмайди ҳам, бундан воз кечишни истамайди ҳам, истаган тақдирда воз кеча олмайди ҳам. Хуллас, фақат ана шундай ҳукмдорларгина роҳатфароғатда бахтли ҳаёт кечирадилар.

Бироқ бундай давлат инсоннинг ақли етмайдиган юксак, олий қонунлар томонида бошқарилгани учун, улар ҳақида гапириб ўтирмайман; ўзига бино қўйган, дангалчи одамгина Худованд азиз қилган ва ўз ҳифзу ҳимоясида сақлайдиган нарса ҳақида фикр юритишга журъат қилиши мумкин. Бироқ мендан «Черков қандай қилиб шунчалик қудратга эришганки, ундан ҳатто Франция қироли



ҳам қўрқади, у ҳатто уни Италиядан ҳайдаб чиқара олади, венецияликларни тор-мор қилади, ахир илгари унинг дунёвий ҳокимиятини нафақат Италиянинг йирик вилоятлари, балки майда ер эгалари ва баронлар ҳам писанд қилмас эди-ку?» деб сўраб қолишлари мумкин. Агар мендан шу ҳақда сўрашса, бу воқеалар ҳаммага маълум бўлса ҳам, бўлиб ўтган ишларни эслатиб ўтиш фойдадан холи бўлмайди деб ўйлайман.

Франция қироли Карл Италияга бостириб киришидан аввал у ер устида ҳукмронлик папа, венецияликлар, Неаполь қироли, Милан герцоги ва флоренцияликлар ўртасида тақсимлаб олинган эди. Уларнинг иккита асосий ташвиши – биринчидан, Италияга бегоналарнинг бостириб киришига йўл қўймаслик, иккинчидан, бир-бирини аввалги чегараларда ушлаб туришдан иборат эди. Энг кўп шубҳа уйғотадиганлар венецияликлар билан папа эди. Қолганлар Феррара ҳимоясидаги каби венецияликларга қарши иттифоқ тузишди; папага қарши эса Рим баронларидан фойдаланишди. Колонна ва Орсини партияларига бўлинган баронлар тез-тез тўпланиб туришар, Черков раҳбарининг тумшуғи олдида қуролини кўз-кўз қилиб, папаликни заифлаштиришар, уни мувозанатдан чиқаришга уринишарди. Баъзи папалар, масалан, Сикст қўрқмас одам бўлишига қарамай, ҳар қанча тажрибали бўлишмасин, вазиятлар ҳар қанча қулай бўлмасин, бу фалокатдан қутула олишмади. Бунинг сабаби уларнинг қисқа муддат ҳукм юритганидадир. Чунки бир папанинг сайланишидан унинг ўлимигача ўтган ўртача ўн йил вақт ичида у душман

партиялардан биттасинигина зўрға енгишга муваффақ бўлар эди. Айтайлик, агар пап Колонна тарафдорларини деярли тор-мор қилишга улгурса, унинг меросхўри Орсиниларга душман бўлиб, Колонна партиясининг яна куч тўплашига йўл қўйиб қўяр, аммо Орсинини тор-мор қилишга улгурмас эди. Айнан шунинг учун Италияда папанинг дунёвий ҳукуматини унчалик писанд қилишмас эди.

Бироқ папалик тахтига Александр VI ўтиргач, ўзидан аввалгилардан фарқли равишда, зар ва зўрнинг кучи билан Черков раҳбари нималарга эришишга қодирлигини кўрсатиб қўйди. У франциялнкларнинг келишидан фойдаланиб, герцог Валентино орқали мен юқорида герцог ҳақида айтиб ўтган барча муваффақиятларга эришди. Унинг саъй-ҳаракатлари Черковни эмас, герцогнинг ўзини юксалтиришга қаратилган эди, бироқ шунга қарамай, уларнинг барчаси охир-оқибат Черковнинг юксалишига олиб келди. Александр вафот қилиб, герцог йўқ қилингач, Черков унинг меҳнатлари самарасини ўзиники қилиб олди. Папа Юлий тахтга ўтирган пайтда Черковнинг қудрати мислсиз кучайган эди: у Романьяни эгаллаган, Александрнинг зарбалари остида партиялари тарқалиб кетган Рим баронларини бўйсундирган, бунинг устига, хазинани тўлдиришнинг Александргача ҳеч ким фойдалана олмаган манбаини кашф этган эди.

Юлий буларнинг барчасини давом эттирибгина қолмай, балки унинг кўламини янада кенгайтириб юборди. У Болоньяни қўшиб олиш, Венецияни қулатиб, французларни қувишга қарор қилиб, бу



режани амалга оширди ва бир неча кишининг эмас, балки Черковнинг шаъни учун қайғургани туфайли мисли кўрилмаган шуҳрат қозонди. Бундан ташқари, у тахтга ўтирганида Орсини ва Колонна партиялари қайси чегарада турган бўлса, уларни ўша жойда ушлаб тура олди; готларнинг баъзи етакчилари фитна қўзғашга уринган бўлсада, биринчидан, Черковнинг қудрати, иккинчидан уларнинг сафида ҳар доим фитнабошилик қилиб юрадиган кардиналларнинг йўқлиги уларни бундан тўсиб турар эди. Агар уларнинг ўз кардиналлари бўлса, бу партияларнинг ораси ҳеч қачон яхши бўлмайди: кардиналлар Римда ва унинг ташқарисида партияларaро адоват оловини ёқиб, бу низога баронларни тортишади, шу тариқа прелатларнинг мансабпарастлиги туфайли баронлар орасида адоват ва ўзаро урушлар вужудга келади.

Шу тариқа папа Лев ҳазрати олийлари қудратли Черковни қабул қилиб олди; агар ундан олдингилар папаликни қурол кучи билан юксалтирган бўлса, Черковнинг эндиги раҳбари уни кўпроқ меҳр-мурувватн, шон-шавкати ва серқирра иқтидори билан юксалтиради деган умиддамиз.

ЎН ИККИНЧИ БОБ

# ҚЎШИНЛАРНИНГ ҚАНДАЙ ТУРЛАРИ БЎЛИШИ ҲАМДА ЁЛЛАНМА АСКАРЛАР ҲАҚИДА

Юқорида мен аввалбошда санаб ўтган давлатларнинг турларини батафсил муҳокама қилдик; ҳукмдорларнинг гуллаб-яшнаш ва тахтдан қулаш сабабларини қисман кўриб ўтдик; ҳокимиятни эгаллаш ва уни қўлда тутиб туришни истаганлар қандай йўллар тутганлигини аниқладик. Энди эса юқорида санаб ўтилган давлатлар қандай ҳужум ва мудофаа воситаларига эга эканини кўриб чиқамиз. Ҳукмдорнинг салтанати мустаҳкам пойдеворга эга бўлиши лозимлиги, акс ҳолда у таназзулга юз тутиши ҳақида юқорида айтиб ўтилди. Мерос олинган, аралаш ва янги салтанатларнинг барчасида ҳокимиятнинг асоси – яхши қонунлар ва яхши қўшиндир. Бироқ, яхши қўшин бўлмаган жойда яхши қонун ҳам бўлмайди, худди шунингдек, яхши қўшин бор жойда қонунлар ҳам яхши бўлади, шунинг учун мен қонунларни қўйиб, тўғридан-тўғри қўшинларга тўхталиб ўтаман.

Аввало шуни айтиш лозимки, ҳукмдор ўз мамлакатини ҳимоя қиладиган қўшин ё унинг ўз қўшини, ё иттифоқдош қўшин, ё ёлланма ёки аралаш қўшин бўлади. Ёлланма ва иттифоқдош қўшинлар бефойда ва хатарлидир; ёлланма қўшинга суянган салтанат ҳеч қачон мустаҳкам ҳам бўлмайди, узоққа ҳам бормайди, чунки ёлланганлар иззатталаб, бошвоқсиз, жанжалга мойил бўлади, дўстга мағрур, душмандан эса қўрқоқ бўлади, хиёнаткор ва ғирром бўлади; уларнинг мағлубияти қатъий ҳужумга қараб туради, холос; тинчлик пайтда эса улар сени уруш пайтидаги душмандан ҳам кўпроқ хонавайрон қилади. Бунинг сабаби шуки, уларни ғайрат-шижоат ёки бошқа бир мақсад эмас, балки арзимас маош жангга ундайди, бу табиийки, сени деб жонини тикиш учун етарли эмас. Тинчлик пайтида улар сенга бажонидил хизмат қилади, бироқ уруш бошланди дегунча улар орқасига қарамай қочади.

Шундоқ ҳам кўриниб турган нарсани исботлаш шартми: Италиянинг мағлубиятига уларнинг узоқ йиллар ёлланма қўшин билан кифояланганидан бошқа яна нима сабаб бўлди? Кимлардир учун ёлланма қўшинлар жуда қўл келган, улар кўп марталаб довюракликда бир-биридан ўзиб кетган, бироқ уларнинг асл башараси ёт душман бостириб келганда кўринди. Шунинг учун Франция қироли Карл Италияни ростдан ҳам бир бўлак бўр ёрдамида эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Биз гуноҳларимизнинг жазосини тортяпмиз деган одам тўғри айтган, бироқ бу у ўйлаган гуноҳлар эмас, балки мен санаб ўтган гуноҳлар эди. Бу гуноҳлар ҳукмдорларнинг гуноҳ бўлгани учун, жазони ҳам уларнинг ўзлари тортишди.

Энди ёлланма қўшиннинг нимаси хатарли эканини батафсил тушунтираман. Кондотьерларнинг (ёлланма қўшин саркардалари) ҳарбий маҳорат даражаси турлича бўлади: кимдир моҳир саркарда

бўлса, кимдир ҳаминқадар бўлади. Биринчиларига ишониб бўлмайди, чунки уларнинг ўзи ҳам ҳокимиятни эгаллашга интилиб, бу йўлда ўзингни, ё хўжайинини йўлдан йўқотади, ёки сенинг мақсадингни сўрамай туриб, бошқасини гумдон қилади. Иккинчилари эса жангни бой беришади, шунинг учун уларга ҳам ишониб бўлмайди. «Лекин қўлида қурол тутган ҳар қандай одам ҳам, у ёлланган бўлса-бўлмаса, урушда енгилиши мумкин-ку?» дейишлари мумкин. Мен бу саволга шундай жавоб бераман: қўшин ё ҳукмдорнинг, ё республиканинг измида бўлади; биринчи ҳолатда ҳукмдор қўмондонликни ўзи зиммасига олиб, қўшинга шахсан ўзи бошчилик қилиши керак; иккинчи ҳолда эса республика қўшинга фуқаролардан бирини раҳбар этиб тайинлаши ҳамда агар у ишни эплай олмаса, бўшатиб юбориши, акс ҳолда эса ҳаддидан ошмаслиги учун уни қонунлар билан чеклаб қўйиши керак. Тажрибадан маълумки, фақат саркарда ҳукмдорлар ва қуролланган республикаларгина буюк ғалабаларга эриша олган, ёлланганлар эса ҳар доим фақат зарар келтирган.

Рим ва Спарта кўп асрлар давомида қуролланган ҳолда эркин ҳаёт кечирган. Швейцарияликлар ҳаммадан яхши қуролланган ва ҳаммадан кўра эркинроқ бўлган. Қадимда Карфаген қўшин ёллаган эди, карфагенликлар қўшинга ўз фуқаросини лашкарбоши қилишган эди, аммо Рим билан бўлиб ўтган биринчи жангдан кейиноқ улар унинг ўзини босиб олишига сал қолди. Эпаминонднинг ўлимидан сўнг фиваликлар Филипп Македонскийни қўшинга раҳбар бўлишга таклиф қилишган, у



эса ғолиб бўлиб қайттач, Фивани озодликдан маҳрум қилган. Миланликлар герцог Филипнинг ўлимидан кейин Франческо Сфорцани хизматга чақиришган, у эса Караважо яқинида венецияликларни тор-мор қилгач, миланликларга, ўзининг хўжайинларига қарши душман билан бирлашиб олган. Унинг отаси Сфорца ҳам, Неаполь қироличаси Жованнанинг хизматида юриб, бирдан уни қуролсиз қолдирган, натижада у қироликни қутқариб қолиш учун Арагон қиролидан ёрдам сўрашга мажбур бўлган.

«Венецияликлар, флоренцияликлар кўп марта ёлланма қўшин ёрдамида ҳокимият ўрнатган, аммо уларнинг кондотьерлари ҳукмдор бўлиб олмаган ва хўжайинларини виждонан ҳимоя қилганку?» дейишлари мумкин. Жавобим шуки, флоренцияликнинг омади келган, холос: улар хавфсираши керак бўлган довюрак кондотьернинг баъзилари ғалаба қозона олмаган, бошқаларининг рақиблари бўлган, бошқалари эса тахтга кўз олайтирган бўлса-да, бу бошқа ернинг тахти бўлган. Жованни Аукут бирорта ғалабага эришмаган бўлса, унинг садоқати ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Аммо агар у ғолиб бўлиб қайтса, флоренцияликлар тўлиқ ҳукми остида қолиши ҳаммага маълум. Сфорца билан Браччо ҳам рақиблар сифатида бир-бирини кўздан қочиришмас эди, шунинг учун Франческо эътиборини Ломбардияга, Браччо эса папанинг мулкларига ва Неапль қироллигига қаратди. Аммо яқингинада аҳвол қандай эди? Флоренцияликлар ниҳоятда ақлли ва ўз шахсий ҳаётида ҳам жуда катта таъсирга бўлган Паоло

Вителлини хизматга таклиф қилишган эди. Агар у Пизани қўлга киритганида, флоренцияликлар ундан осонликча қутула олишмасди. Шундай эмасми? Чунки агар у душман томонга ўтиб кетса, флоренцияликлар унга таслим бўлишга мажбур эди; агар улар томонда қолса, унга бўйсунишга мажбур бўлишарди.

Венецияликларга келсак, улар фақат ўз кучи билан жанг қилган пайтдагина, яъни қитъадаги ерларни эгаллай бошлагунларига қадар ажойиб ва узил-кесил ғалабалар қозонишган. Венециянинг аристократлари ва қуролланган оддий халқи денгиз жангларида кўп марталаб ҳарбий маҳорат намоён қилишган, бироқ қуруқликка тушишлари билан улар бутун Италиянинг ҳарбий урф-одатларини ўзлаштириб олишди. Уларнинг қуруқликдаги босиб олган ерлари унча катта бўлмаган, давлати мустаҳкам турган пайтда уларнинг кондотьерларидан – ёлланма қўшинларидан қўрқишига сабаб йўқ эди, лекин улар тобора кўпроқ ерларни қўлга кирита бошлагач, – Кроманьоланинг даврида – улар қандай хатога йўқ қўйишганини тушуниб қолишди. Улар Кроманьолани моҳир саркарда сифатида танишар эди, улар унинг раҳбарлиги остида Милан герцогини тор-мор қилишди. Бироқ жанг қилиш ўрнига атайлаб вақтни чўзаётганини кўргач, унинг ғалаба интилмаётгани ва демакки, ғалаба қозонмаслигини ўйлаб қолишди. Аммо уни ўзлари ишдан олишга журъат қилиша олмасди, чунки эришилган муваффақиятларни қўлдан бой бериб қўйишдан қўрқишарди: шунинг учун ҳам, ўзларини қандайдир йўл билан бу хатардан қутқаришга мажбур



бўлиб, уни ўлдириб қўя қолишди. Кейинчалик улар Бартоломео да Бергамони, Роберто да Сан-Северинони, граф ди Питильянони ва шу кабиларни ёллашди, аммо уларнинг ҳам ғалаба қозонишидан эмас, балки жангни бой беришидан қўрқишарди. Вайла яқинида шундай бўлди ҳам. Венецияликлар бу ерда саккиз асрдан бери не машаққатлар билан тўплаб келган нарсаларидан бир кундаёқ маҳрум бўлишди. Чунки ёлланма қўшинларнинг секин, имиллаб ҳужум қилиши, аммо ақл бовар қилмас тезлик билан чекиниши ҳаммага маълум. Мен узоқ йиллар давомида ёлланма қўшинлар ҳукмронлик қилиб келаётган Италияни мисол тариқасида келтирган эканман, бироз ортга қайтиб, улар ўзи қаердан пайдо бўлган ва қандай қилиб бунчалик куч тўплагани ҳақида сўз юритсам, фойдадан холи бўлмаса керак.

Шуни билиш керакки, яқинда, империя заифлашиб, папанинг дунёвий ҳокимияти эса кучайиб қолган пайтда Италия бир неча давлатларга бўлиниб кетди. Кўпгина йирик шаҳарлар уларни зулм остида ушлаб турган нобилларга қарши бош кўтаришди. Нобилларнинг ҳомийси император бўлса, шаҳарларга ўзининг дунёвий ҳокимияти манфаатларидан келиб чиққан ҳолда черков ҳомийлик қиларди. Кўпчилик бошқа шаҳарларда эса уларнинг ўз фуқаролари ҳукмдорлик мавқеига кўтарилган эди. Шу тариқа Италия деярли тўлалигича папа ва бир неча республикаларнинг ҳукми остида қолди. Бироқ ҳокимиятни эгаллаган прелат ва фуқаролар ҳарбий ишдан бехабар эди, шунинг учун ёлланма қўшинларни хизматга таклиф қила бошлашди.

Асли Романьялик Альбериго да Конио ёлланма қўшинларга илк бор шуҳрат келтирди. Унинг шогирдлари бўлмиш Брачҷо ва Сфорца ўз пайтида бутун Италияни қўлга олган эди. Бугунги кунда ёлланма қўшинга раҳбарлик қилаётганларнинг барчаси уларнинг ортидан эргашди. Уларнинг шон-шавкати натижасида Карл Италиянинг у чеккасидан бу чеккасигача борди, Людовик уни хонавайрон қилди, Фердинанд ҳорлади, швейцарияликлар эса уни хўрлашди.

Улар дастлаб ўзларига бино қўйиб, ҳамма жойда пиёда аскарларни оёқости қилишди. Бунинг сабаби шуки, ҳунармандчилик билан кун кўрадиган, аммо ер-сувлари бўлмагани учун улар кўп сонли пиёда қўшинни боқа олишмас, кам сонли пиёда аскарлар эса уларга шон-шуҳрат келтира олмас эди. Отлиқ қўшин билан кифояланганда эса кам сонли қўшин билан уларнинг ҳам қорни тўқ, ҳам номи улуғ бўлар эди. Аҳвол шу даражагача бордики, йигирма минг кишилик қўшин таркибида икки мингта ҳам пиёда аскар қолмади. Келгусида улар ўзларини ва аскарларни ҳарбий ҳаётнинг хавф-хатар ва қийинчиликларидан халос қилиш учун ниҳоятда устомонлик қилишди: улар тўқнашувларда бир-бирини ўлдирмас, балки асир олишар, аммо товон талаб қилишмасди, қамал пайтида кечаси ҳужум қилишмас; шаҳарни мудофаа қилишар экан, чодирларга ҳужум қилишмас; қароргоҳ атрофини устунлар ва ҳандақлар билан ўрашмас, қиш пайтида эса умуман ҳеч қандай ҳарбий ҳаракат қилишмас эди. Буларнинг барчасига уларнинг ҳарбий низомида рухсат берилган бўлиб, юқорида айтилганидек,



ҳарбий ҳаётнинг хавф-хатар ва қийинчиликларидан қутулиш учун атайлаб ўйлаб топилган эди: шу тариқа улар Италияни шармандалик ва қуллик асоратига тушириб қўйишди.

*ЎН УЧИНЧИ БОБ*

## ИТТИФОҚДОШ ВА АРАЛАШ ҚЎШИНЛАР ҲАМДА ДАВЛАТНИНГ ЎЗ ҚЎШИНЛАРИ ҲАҚИДА

Иттифоқдош қўшинлар – фойдасиз қўшинларнинг яна бир тури бўлиб, кучли ҳукмдорнинг ёрдам ва мудофаа учун чақирилган қўшинларидир. Яқинда бундай қўшинлардан папа Юлий фойдаланган эди: Феррара қарши ҳарбий ҳаракатлар пайтида у ёлланма қўшинлардан ҳеч қандай фойда йўқлигини кўриб, Испания қироли Фердинанд билан келишиб олди. Келишувга кўра, қирол унга отлиқ аскарлар ва пиёдалар билан ёрдам берадиган бўлди. Аслида бундай қўшинлар ўзининг подшоҳига катта ёрдам бериши, садоқат билан хизмат қилиши мумкин, бироқ, уларни ёрдамга чақираётганлар билиб қўйсинки, бу қўшинлар улар учун деярли ҳар доим хавфлидир, чунки подшоҳ учун уларнинг мағлубияти ўлим бўлса, ғалабаси – қарамликдир.

Тарихий қўлёзмаларда бу каби мисоллар жуда кўп бўлса-да, мен яна папа Юлийнинг мисолига

қайтмоқчиман. Феррарани босиб олиш учун бегона ҳукмдорга ишониш папа учун ниҳоятда қалтис қадам эди. У бундай қалтис қадами учун жазоланиши муқаррар эди, аммо бахтига тақдирда бошқа нарса ёзилган экан: унинг иттифоқчи қўшинлари Равенна яқинида тор-мор келтирилди, бироқ тўсатдан швейцарияликлар пайдо бўлиб, ҳамма учун кутилмаганда ғолибларни қувиб юборгани учунгина папа на душманга, на иттифоқчиларига қарам бўлади, чунки душман қочиб кетган, ғалабага эса иттифоқчиларнинг қуроли билан эришилмаган эди. Қўшини бўлмаган флоренцияликлар Пизага қарши ўн минг французни юборишди, бу эса улар учун ўтмишда бўлиб ўтган фалокатлар ичида энг оғирига айланишига бир баҳя қолди. Константинополь императори қўшнилари билан жанг қилаётиб, Грецияга ўн мингта туркни чақирди, бироқ уруш тугагач, туркларнинг кетгиси келмай қолди, Грециянинг ғайридинлар томонидан қулликка солиниши ана шундан бошланган эди.

Демак, иттифоқчи қўшинларни ғалабанинг қадрига етмаган одам чақиради, чунки бундай қўшинлар ёлланма қўшиндан ҳам хатарлидир. Иттифоқчи қўшин уни чақирганларга муқаррар ҳалокатдир: у бир одамдек ҳаракат қилади ва ўзининг ҳукмдорига сўзсиз бўйсунади; ёлланма қўшинга эса ғалабадан кейин сенга зарар етказиш учун ҳам кўп вақт, ҳам қулай шароит керак; унда бирлик камроқ бўлади, уни сен ўзинг тузиб, ўзинг маош тўлайсан, унга раҳбар қилиб қўйган одаминг сен учун хавфли рақобатчи бўладиган даражада дарҳол куч тўплай олмайди. Қисқаси, ёлланма



қўшиннинг ожиз бўлиши, иттифоқчи қўшиннинг эса кучли бўлиши хатарлидир.

Шунинг учун доно ҳукмдорлар ҳар доим фақат ўз кучига, ўз қўшинига ишонган. Улар бегона билан бирга ютгандан кўра ўзингникилар билан бирга ютқазганинг яхши, чунки бегона қурол билан эришилган ғалаба ҳақиқий ғалаба эмас деб ҳисоблашган. Ҳеч бир иккиланмасдан яна Чезаре Боржани мисол қилиб келтираман. Аввалига, герцог Романьяга эндигина кириб келганида унинг қўл остида французларнинг отлиқ қўшини бор бўлиб, унинг ёрдамида Имола ва Форлини эгаллаган эди. Кейин эса у иттифоқчи қўшинга ишониб бўлмаслигини тушуниб, ёлланма қўшиннинг хатари камроқ деб билиб, Орсини ва Вителлиларнинг ёрдамидан фойдаланди. Бироқ уларнинг ҳам собитқадам эмаслигини, хиёнат қилиш мумкинлигини кўриб, улардан воз кечди ва ўз қўшинини тўплади. Бу уч хил қўшинларнинг орасидаги тафовутни тушуниш қийин эмас. Бунинг учун герцогнинг қўлида фақат французлар бор пайтида, кейин Орсини ва Вителлиларнинг ёлланма қўшини пайтида ва ниҳоят, ўз қўшини бўлган пайтда унга муносабат қандай бўлганини кўриш кифоя. Герцогга нисбатан ҳурмат-эътибор тинмай ортиб борган бўлса-да, унинг ўз аскарлари борлигини кўргандан кейингина у билан ҳисоблаша бошлашганини алоҳида айтиб ўтиш керак.

Италияда яқинда бўлиб ўтган воқеалардан чалғимоқчи эмас эдим, аммо Сиракузлик Гиероннинг мисолига ҳам тўхталиб ўтмоқчиман, чунки юқорида уни ҳам зикр қилган эдим. Айтилганидек,

юртдошларининг инон-ихтиёри билан Сиракуз қўмондони бўлгач, Гиерон ёлланма қўшиндан фойда йўқлигини тезда тушуниб етди, чунки у пайтдаги кондотьерлар ҳам ҳозиргиларининг худди ўзи эди. Гиерон уларни на ҳайдаб, на қолдириб бўлмаслигига кўзи етгач, ҳаммасини қиличдан ўтказишни буюрди ва шундан бошлаб бировнинг эмас, фақат ўзининг қўшинига суяниб иш тутди. Шу ерда жуда ўринли бўлган, Кўҳна Аҳддан олинган бир ҳикоя эсимга келди. Довуд филистимликлар тўдасидан бўлган паҳлавон Жолутни майдонга чақиргач, Довудни руҳан қўллаб-қувватламоқчи бўлган Саул унга ўзининг қурол-аслаҳаларини бермоқчи бўлади, аммо Довуд бировнинг қуроли билан жанг қилишдан бош тортиб, ундан кўра душманга қарши ўзимнинг палахмоним ва ханжарим билан чиқаман дейди. Дарҳақиқат, бировнинг совути ё кенг, ё тор бўлиши, ё жуда қўпол бўлиши мумкин.

Қирол Людовик XI нинг отаси Карл VII омади ва иқтидори туфайли Францияни инглизлардан озод қилгач, ўз қўшинига эга бўлиш қанчалик зарурлигини тушуниб етиб, доимий отлиқ ва пиёда қўшин ташкил қилиш ҳақида фармон чиқарди. Кейинчалик унинг ўғли қирол Людовик пиёда қўшинни тарқатиб юбориб, хизматта швейцарияликларни ола бошлади; унинг тахт ворислари унинг кейин келган бу хатосини янада чуқурлаштиришди, натижада энди бу хато Франция қироллигига қимматта тушяпти. Чунки Франция швейцарияликларни устун кўриб, ўз қўшининг руҳини тушириб юборди: пиёда қўшинлар тарқатиб юборилгач, ёлланма қўшин ихтиёрига бериб



қўйилган отлиқ қўшинлар жангни ўз кучи билан енгишга умид қилмай қўйди. Оқибатда энди французлар швейцарияликларга қарши жанг қила олмайди, аммо швейцарияликларсиз бошқаларга қарши ҳужум қилишга ботина олмайди. Хуллас, Франция қўшини аралаш бўлиб кетди: у қисман ўз аскарларидан, қисман ёлланма аскарлардан иборат бўлса-да, шу аҳволда ҳам фақат иттифоқдошлардан ёки фақат ёлланма аскарлардан иборат қўшинга қараганда анча яхши, аммо фақат ўз аскарларидан ибора қўшиндан кўра анча заифдир. Ҳаммага маълум бўлган биргина мисол билан кифояланаман: Франция ўз қўшинларини такомиллаштирганда ёки ҳеч бўлмаганда қўшиннинг Карл жорий қилган таркибини сақлаб қолса, уни ҳеч ким енга олмас эди. Бироқ, одамларнинг ақли шунчалик ноқиски, худди юқорида терлама ҳақида айтганимдек, кўпинча сиртдан чиройли кўринган нарсанинг ичидаги заҳарни сезишмайди.

Шунинг учун энди бошланиб келаётган дардни кўрмай қолган ҳукмдор ҳақиқий доно раҳбар бўла олмайди, бироқ бундай дардни ўз вақтида кўра билиш неъмати ҳаммага ҳам берилавермайди. Агар Рим империясининг таназзули ҳақида фикр юритадиган бўлсак, империянинг пойдеворига римликлар хизматта ёлланма аскарларни – готларни ола бошлаганидаёқ дарз кетганлигини кўришимиз мумкин. Империянинг қудрати ана шундан бошлаб емирила бошлаган, боз устига, римликларнинг қуввати кетган сари готлар куч тўплаб бораверган. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ўз қўшинига эга бўлмаган давлат мустаҳкам бўла олмайди, бунинг устига, у

бошдан-оёқ фалакнинг гардишига, тақдирнинг ўйинига боғлиқ бўлиб қолади, чунки қийин пайтда ҳарбий маҳорат унинг учун ишончли ҳимоя вазифасини ўтай олмайди. Донишмандларнинг фикри ва ҳукми шундай: «Quod nihil sit tam infirmum aut instabile, quam fama potentiae non sua vi nixa»[2]. Давлатнинг ўз қўшинлари – бу ўз фуқароларинг ёки сенга содиқ кишилардан иборат қўшиндир, қолган барча қўшинлар эса ё иттифоқдош, ё ёлланма аскарлар бўлади. Мен айтиб ўтган тўрт ҳукмдорнинг тутган йўлини мушоҳада қилиб, мен тўлиқ ишонган Александр Македонскийнинг отаси Филипп ва бошқа кўплаб республика ва ҳукмдорлар ўз қўшинларини қандай ташкил қилиб, қандай қуроллантиргани кўриб чиқилса, тегишли хулосалар чиқариб олиш мумкин.

### ЎН ТЎРТИНЧИ БОБ

## ҲУКМДОР ҲАРБИЙ ИШДА ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТМОҒИ ЛОЗИМ

Шундай қилиб, ҳукмдор уруш, ҳарбий тартиб-қоида ва ҳарбий санъатда бошқа ҳеч қандай мақсад, ташвиш ёки бошқа бир иш билан машғул бўлмаслиги керак, чунки уруш ҳукмдор бошқага ишониб топшира олмайдиган ягона мажбурият-

[2] Ўз кучига таянмаган қудратнинг жозибасидек омонат ва ўткинчи нарса йўқ. Тацит. Анналлар, XIII, 19, т.1.Л.,1970, 232-б.



дир. Ҳарбий санъат шу қадар кучга эгаки, у нафақат ҳукмдор бўлиб туғилган одамга ҳокимиятни қўлда тутиб туришга, балки оддий одамнинг ҳам тахтга ўтиришига имкон беради. Ва аксинча, ҳукмдорлар ҳарбий машқлардан кўра кўпроқ айш-ишрат, маишат ҳақида бош қотирса, ўзи ўтирган тахтни ҳам қўлдан бой беради. Ҳарбий санъатга бепарво бўлиш тахтни бой беришнинг асосий сабаби бўлса, бу санъатни эгаллаш ҳокимиятни қўлга киритишнинг асосий омилидир.

Франческо Сфорца ҳарбий маҳорати туфайли оддий одам бўла туриб, Милан герцоги даражасигача кўтарилди. Унинг фарзандлари эса урушнинг қийинчиликларидан бўйин товлагани оқибатида герцогликдан маҳрум бўлиб, оддий фуқарога айланишди. Ҳарбий санъатни билмайдиганларнинг бошига кўплаб кулфатлар тушади, айниқса, атрофдагиларнинг нафрат ва таҳқирига учрайди, бундан эса ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керакки, бу ҳақда қуйида алоҳида тўхталиб ўтамиз. Зеро, қуролсиз одам қуролланган одамга бас кела олмайди, қуролланган одам ҳеч қачон қуролсизга ўз ихтиёри билан бўйсунмайди, қуролсиз одам эса қуролланган хизматкорлар орасида ҳеч қачон ўзини хотиржам сеза олмайди. Бири биридан шубҳаланадиган, униси эса бунисидан жирканадиган икки одам қандай қилиб муроса қила олади? Худди шунингдек, ҳарбий санъатдан бехабар ҳукмдор кўпгина фалокатларга дуч келади. Бу фалокатлардан бири шуки, қўшин уни ҳурмат қилмайди, у эса қўшинга ишона олмайди.

Шунинг учун ҳукмдор ҳарбий машқларни тўхтатишни хаёлига ҳам келтира кўрмаслиги, аксинча, уруш пайтидан кўра тинчлик даврида бу машқларга янада зўр бериши лозим. Ҳарбий машқлар аввало амалдан, қолаверса, фикр юритишдан иборат бўлади. Амал деганда ҳукмдор қўшиндаги тартиб-интизом ва ҳарбий машқларни назорат қилиб туришигина эмас, балки ўзи ҳам тез-тез овга чиқиб туриши, танасини чиниқтириши, жойларни ўрганиши, яъни қаерда қандай тепаликлар борлиги, водийлар, даралар қаерга олиб чиқиши, текисликларнинг қанчалик кенглиги, дарё ва ботқоқликларнинг ҳолати кабиларни билиб юриши лозим. Бундай тадқиқотлар икки томонлама фойдалидир. Аввало ҳукмдор шу йўл билан ўз мамлакатини яхшироқ ўрганади, уни мудофаа қилиш йўлларини ҳам тўғри баҳолайди; бундан ташқари, бир жойнинг шарт-шароитини батафсил билган одам биринчи марта борган бошқа жойларнинг хусусиятларини ҳам осон билиб олади, чунки масалан, Тосканадаги адирлар, водийлар, текисликлар, дарё ва ботқоқлар бошқа ўлкалардагига анча ўхшаш бўлади, натижада бир жойни яхшилаб ўрганган одам бошқа жойларни ҳам дарров баҳолай олади. Агар ҳукмдорда бундай кўникмалар бўлмаса, у қўмондонликнинг дастлабки сифатидан маҳрум бўлади, чунки айнан мана шу хислат туфайли душман турган жойни аниқлаш, қароргоҳ қуриш, душманга яқинлашиш, жангга кириши ва қалъаларни қамал қилиш каби устунликларга эга бўлиш мумкин.

Қадимги дунё муаллифлари Ахея иттифоқининг раҳбари Филопоменни ошириб-тошириб мақташ давомида унинг тинчлик даврида ҳам ҳарбий машқдан бошқа нарса ҳақида ўйламаслигини ҳам мадҳ қилишади. Дўстлари билан шаҳар ташқарисига чиқса ҳам, тез-тез тўхтаб, уларга шундай саволлар берар экан: Душман анави тепаликни эгалласа, бизнинг қўшин эса мана шу ерда турса, устунлик ким томонда бўлади? Ҳарбий тартибни сақлаган ҳолда бундай шароитда қандай қилиб ҳужумга ўтиш мумкин? Агар чекинишга мажбур бўлсак, қандай чекиниш керак? Агар душман қоча бошласа, уни қандай таъқиб қилиш керак? Шу тариқа у юрган йўлида урушда пайдо бўладиган турли вазиятларни айтиб, савол берар, дўстларининг фикрини тинглагандан кейин эса, ўз фикрларини айтиб, уларни асослаб берарди. Мана шундай доимий машғулотлар туфайли у шундай даражага етган эдики, жанг пайтидаги ҳар қандай тасодиф ҳам уни доғда қолдира олмас эди.

Фикрлашга келадиган бўлсак, ҳукмдор тарихий асарларни кўп ўқиши, шу аснода машҳур саркардаларнинг тутган йўлларини алоҳида ўрганиши, улар жангни қандай олиб борғани, ғалабага ёки мағлубиятта нималар сабаб бўлганини таҳлил қилиши ва шу йўл билан ғалабага эришиши ёки мағлубиятнинг олдини олиши керак. Энг муҳими – қадимда ўтган буюк инсонларга эргашиш, улар орасидан бирорта машҳур одамни ўзига намуна қилиб олиб, унинг қаҳрамонликлари ва бошқа ибратли ишларини доимо ёдда тутиш керак. Ҳикоя қилишларича, Буюк Александр Ахиллага, Цезарь – Александрга, Сципион эса Кирга тақлид қилган экан. Ксенофонт қаламига мансуб

Кирнинг ҳаётини ўқиб ўрганган одам Сципионнинг шон-шуҳрат қозонишига айнан унинг Кирга тақлид қилгани сабаб бўлганини, Сципион ўзининг иффати, хушмуомаласи, одамгарчилиги ва саховатини Ксенофонтнинг Кир ҳақидаги тавсифларидан олганини англаб етади. Доно ҳукмдор юқорида зикр қилинган барча тартибларга риоя қилиши, тинчлик пайтида ҳеч қачон беғам бўлиб қолмаслиги лозим, ана шунда унинг барча меҳнатлари оғир пайт келганда ниҳоятда асқатади, тақдирнинг синовларига мардонавор дошбера олади.

### ЎН БЕШИНЧИ БОБ

## ОДАМЛАРНИ, АЙНИҚСА, ҲУКМДОРЛАРНИ НИМА УЧУН МАҚТАШАДИ ЁКИ ҚОРАЛАШАДИ

Энди ҳукмдор ўз фуқаролари ва иттифоқчиларига нисбатан ўзини қандай тутиши кераклигини кўриб чиқамиз. Бу ҳақда жуда кўпчилик ёзганини билганим учун, худди шу мавзуни танлаб олиб, уни изоҳлашда бошқалардан ниҳоятда узоқлашиб кетганим учун мени ўзига ортиқча ишониб юборган деб ҳисоблашмасмикан деб қўрқяпман. Бироқ мен тушунган одамлар учун фойдалироқ нарса ёзай деган ният билан амалда ҳеч ким билмаган ва кўрмаган республика ва давлатларни тасвирлаган кўпчиликдан фарқли равиш-



да тасаввурдаги эмас, балки воқеликдаги ҳақиқатга эргашишни афзал кўрдим. Чунки инсонларнинг қандай яшаётгани билан қандай яшаши кераклиги ўртасидаги тафовут шу қадар каттаки, бўлиши керак нарсани деб воқеликдаги нарсани инкор қилган ўзига фойда эмас, зарар келтиради, чунки ҳаётнинг ҳар қандай ҳолатларида фақат яхшиликка чорламоқчи бўлади, аммо яхшиликка ёт бўлган кўплаб одамларга дуч келиб, муқаррар равишда ҳалокатга учрайди Демак, ҳукмдор ҳокимиятни сақлаб қолишни истаса, яхшиликдан воз кеча олиш қобилиятига эга бўлиши, бу қобилиятдан заруратга қараб фойдаланиши лозим.

Ҳукмдорларнинг ўйлаб топилган эмас, ҳақиқий хислатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, барча одамларнинг, айниқса, бошқалардан юқорироқда турган ҳукмдорларнинг айнан мақтовга ёки маломатга лойиқ сифатларини сезишади. Масалан, бири сахий экан, бири хасис экан дейишади (мен бу сўзнинг тосканча маъносини назарда тутяпман, чунки бизнинг шевада очкўз деб бировникини ҳам тортиб олишни истайдиганларни айтишади, хасис деб ўзининг нарсасига ҳаддан ташқари ёпишиб олганларни айтамиз); бири исрофгар, бири тамагир; бири золим, бири ҳалим; бири мард, бири номард; бири қўрқоқ, тантиқ, бири жасур ва довюрак; бири кечиримли, бири такаббур; бири бузуқ, бири уятчан; бири айёр, бири содда; бири ўжар, бири ювош; бири енгилтак, бири вазмин; бири диндор, бири эса фосиқ ва ҳоказо. Ҳукмдор учун мазкур сифатларнинг фақат яхшиларини ўзида мужассам

этишдан кўра мақтовга сазовор нарса борми? Бироқ инсон шундайки, у фақатгина фазилатлардан иборат бўла олмайди, уларга оғишмай амал ҳам қила олмайди, шундай экан, оқил ҳукмдор уни тахтдан маҳрум қилиши мумкин бўлган нуқсонлардан узоқлашиши, қолганларидан эса имкон қадар тийилиш керак, холос. Ҳукмдорлар баъзи нуқсонларда айбланишдан қўрқмасинлар, чунки уларсиз тахтни қўлда тутиб туриб бўлмайди, чунки, бироз чуқурроқ ўйлаб кўрсак, бир қарашда фазилатдек кўринган, аммо аслида ҳукмдор учун ҳалокатли бўлган ва аксинча, нуқсондек бўлиб кўринган, аммо аслида ҳукмдорнинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлайдиган кўпгина сифатлар борлигини топамиз.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

## САХОВАТ ВА ТЕЖАМКОРЛИК ҲАҚИДА

Санаб ўтилган сифатларнинг биринчисидан бошласак, сахий ҳукмдор сифатида донг таратиш жуда яхши. Бироқ сахий деган ном чиқариш учун сахийлик қилаётган одам ўз-ўзига зарар қилади. Чунки ақл билан, рисоладагидек саховат кўрсатилса, уни билмасликлари мумкин, бироқ ўзингни барибир хасисликда айблашади, шунинг учун одамлар орасида сахий деб ном чиқариш учун турли ажойиб чоралар кўрасан, бироқ бу билан хазинани тугатасан, кейин эса сахий ҳукмдор деган



номдан ажралгинг келмай, халқни ҳаддан ташқари оғир солиқлар солиб, улардан пул ундиришнинг нопок йўлларига кириб кетасан. Буларнинг барчаси билан эса аста-секин фуқароларнинг нафратига, вақт ўтиб, қашшоқлашиб қолганингда эса ғазабига учрайсан. Саховатинг билан кўпчиликни хонавайрон қилиб, камчиликни неъматлантиргач, дастлабки қийинчилик ҳам сен учун фалокатга, биринчи хавф-хатар эса таназзулга айланади. Бироқ вақтида ақл-ҳушингни йиғиштириб олсанг ва ишни ўнглашни истасанг, шу заҳоти сени зиқналикда айблашади.

Агар ҳукмдор одамлар эътироф қилсин учун сахийлик қиламан деса, ўзига зарар келтириб қўядиган бўлса, хасис ҳукмдор деб ном чиқаришга кўниб қўя қолган яхши эмасми? Чунки вақт ўтиши билан, одамлар подшоҳнинг тежамкорлиги туфайли ўз даромадлари билан кифояланаётганини, халққа ортиқча солиқ солмай ҳарбий юришлар қилаётганини кўрса, у саховатли ҳукмдор деб шуҳрат қозонади. Шунда у ҳақиқатан ҳам бой қилиши мумкин бўлган одамларга нисбатан саховатли бўлиб қолаверади, улар эса жуда камдир. Бугунги кунда фақат хасислиги билан машҳур бўлганларгина буюк ишлар қилишди, қолганлар эса жимгина йўқолиб кетишди. Папа Юлий папалик ҳокимиятига эришгунчагина сахийликда ном чиқаришни истади, бироқ урушга тайёрланаётганда эса саховат ҳақида ўйлашни ҳам унутиб юборди. Франциянинг ҳозирги қироли бир нечта урушни фавқулодда солиқлар солмай ўтказди, бироқ у ҳали олдинда катта сарф-харажатлар борлигини билгани учунгина шундай қилди ва ҳаддан ташқари тежамкорлик қилиб юбор-

ди. Испаниянинг ҳозирги қироли ўзининг сахий ҳукмдор деган шуҳратини қадрламаганида шунча ҳарбий юришларни бошламаган ва уларда ғалаба қозонмаган бўларди.

Демак, фуқарони таламаслик, мудофаа учун маблағларга эга бўлиш, қашшоқлашиб қолмаслик, халқнинг нафратига учрамаслик ва ноилож тамагир бўлиб қолмаслик учун ҳукмдор хасис ҳукмдор деб ном орттирганига парво қилмаслиги керак, чунки хасислик – салтанатни бошқаришга имкон берадиган нуқсонлардан биридир. Агар менга «Цезарь ўзининг саховати билан ўзига йўл очди, бошқа кўпчилик ҳам сахий бўлгани ва сахий деб ном чиқаргани учун энг юксак мартабаларга эришган-ку» дейишса, мен шундай жавоб қиламан: сен ё тахтни қўлга киритибсан, ё у томон ҳаракат қиляпсан. Биринчи ҳолатда сахийлик зарардир, иккинчисида эса заруратдир. Цезарь Рим устидан мутлақ ҳукмдор бўлиш йўлида эди, шунинг учун сахийлик унга халақит бера олмас эди, бироқ, агар у тахтга ўтиргач, узоқроқ яшаганида ва харажатларни бироз камайтирмаганида унинг салтанатига тугаб кетган бўлар эди. Агар менга «Кўпчилик ҳукмдор бўлгандан кейин ҳам қўшинга бошчилик қилиб, буюк ишлар қилди, аммо улар энг сахий деб ном қозонган эди-ку» деб эътироз билдиришса, «Одам ё ўзининг, ё бировнинг молини сарфлайди» деб жавоб бераман. Биринчи ҳолатда тежамкорлик, иккинчисида эса имкон қадар сахийлик фойдалидир.

Агар сен ўлжа билан, талончилик, солиқлар ва бировнинг ҳаққи билан кун кўраётган қўшинни бошлаб кетаётган бўлсанг, қўли очиқ бўлишинг ке-



рак, акс ҳолда аскарлар ортингдан бормайди. Сенга ёки қўл остингдагиларга тегишли бўлмаган мулкни Кир, Цезарь ва Александрлар каби қўли очиқлик билан тарқатаверишинг мумкин, чунки бировнинг молини талон-тарож қилганинг сари, шоншуҳрат қозонасан, ўз молингни сочсанг эса фақат ўзингга зарар қиласан. Сахийликчалик тинкангни қуритадиган нарса йўқ: сахийлик қилиб, айнан саховат кўрсатиш имкониятини йўқотасан, ёки қашшоқланиб қолиб, нафратга учрайсан, ёки қашшоқликдан қутулиш учун бошқаларни хонавайрон қиласан, натижада яна нафратга дуч келасан. Ҳукмдор ҳамма нарсадан кўра фуқароларнинг нафрати ва жирканишидан қўрқиши керак, сахийлик эса унисига ҳам, бунисига ҳам олиб боради. Шунинг учун сахий деб ном чиқариб, ноилож бошқаларни хонавайрон қилиб, ҳам ёмон ном чиқариб, ҳам нафратга учрагандан кўра хасис деб ёмон ном чиқариб, ҳар қалай нафратга учрамаган яхши.

*ЎН ЕТТИНЧИ БОБ*

## ЗУЛМ ВА ШАФҚАТ ҲАҚИДА. РАИЯТ ҲУКМДОРНИ СЕВГАНИ АФЗАЛМИ ЁКИ УНДАН ҚЎРҚҚАНИМИ

Юқорида айтиб ўтилган бошқа сифатларга ўтар эканмиз, шуни айтмоқчиманки, ҳар бир ҳукмдор бераҳм эмас, мурувватли подшоҳ деб ном чиқаришни истайди, бироқ мурувватни ҳам суиистеъмол

қилмаслик керак. Кўпчилик Чезаре Борджани шафқатсиз дер эди, бироқ у ана шу шафқатсизлик билан Римантяда тартиб ўрнатди, уни бирлаштирди, тинчлантирди ва бўйсундирди. Ўйлаб кўрилса, у берахмликда айблашларидан қўрқиб, Пистойяни вайрон қилишларига қўйиб берган флоренция халқидан ҳам кўра кўпроқ мурувват кўрсатди. Шунинг учун ҳукмдор раиятни ўзига бўйсундириб турмоқчи бўлса, берахмликда айблашларига парво қилмаслиги керак. Ҳукмдор одамларни бир неча марта жазоласа, ортиқча мурувват кўрсатиб, тартибсизликка йўл очиб бераётганлардан кўра кўпроқ мурувват кўрсатган бўлади. Чунки талон-тарож ва қотилликларга олиб келадиган тартибсизликдан бутун аҳоли жабр чекади, ҳукмдорнинг жазоларидан эса бир неча киши қийналади, холос. Янги ҳукмдор бошқа ҳар қандай одамдан кўра берахмликда кўпроқ айбланади, чунки янги ҳокимиятга жуда кўп хатарлар таҳдид солади. Вергилий Дидонанинг тилидан шундай дейди:

*Res dura, et regni novitas me talia cogunt*
*Moliri, et late fines custode tueri.*[3]

Бироқ янги ҳукмдор дуч келган гапга ишонавериши, гумонсирайвериши, салга жазолайвериши керак эмас, у ҳар бир ишида ўзини вазмин тутиши, эҳтиёткор ва мурувватли бўлиши лозим, токи ортиқча ишонувчанлик ғафлатга олиб бормасин, ортиқча гумонсираш эса фуқароларнинг ғазабини келтирмасин.

[3] Салтанатимиз янги, хатар катта; фақат шутина
Сарҳадларни ҳимоялашга мени мажбур қилади.



Бу борада баҳс пайдо бўлиши мумкин: қай бири афзал, халқ ҳукмдорни яхши кўргани ми ёки ундан қўрққаними? Одатда ҳам қўрқиб, ҳам яхши кўргани яхши дейишади; бироқ севги билан қўрқув бир жойда тура олмайди, шунинг учун танлаш керак бўладиган бўлса, қўрқувни танлаш тўғрироқ бўлади. Чунки умуман олганда одамлар ношукр, беқарор бўлишади, мунофиқлик ва алдовга мойил бўлади, уларни хатар ҳайдаб туради, аммо текин даромад ўзига чорлаб туради: яхшилик қилиб турсанг, жон-дили билан пинжингга тиқилиб, сен учун ҳеч нарсани – на қони, на жони, на бола-чақаси, на мол-мулкини аяши ҳақида ваъда беришади, аммо уларга ишинг тушиб қолса, шу заҳоти сендан юз ўгиришади. Уларнинг ваъдасига ишониб, бирор кор-ҳолнинг олдини олиш чорасини кўрмаган ҳукмдорнинг ҳолига вой. Чунки буюк қалб ва олижаноблик билан эмас, пул эвазига келадиган дўстликни сотиб олиш мумкин, аммо қийин пайтда фойдаланиш учун сақлаб бўлмайди. Бундан ташқари, одамлар ўзи яхши кўрадиган одамдан кўра ўзи қўрқадиган одамни хафа қилиб қўймасликка кўпроқ тиришди, чунки меҳр шукрона билан мустаҳкамланади, одамлар эса ўз манфаатини деб унинг қадрига етишмайди, қўрқувни эса жазо хавфи мустаҳкамлайди.

Бироқ ҳукмдор қўл остидагиларнинг қалбига шундай қўрқув солиши керакки, улар уни яхши кўрмаган тақдирда ҳам, ҳеч бўлмаса нафратланмаслиги керак, чунки нафратлантирмай туриб ҳам қўрқув солиш мумкин. Ҳукмдор нафратга дучор бўлмаслик учун фуқаролар ва уларнинг аёлларига кўз олайтиришдан тийилиши лозим.

Мабодо ҳукмдор кимнидир қатл қилиш зарур деб ҳисобласа ҳам, бунга етарли асос ва яққол сабаб бор бўлса, ҳукмни ижро этиши мумкин, бироқ бировнинг ҳаққига тажовуз қилишдан ҳазир бўлиши керак, чунки инсон отасининг ўлимини кечириши мумкин, аммо мол-мулкини тортиб олган одамни кечирмайди. Қолаверса, мол-мулкни тортиб олиш учун сабаблар доим етарли бўлади, агар йиртқичлик билан кун кўра бошланса, бировнинг ҳаққини тортиб олишга сабаб исталганча топилади, бироқ кимнидир қатл қилиш учун асос топиш жуда қийин бўлиб, бунга сабаб топиш анча оғир бўлади.

Бироқ ҳукмдор катта қўшинни бошлаб бораётган бўлса, бераҳм деб ном чиқаришига парво қилмаслиги керак, чунки шафқатсизлик билан ном чиқармаган одам қўшиннинг бирлиги ва жанговар тайёргарлигини таъминлай олмайди. Ганнибалнинг ажойиб ишларидан бирини кўп эслашади: бегона юртларга урушга кетиб, ғалаба кунларида ҳам, мағлубият кунларида ҳам улкан ва турли миллат вакилларидан иборат қўшинни қўзғолон ва тафриқадан тийиб турган. Бунинг сабаби эса унинг мисли кўрилмаган шафқатсизлиги бўлиб, қўшин унинг ҳарбий иқтидори ва истеъдоди билан бирга бу сифатидан ҳам ҳайратда, ҳам қўрқувда турар эди; агар у бераҳм бўлмаса, бошқа сифатлари бунчалик таъсир кучига эга бўлмаган бўларди. Бироқ тарихий асарларнинг муаллифлари бир томондан бу қаҳрамонликни мадҳ қилса, иккинчи томондан унинг асосий сабабини қоралашади.

Саркарданинг шижоат ва истеъдод эгаси бўлишининг ўзи кифоя қилмаслигини Сципионнинг



мисолидан кўриш мумкин. У нафақат замондошлари, балки барча инсонлар орасида ҳам ғайриоддийлиги билан ажралиб турар эди. У ҳаддан ташқари юмшоққўнгиллиги туфайли аскарларини жуда бўш қўйиб юборган бўлиб, бундай эркинлик ҳарбий интизом чегарасидан ҳам ўтиб кетгани учун унинг қўшинлари Испанияда қўзғолон кўтарган. Фабий Максим уни айнан шунинг учун айблаб, Сенат олдида «У Рим қўшинларини айнитиб юборди», деган. Қаттиққўл бўла олмагани учун Сципион ўзининг легатларидан бири локрларни хонавайрон қилаётганини билиб қолса ҳам, уларнинг ёнини олмади, легатни ҳам ҳаддан ошгани учун жазоламади. Сенатдаги кимдир уни оқламоқчи бўлиб, «У хатоси учун бировни жазолагандан кўра ўзи хатога йўл қўймаслиги осонроқ бўлган одамлар тоифасига киради», деб бежиз айтмаган эди. Шу аҳволда давом этса, ва агар Сципион якка ҳоким бўлса, унинг бу хислати ўз шаънига доғ тушириб қўйиши ҳам мумкин эди; бироқ у Сенатга бўйсунар эди, шунинг учун унинг бу феъли нафақат салбий оқибатга олиб келмади, балки унга янада кўпроқ шон-шуҳрат келтирди.

Шундай қилиб, ҳукмдорни яхши кўришгани яхшими ёки ундан қўрқишганими деган баҳсга қайтсак, менинг сўзим шуки, бир одам ҳукмдорни ўз ихтиёри билан яхши кўради, аммо қўрққанда эса ҳукмдорнинг ихтиёри билан қўрқади, шунинг учун доно ҳукмдор бировга эмас, ўзига боғлиқ нарсага суянгани афзал. Фақат зинҳор-базинҳор юқорида айтилганидек, фуқароларнинг нафратига учраб қолмаслик керак, холос.

ЎН САККИЗИНЧИ БОБ

## ҲУКМДОРЛАР СЎЗИНИНГ УСТИДАН ҚАНДАЙ ЧИҚИШИ КЕРАК

Ҳукмдор сўзининг устидан чиқа олса, кўнгли очиқ бўлса, тўғри ва ҳалол бўлса, ҳар қанча мақтовга лойиқ бўлади. Бироқ тажрибадан маълумки, бугунги кунда сўзида турмаган, керак одамни лақиллата олганларгина катта ишларга муваффақ бўлмоқда; бундай ҳукмдорлар тўғрисўз бўламан, лафзимда тураман деган ҳукмдорларга қараганда анчагина кўпроқ нарсаларга эришган.

Шуни билиш лозимки, душман билан икки йўл орқали курашиш мумкин: қонунлар ва куч билан. Биринчи усул инсонга хос, иккинчиси эса ҳайвонга хос йўлдир. Бироқ кўпинча биринчи усулнинг ўзи камлик қилгани учун иккинчи усулни қўллашга ҳам тўғри келиб қолади. Демак, ҳукмдор ҳам инсоннинг, ҳам ҳайвоннинг табиатида бор хислатларни ўзлаштириб олмоғи лозим экан. Эҳтимол, Ахиллни ва қадимги дунёнинг бошқа қаҳрамонларини шунинг учун тарбия олсин, илмини ўргансин деб Хиронга – кентаврга топширишгандир? Бу ҳақда ёзган антик муаллифлар шунга ишора қилишгандир? Болани устоз сифатида ярим одам, ярим ҳайвонга топширишда бундан бошқа яна қандай муддао кўзланган бўлиши мумкин? Ахир ҳукмдор бу икки табиатни ўзида мужассам этиши лозим, чунки уларнинг бири иккинчисисиз етарли кучга эга бўлмайди-ку? Масалан, ҳукмдор



барча ҳайвонлар ичидан, айтайлик, иккитасига – шер ва тулкига ўхшасин. Шер қопқонлардан, тулки эса бўрилардан қўрқади, демак, қопқонларга чап бериш учун тулкига, бўриларни ҳайдаб юбориш учун эса шерга ўхшаш керак. Ҳар доим шерга ўхшаб юрадиган одам қопқонни сезмай қолиши мумкин. Демак, оқил ҳукмдорнинг берган ваъдаси унинг манфаатларига зид бўлса ва ўша ваъдани беришга уни мажбур қилган сабаблар ўз кучини йўқотган бўлса, у бу ваъдага содиқ қола олмайди ва қолиши керак ҳам эмас. Агар ҳамма одамлар ваъдасида турса, бундай маслаҳат номуносиб бўлар эди, аммо одамлар ёмон бўлгани учун ваъдасида турмайди, шунинг учун сен ҳам уларга нисбатан шундай муомала қилишинг керак. Ваъдани бузиш учун ўринли сабаб эса ҳар доим топилади. Бунга жуда кўп мисол келтириш мумкин: қанча-қанча сулҳ шартномалари, қанча-қанча битимлар ҳукмдорлар ваъдасини бузгани учун кучга кирмаган ёки барбод бўлган, аммо тулки табиатли одамлар доим ютиб кетаверган. Бироқ бундай табиатни ҳали кўздан яшира олиш ҳам керак, бунинг учун яхшигина ёлғончи ва мунофиқ ҳам бўлиш керак, одамлар эса шунақанги соддаки, бурнинг тагидаги эҳтиёжлар билан шунақанги бандки, алдайман деган одам алданадиган одамни истаган пайтда топа олади.

Яқин ўтмишда содир бўлган мисоллардан биттасини айтиб ўтмасам бўлмайди. Александр VI бутун умр ёлғонга устаси фаранг эди, лекин ҳар сафар унга ишониб, лаққа тушадиган одамлар топилаверди. Дунёнинг унингдек оғир қасам ичадиган, унингдек ишонтириб ваъда берадиган ва унингдек

бу ваъдаларнинг устидан чиқмайдиган одам бўлмаган бўлса керак. Лекин у истаган ёлғонига одамларни ишонтира оларди, чунки бу ишнинг кўзини биларди. Демак, ҳукмдор юқорида айтиб ўтилган барча фазилатларга эга бўлиши шарт эмас, аммо ўзини уларга эгадек қилиб кўрсата олиш ниҳоятда зарурдир. Ким нима деса десин, лекин бу фазилатларга эга бўлиш ва уларга оғишмай амал қилиш зарарлидир, аммо ўзини уларга эгадек қилиб кўрсатиш кони фойда эканини қўшиб қўяман. Бошқача қилиб айтганда, одамларнинг кўзига жонсарак, субутли, мурувватли, самимий, олижаноб бўлиш кўриниш керак ва амалда ҳам шундай бўлиш керак, лекин зарур бўлиб қолса, бунинг акси бўлган сифатларни ҳам намоён қилишга тайёр бўлиш керак. Шуни тушуниш лозимки, ҳукмдорлар, айниқса янги ҳукмдорлар одамлар яхши деб билган ҳамма нарсани ҳам амалга ошира олмайди, чунки давлатни сақлаб туриш учун у кўпинча ўз сўзига, мурувватга, меҳр ва олижанобликка қарши боришга мажбур бўлади. Шунинг учун вазият бошқача тус олса ёки омад қуши бошқа томонга қараб учса, ҳукмдор ҳам йўналишни ўзгартиришга тайёр туриши керак, яъни юқорида айтилганидек, имкон қадар яхшиликдан узоқлашмасликка, аммо зарур бўлиб қолса, ёмонликдан ҳам ҳазар қилмасликка тайёр туриши лозим.

Демак, ҳукмдор тилидан юқорида санаб ўтилган бешта фазилатга йўғрилмаган бирор сўз чиқиб кетмаслиги учун ниҳоятда ҳушёр бўлиши лозим. Токи ҳукмдор уни кўраётган, эшитаётганлар кўзига меҳр-мурувват, садоқат, оққўнгиллик, инсонийлик



ва олижаноблик тимсоли бўлиб кўринсин. Ҳа, айниқса олижаноблик тимсоли. Чунки одамлар асосан зоҳирга қараб баҳо беришади, чунки кўришга ҳамма ҳам кўради, аммо қўл текизиб кўриш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Сенинг сиртдан қандайлигингни ҳамма билади, бироқ аслида қандайлигингни жуда кам одам билади, аммо бу билганлар кўпчиликнинг фикрига қарши чиқа олмайди, чунки кўпчиликнинг ортида давлат туради. Барча одамларнинг, айниқса судга тортиб бўлмайдиган ҳукмдорларнинг хатти-ҳаракатларига натижага қараб баҳо берилади, шунинг учун ҳукмдорлар ҳокимиятни қўлда тутиб туришга ва ғалаба қозонишга ҳаракат қилишсин. Бунинг учун қандай воситаларга қўл урманг, уларни ҳар доим муносиб деб билишади, маъқуллашади, чунки авом халқ фақат зоҳирга ва муваффақиятта маҳлиё бўлади, дунёда эса авом халқдан бошқа нарса йўқ, кўпчиликнинг ортида давлат турганда камчиликка ўрин қолмайди. Мен исмини айтишни истамаган замондош ҳукмдорлардан бири нуқул тинчлик ва садоқатдан гапиради, аммо амалда у мазкур икки нарсанинг муросасиз душманидир; аммо агар у айтганига амал қилса, ё қудратидан, ё давлатидан аллақачон маҳрум бўлган бўлар эди.

## ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

## ҚАНДАЙ ҚИЛИБ НАФРАТ ВА ЖИРКАНИШГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК МУМКИН

Юқорида зикр қилинган сифатларнинг энг муҳимини кўриб чиқдик; қолганларига келсак, битта умумий қоидани келтириб, сўнг улар ҳақида қисқача тўхталаман. Юқорида қисман айтилганидек, ҳукмдор фуқароларнинг нафрати ёки жирканишига сабаб бўладиган бирор иш қилиб қўйишга ниҳоятда эҳтиёт бўлиши лозим. Агар у бу борада моҳир бўлса, иш битди ҳисоб, унинг қолган нуқсонлари унга ҳеч қандай зарар етказа олмайди. Одатда ҳукмдорлар очкўзлиги, фуқароларнинг мол-мулки ва аёлларига тажовуз қилгани туфайли халқнинг нафратига учрайди. Чунки одамларнинг аксарияти уларнинг номуси ёки мол-мулкига тажовуз бўлмаса, ҳаётидан мамнун яшайди; демак, ҳукмдордан бир ҳовуч иззатталаб одамларгина норози бўлиши мумкин бўлиб, уларнинг танобини тортиб қўйиш қийин эмас. Ҳукмдор беқарор, енгилтак, инжиқ, қўрқоқ ва сусткаш бўлса, фуқаро ундан жирканади. Бу каби иллатлардан оловдан қўрққандай қўрқиш ва аксинча, ҳар бир ишда олижаноблик, жасорат, қатъият ва сабот намоён қилиш керак. Ҳукмдорнинг жузъий ишлардаги қарори узил-кесил бўлиши лозим, фуқаро у ҳақда шундай фикрда бўлиши керакки, ҳукмдорни алдаш ёки лақиллатиш мумкин деган



фикр бирор инсоннинг хаёлига ҳам келмаслиги лозим. Ўзи ҳақда ана шундай тасаввур шакллантира олган ҳукмдорга ҳурмат-эътибор қиладилар; ҳукмдор ўзининг етук фазилатлари билан машҳур бўлса, фуқаросининг ардоғида бўлса, душманларнинг унга ҳужум қилиш ёки унга қарши фитна қўзғаши қийинроқ бўлади. Чунки ҳукмдорни икки хатар таъқиб қилади – бири ички, фуқаролар томонидан, иккинчиси ташқи, кучли қўшинлар томонидан келадиган хатар. Ташқи хатарни яхши қўшин ва яхши иттифоқчилар ёрдамида даф қилиш мумкин; яхши қўшини бор одам яхши иттифоқчиларни ҳам топа олади. Ташқи хатарлар даф қилинса ва ҳукм сура бошлаган бу тинчликни махфий фитналар бузмаса, ичкарида ҳам тинчлик сақланади. Бироқ, ташқаридан ҳужум бўлганда ҳам ҳукмдор руҳан тушкунликка тушмаслиги лозим, чунки у мен айтганимдек иш тутса, юқорида айтиб ўтилган спарталик Набид бардош берганидек, ҳар қандай душманнинг ҳужумига ҳам бардош беради.

Фуқароларга келсак, тинчлик пайтида хавфсираш лозим бўлган биргина нарса – махфий фитналардир. Бунга қарши энг асосий чора – фуқаронинг нафратини қўзғамаслик, халқнинг кўнглини олиш бўлиб, юқорида айтилганидек, бунга эришиш зарурдир. Фитнанинг олдини олишнинг барча усуллари ичида энг ишончлиси – халқнинг нафратига учрамасликдир. Чунки фитначи ҳукмдорни ўлдириб, халққа яхши кўринмоқчи бўлади; агар у халқнинг ғазабига учрашини билса, бундай ишга журъат қила олмайди, чунки фитна уюштириш шундоқ ҳам сон-саноқсиз қийинчиликлар билан боғлиқ ишдир. Тажрибанинг

кўрсатишича, фитналар тез-тез уюштириб турилган, аммо камдан-кам ҳолларда уларнинг уддасидан чиқилган. Бунинг сабаби шуки, фитначи ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди ва ҳокимиятдан норози одамлардан бошқа ҳеч ким билан тил бириктира олмайди. Бироқ ана шундай норозиларга сирни айтган заҳоти у ҳукуматдан розиларга айланиб қолиши мумкин, чунки у сени сотиб, давлатнинг ишончли одамига айланиши ва турли неъматларга сазовор бўлиши мумкин. Шундай қилиб, бир томондан фойда аниқ, бир томондан эса даргумон бўлиб турса, хавф-хатар жуда кўп бўлса, сени фақат энг садоқатли дўстинг ёки ҳукмдорнинг энг ашаддий душманигина сотмаслиги мумкин.

Қисқаси, фитначи томонда хавф-хатар, шубҳа-гумон, шафқатсиз жазодан қўрқув турса, ҳукмдор томонда давлатнинг нуфузи, дўстлари ва бутун куч-қудрати туради; шундай экан, бунга халқнинг меҳри ҳам қўшилса, бунда ҳукмдорга қарши фитна қўзғашга ҳеч ким журъат қила олмайди. Чунки фитначи мана шу хатарлардан, айниқса, қотиллик қилиб қўйишдан қўрқиши керак, қолаверса, унга бутун халқ қарши чиқса, эртанги кунини ҳам ўйлаб қўйиши керак, чунки юртда унга ҳеч ким паноҳ бўлмайди.

Бу борада ҳам кўплаб мисол келтиришим мумкин, аммо ҳали биздан олдинги авлоднинг ёдидан кўтарилмаган бир мисоли билан кифояланаман. Болонья ҳокими, ҳозирги мессер Аннибаленинг бобоси мессер Аннибале Бентивольи ҳам фитначи Каннескилар томонидан ўлдирилган, ундан кейин ҳали беланчакда ётган мессер Жованнидан бошқа



меросхўрлар қолмаган эди. Қотиллик юз берган заҳоти ғазаб отига минган халқ Каннески авлодини битта қўймай қириб ташлаган эди, чунки ўша пайтларда Бентивольи оиласи халқнинг меҳрини қозонган эди. Бу меҳр шу қадар кучли бўлганки, Болоньяда Бентивольилар авлодидан давлатни бошқарадиган ҳеч ким қолмагач, шаҳарликлар Бентивольилар уруғига тегишли бўлган, бир темирчининг ўғли ҳақида эшитиб қолиб, унинг олдига Флоренцияга бориб, ҳукуматни унга топширишган. Ўша одам то мессер Жованни тахтга ўтирадиган ёшга етгунича шаҳарга ҳокимлик қилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, агар ҳукмдор халқнинг меҳрини қозонган бўлса, фитналардан қўрқмаслиги мумкин ва аксинча, агар халқ уни ёмон кўрса, ҳаммадан ва ҳар кимдан қўрқиши керак. Обод давлатлар, доно ҳукмдорлар зодагонларни душман қилмаслик ва халқнинг кўнглини олиш учун барча чораларни кўришган, чунки бу ҳокимият тепасидагилар учун энг муҳим масаладир.

Бугунги кунда тўғри ташкил қилинган ва яхши бошқарилаётган давлат Франциядир. Бу давлатда қиролнинг эркинлиги ва хавфсизлигини таъминловчи барча муассасалар – биринчи навбатда тегишли ваколатларга эга парламент бор. Бу монархияни ташкил қилган одам зодагонларнинг мансабпаратслиги ва сурбетлигини билгани учун уларни тизгинда ушлаб туриш керак деб ҳисобларди; аммо халқнинг зодагонларни кўришга кўзи йўқлиги билгани учун уларни ҳимоялашни ҳам истар эди. Бироқ у зодагонлар қиролни халққа ён босишда, халқ эса зодагонларга ён босишда айбламаслиги

учун бу ишни қиролнинг зиммасига юкламай, қиролни аралаштирмаган ҳолда кучлиларни тийиб турадиган, заифларни ҳимоя қиладиган суд маҳкамасини ташкил қилган эди. Бундан яхши ва оқилона тартибни ҳам, қирол ва қироликнинг хавфсизлигига бундан ортиқ гаровни ҳам тасаввур қилиш қийин. Бундан яна бир фойдали қоида келиб чиқади: ҳукмдор фуқароларга ёқмайдиган ишларни бошқаларга юклаб, халққа ёқадиган ишларни ўзи бажариши лозим. Сўзимнинг якунида такроран айтаманки, ҳукмдор зодагонларга ҳурмат кўрсатиши, аммо халқнинг нафратини қўзғамаслиги лозим.

Кўпчилик баъзи Рим императорларининг ҳаёти ва ўлими бу ерда айтиб ўтилган фикрга қарама-қарши келади-ку, деса керак. Мен муносиб ҳаёт кечириб, шон-шавкат қозонган бўлса ҳам, ё тахтдан ағдарилган, ё фитна оқибатида қатл қилинган императорларни назарда тутяпман. Бундай фикрларга раддия сифатида бир неча императорларнинг сифатларини муҳокама қилиб, улар айнан мен юқорида кўрсатиб ўтган сабаблар туфайли тахтдан ағдарилганини исботлаб бераман. Айни пайтда Маркнинг ворислари, унинг ўғли Коммод, Пертинакс, Юлиан, Север, унинг ўғли Антонин Каракалла, Макрин, Гелиогабал, Александр ва Максимин каби императорларнинг ҳаётидаги энг ибратли жиҳатларни кўрсатиб бермоқчиман.

Аввало шуни айтиш керакки, одатда ҳукмдорлар зодагонларнинг мансабпарастлигини ва халқни тизгинда ушлаб туриши керак бўлган бўлса,



Рим императорлари яна қўшиннинг шафқатсизлиги ва очкўзлигини ҳам тийиб туришга мажбур бўлишган. Бу оғир зарурат кўпчиликни ҳалокатга олиб келган, чунки ҳам халқнинг, ҳам қўшиннинг кўнглини олиш жуда қийин бўлган. Халқ тинчлик ва хотиржамликни истар эди, шунинг учун ювошроқ ҳукмдорларни афзал кўришса, аскарлар эса жанговар, шафқатсиз, ёвуз ҳукмдорларни ёқтиришар, аммо бу сифатлар халққа нисбатан бўлишини исташар эди, чунки шу йўл билан икки баравар маош олишар ва ўзининг оч ва ёвуз нафсини қондиришарди.

Буларнинг барчаси на туғма иқтидори, на саъй-ҳаракатлари билан халқни, қўшинни итоатда ушлаб турадиган даражада обрў қозона олган императорларни муқаррар ўлимга олиб борар эди. Императорларнинг аксарияти, айниқса, императорликни мерос қилиб эмас, ўз саъй-ҳаракатлари билан қўлга киритганлари бу икки ўт орасида қолгач, халқни эътиборга олмай, қўшиннинг кўнглини олишни афзал кўришган. Бироқ уларнинг бошқа иложи ҳам йўқ эди, чунки агар ҳукмдор қўл остидагилардан бирортасининг нафратига учрамасликка имкон топа олмаса аввал умумхалқ нафратига учрамасликка ҳаракат қилиши керак. Бунинг иложи бўлмаса, энди бор кучини кучлироқларнинг нафратига учрамасликка ташлаши керак. Мана шунинг учун янги ҳукмдорлар, айниқса, ёрдамга муҳтож бўлган пайтда халқдан кўра аскарларнинг тарафини олишга ошиқишган. Лекин улар шунда ҳам, агар етарлича ҳурмат қозона олишмаса, мағлубиятта учрашган.

Мана шу сабаб туфайли мўътадил, адолатпеша бўлган, кескинликни ёмон кўрган, юмшоқфеъл ва мурувватли бўлган учта император – Марк, Пертинакс ва Александрлардан иккитасининг тақдири аянчли бўлди. Фақат Маркгина иззат-икромга кўмилиб яшаб, вафот этди, чунки императорлик унга мерос (jure hereditario – ворислик ҳуқуқига кўра) қолган бўлиб, у на халқнинг, на қўшиннинг ҳурматига муҳтож эди. Бунинг устига, у жуда кўп яхшиликлар қилиб, қўл остидагиларнинг меҳрини қозонган, шунинг учун халқни ҳам, қўшинни ҳам керагича измида тутиб тура олди ва уларнинг на нафрати, на ғазабига учради. Пертинакс эса ундан фарқли равишда аскарларнинг истагига қарши ўларoқ император бўлган эди, чунки у Коммод даврида айш-ишратга ўрганиб қолган аскарларни тўғри яшашга мажбур қиларди. Қолаверса, у жуда кексайиб қолган бўлиб, аскарларнинг уни кўришга кўзи йўқ эди. Шу сабабли уни императорлик даврининг бошидаёқ ўлдиришди.

Шу ерда ёмонлик билан кўпчиликнинг ғазабига учраш мумкин бўлганидек, яхши ишлар билан ҳам нафратга учраб қолиш мумкинлигини таъкидлаб ўтиш ўринли бўлар эди. Шунинг учун ҳукмдор, юқорида айтганимдек, давлатни сақлаб қолиш учун кўпинча яхшиликдан воз кечишга ҳам мажбур бўлиб қолади, чунки ҳукмдор кўнглини олмоқчи бўлганлар – халқ бўлсин, қўшин бўлсин – бузилиб кетган бўлса, уларнинг кўнглини олиш учун шунга яраша иш тутиш керак бўлади, яхши ишлар эса бундай пайтларда зарар бериб қолиши мумкин. Энди Александрга келсак, уни ювошлиги



учун кўп мақташарди, бу ювошлик шу даражада эдики, у ҳукм сурган ўн тўрт йил давомида бирорта одам судсиз қатл қилинмаган эди. Бироқ шундай бўлса ҳам ,халқ уни ҳаддан ташқари тантиқ, онасининг боласи бўлиб кетган деб ёмон кўрди, натижада қўшинлар уюштирган фитнада ўлдирилди.

Бу уч императорнинг мутлақо акси бўлган Коммод, Север, Антонин Каракалла ва Максиминлар ниҳоятда очкўз ва бераҳм бўлишган. Улар қўшинга таҳдид қилиб, халқни истаганча хонавайрон қилар, эзарди, шунинг учун Севердан бошқа ҳаммаларининг тақдири аянчли бўлди. Севернинг шон-шавкати шунчалар машҳур эдики, ҳаётининг охиригача аскарларнинг ҳурматида бўлди, халқни хонавайрон қилганига қарамай, шоду хуррамлик билан подшоҳлик қилди. Унинг шавкати халққа ҳам, қўшинга ҳам ғайриоддий туюлар, халқ ундан қўрқар, қўшин эса тан берарди. Унинг янги ҳукмдор сифатида қилган барча ишлари тўғри ва эътиборга сазовор бўлгани учун, мен тафсилотларга берилмай, ҳукмдорлар учун ибрат қилиб кўрсатганимдек, гоҳ шерга, гоҳ тулкига ўхшай олганини кўрсатиб ўтмоқчиман.

Север император Юлианнинг ношудлигини эшитиб, Славонияда ўз қўл остида турган аскарларни Римга юриш қилиш, преторияликлар ўлдирган император Пертинакснинг ўлими учун қасос олиш уларнинг бурчи эканига ишонтирди. У ана шундай баландпарвоз шиорлар билан қўшинни Римга бошлади, аммо асл мақсади император бўлиш эканини ҳеч кимга билдирмади. Шу тариқа унинг

жангга отланганни ҳақидаги миш-мишлар етиб келмасидан ўзи Италияга етиб келди. У Римга етиб келгач, қўрқиб кетган Сенат уни император деб эълон қилиб, Юлианни қатл қилишни буюрди. Аммо Юлиан йўлида иккита тўсиқ турар эди: Осиёда қўшин қўмондони Нигер ўзини император деб эълон қилган, ғарбда эса унинг рақиби Альбин эди. Бу икковига қарши очиқча жанг қилиш хавфли эди, шунинг учун Север Нигерга очиқса ҳужум қилишга, Альбинни эса макр-ҳийла билан йўқ қилишга қарор қилди. У Альбинга мактуб ёзиб, Сенат томонидан император тахтига кўтарилганини, бу олий мақомни у билан баҳам кўрмоқчилигини, Цезарь мақомини қабул қилишни сўраётганини, Сенат қарорига кўра уни ҳам ҳукмдор деб эълон қилганини айтди. Альбин бу гапга чиппа-чин ишонди. Бироқ Нигер қўшинлари тор-мор қилиниб, ўзи ўлдирилгач, шарқдаги ишлар ҳал бўлгач, Север Римга қайтиб, Сенатга шундай шикоят қилди: Альбин Северинг яхшиликларини унутиб, унинг ҳаётига тажовуз қилди, шунинг учун у Римдан қўшин тортиб бориб, ношукрлиги учун Альбинни жазолашга мажбур бўлмоқда. Шундан сўнг у Альбинни Францияда қўлга тушириб, тахтдан ҳам, ҳаётдан ҳам маҳрум қилди.

Севернинг ишлари ҳақида ўйлаб кўрса, у ўзини гоҳ ғазаб отига минган шердек, гоҳ эса ниҳоятда маккор тулкидек тутганига ишонч ҳосил қиламиз: у барчанинг юрагига қўрқув солди, ҳурмат қозонди ва айни пайтда қўшиннинг ғазабига ҳам учрамади. Шунинг учун қандай қилиб у янги ҳукмдор бўла туриб, ҳокимиятини шу қадар мустаҳкамлай



олганига ҳайрон қоламиз: у халқини хонавайрон қилди, аммо уларнинг ғазабига учрамади, чунки уни бундан шон-шуҳрати ҳимоя қилиб турар эди. Унинг ўғли Антонин ҳам кучли шахс эди, халқнинг ҳам, аскарларнинг ҳам кўнглини олишга муваффақ бўлди. У ҳар қандай қийинчиликка бардош бера оладиган, нозик таомни, юмшоқ ўринни ёмон кўрадиган ҳақиқий жангчи бўлган учун аскарлар уни яхши кўришарди. Бироқ у мисли кўрилмаган ёвуз ва шафқатсиз одам эди, сон-саноқсиз одам ўлдиргани, Александриянинг барча аҳолисини, Рим аҳлининг ярмини қириб ташлагани учун бутун халқнинг нафратига учради, ундан ҳатто атрофидагилар ҳам қўрқа бошлади, натижада қўшинининг кўзи олдида центурионлардан бири томонидан ўлдирилди.

Бу ерда шуни айтиш жоизки, жонидан кечган одамгина ҳукмдорга суиқасд қилади, шунинг учун ақлдан озган одамнинг қўлида ўлиб кетмасликнинг аниқ бир чораси йўқ. Бироқ бундан кўп ҳам қўрқавермаслик керак, чунки бундай суиқасдлар ниҳоятда камдан-кам учрайди. Муҳими, атрофингдаги мансабдорлар, қўл остингдаги ходимларни таҳқирламаслик керак. Антонин эса ўша центурионнинг акасини шармандаларча ўлдиргач, унинг ўзини соқчи сифатида ёнида олиб юраверди, ваҳоланки, у ҳар куни қасос оламан деб таҳдид қилар эди. Бу эса мутлақо ақлсизлик бўлиб, Антониннинг ўлими билан тугамаслиги мумкин эмас эди. Шундай бўлди ҳам.

Энди Коммод ҳақида. У Маркнинг ўғли бўлгани учун, ўзига мерос қолган ҳокимиятни осонга

қўлда сақлаб қолиши мумкин эди. Агар у отасининг йўлидан кетса, халқнинг ҳам, қўшиннинг ҳам айни кўнглидаги ишни қилган бўлар эди, бироқ пасткаш ва бераҳм одам бўлгани учун қўшинга хушомад қилиб, унинг ёрдамида халқни талаш учун аскарларни роса талтайтириб юборди. Аммо у майдонда гладиаторлар билан жанг қилиб, императорлик обрўйини бир тийин қилгани, императорнинг шаънига нолойиқ бошқа жирканч ишлари туфайли қўшиннинг нафратига лойиқ бўлди. Ниҳоят, халқнинг нафрати, қўшиннинг ғазабига учраб, охири яқинлари орасида фитнанинг қурбони бўлди.

Энди Максиминнинг сифатларини айтиб ўтиш қолди. Бу одамда камдан-кам учрайдиган чинакам ҳарбий маҳорат бор эди. Александр ўзининг мулойим, нозик, инжиқлиги билан қўшиннинг жонига теккач, Максиминни император деб эълон қилди. Бироқ унинг ҳукмронлиги узоққа чўзилмади, чунки ўзи ҳам тезда қўшиннинг қаҳрғазабига учради. Аввало, у бир пайтлар Фракияда подачилик қилган эди – ҳамма билган бу ҳолат подшоҳ учун фуқаролар олдида шармандалик эди; Иккинчидан, у император деб эълон қилингач, Римга бориб, императорлик мартабасини қабул қилиб олиши керак бўлган маросимга бормади, ўзининг префектлари орқали Римда ва ҳамма жойда шафқатсизлик қилиб, бераҳмлиги билан ном қозонди. Унинг шафқатсизликлари халқни қўрқувга солган бўлса, унинг подачи бўлганлигидан нафрат янада кучайиб кетди, натижада унга қарши аввал Африка, кейин эса Сенат ва бутун Рим



халқи бош кўтарди, ниҳоят, бу фитнага бутун Италия қўшилиб кетди. Фитнага унинг Аквилеяни бирга қамал қилган, унинг шафқатсизлиги ва қамал пайтидаги қийинчиликлар жонига теккан ўз аскарлари ҳам қўшилишди: улар императорнинг душманлари кўплигини кўриб, дадиллашишди ва уни ўлдиришди.

Мен Гелиогабал, Макрин ва Юлианлар ҳақида айтиб ўтирмайман, улар ҳеч нарсага арзимайдиган, тахтдан ағдарилганини ҳам ҳеч ким сезмаган ҳукмдорлар. Энди хулосага ўтаман. Ҳозирги пайтда ҳукмдорлар қўшинга бу қадар таҳдид қилишига эҳтиёж йўқ. Тўғри, қўшинга ҳозир ҳам қараб туриш керак; бироқ бу муаммо осон ечилади, чунки бугунги кунда ҳукмдор Рим империясидаги каби, айрим вилоятларнинг ҳукмдорлари билан чамбарчас боғланган аскарлар билан бевосита ишламайди. У пайтларда қўшин катта куч эди, шунинг учун аскарларга таҳдид қилиб туришга тўғри келарди. Аммо ҳозирги пайтда, турк ва Миср султонларини ҳисобга олмаганда, ҳукмдорлар халқнинг кўнглини олгани муҳимроқдир, чунки энди катта куч халқдир.

Турк султонининг бошқа ҳукмдорлардан фарқи шундаки, унинг атрофида ўн икки минг кишилик пиёда аскарлар ва ўн беш минг кишилик отлиқ қўшин бор бўлиб, салтанатининг мустаҳкам ва хавфсизлиги шуларга боғлиқ. Бундай ҳукмдор ҳамма ишни қўйиб, ўша қўшин билан муносабатни яхшилашга уриниши керак. Худди шунинг каби, аскарларга боғлиқ Миср султони ҳам халқни бир четга қўйиб бўлса-да, ўз қўшини билан муроса қилиши керак. Эътибор берингки, Миср султонининг давлати

бошқа давлатларга ўхшамайди, уни фақат насроний оламидаги папаликка қиёслаш мумкин, холос. Бу давлатни мерос қоладиган салтанат деб бўлмайди, чунки султоннинг ворислари унинг ўғиллари эмас, балки тегишли ваколатга эга бўлган кишилар томонидан султонликка сайланган одам бўлади. Бироқ уни янги тузум деб ҳам бўлмайди, чунки бу тартиб жуда қадимда ўрнатилган, шунинг учун султон янги ҳукмдорлар дуч келадиган қийинчиликлардан бирортасига дуч келмайди. Шундай қилиб, салтанатда султон янги бўлса ҳам, ундаги тартиб-қоидалар эскилигича қолади ва шу тузум ҳокимиятнинг оддий мерос қоладиган ҳукмронлик каби давомийлигини таъминлайди.

Энди ўз мавзуимизга қайтайлик. Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан императорларнинг таназзулига уларга нисбатан нафрат ва ғазаб асосий сабаб бўлганини кўрдик, нима учун турлича иш тутган бу ҳукмдорларнинг фақат иккитасига омадли, қолганларига эса фожиали тақдир насиб қилганини тушундик. Гап шундаки, янги ҳукмдор сифатида Пертинакс ва Александрлар учун тахтни мерос қилиб олган Маркка тақлид қилиш фойдасиз ва ҳатто зарарли эди, Коммод ва Максимин учун эса Северга тақлид қилиш ўлим билан тенг эди, чунки уларнинг Максиминдек ҳарбий иқтидори йўқ эди. Бинобарин, янги давлатдаги янги ҳукмдор на Маркка тақлид қилиши, на Северга ўхшаши керак эмас, бироқ у Севердан янги давлатга асос солиш учун, Маркдан эса куч тўплаб, оёққа туриб олган давлатни сақлаб қолиш учун зарур жиҳатларни ўзлаштириб олиш лозимдир.





## ҚАЛЪАЛАРНИНГ ВА ҲУКМДОРЛАР ДОИМ ҚЎЛЛАЙДИГАН БОШҚА КЎП НАРСАЛАРНИНГ ФОЙДАСИ БОРМИ

Баъзи ҳукмдорлар ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун фуқаросини қуролсизлантирар, бошқалари эгалланган шаҳар аҳолиси орасига тафриқа солар, бирлари атайлаб ўзишга душман орттирса, бошқалари тахтга ўтиргач, ўзлари шубҳаланган одамларнинг кўнглига йўл топишни афзал кўришарди; баъзилари истеҳкомлар қуришса, бошқалари уларни талаб, вайрон қилишарди. Бу усулларнинг қай бири афзаллигини айтиш қийин, бунинг учун у ёки бу қарор қабул қилинган ўша давлатлардаги вазиятни билиш керак; бироқ мен тафсилотлардан китобимнинг мавзусидан имкон қадар чиқмаган ҳолда улар ҳақида сўзлаб беришга ҳаракат қиламан.

Янги ҳукмдорлар ҳеч қачон фуқарони қуролсизлантирмаган, аксинча, агар улар қуролсиз бўлса, уларни доим қуроллантиришган, чунки фуқаронинг қўлига қурол берсанг, ўз қўшинингга эга бўласан, кимнингдир садоқатига эришасан, кимнингдир садоқатини мустаҳкамлайсан ва шу тариқа фуқароларни ўз тарафдорларингга айлантирасан. Барча фуқарони қуроллантиришнинг имкони йўқ, бироқ уларнинг бир қисмига қурол берилса, қолган барчасига ҳам ишонса бўлади. Чунки қурол берилганлар бу илтифотни кўриб, сендан миннатдор бўлишади,

қолганлар эса қуролни аввало ўша зиммасига катта масъулият юкланган, катта хавф-хатарларга учрайдиганларга бериш керак деб, буни тўғри тушунади. Бироқ фуқаронинг қуроли олиб қўйилса, ишончсизлик билан уларнинг кўнглини қолдириш мумкин, бу эса қўрқоқлик ёки шубҳаланиш бўлиб, ҳукмдорларнинг бундай сифатлари кечирилмайди. Қўшинсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди, шунинг учун ноилож ёлланма қўшинга мурожаат қилишга мажбур бўлинади. Ёлланма қўшин ҳақда эса юқорида батафсил сўзлаб ўтдик; агар улар тенги йўқ жангчилар бўлган тақдирда ҳам, сени қудратли душманлардан ва бевафо фуқаролардан ҳимоя қилишга уларнинг кучи етмайди.

Янги давлатлардаги янги ҳукмдорлар ҳар доим ўз қўшинини тузиб олганига тарихдан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бироқ агар ҳукмдор эски давлатига янги ерларни қўшиб олса, у ерларни босиб олишга ёрдам берганлардан бошқа янги фуқароларни қуролсизлантириш, аммо уларга ҳам бироз дам олиб, ўзига келиб олишига имкон бериш керак. Шундай иш тутиш кераккки, натижада бутун қўшинда фақат ҳукмдорнинг яқинида яшовчи туб фуқаролар қолиши керак.

Донишманд аждодларимиз Пистойяни тафриқа ва низолар ёрдамида, Пизани эса қалъалар ёрдамида ушлаб туриш керак, дейишган, ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун қўл остиларидаги баъзи шаҳарларда низо чиқишини ҳам рағбатлантииб туришган. Италия нисбатан мувозанат вазиятида турган пайтда бундай йўл тутиш мақсадга мувофиқ бўлган. Бироқ, бу йўл бугунги кунга тўғри келиши



қийин, чунки тафриқалар ҳеч қачон яхшилик билан тугамаган; бунинг устига, бундай низо устига душман келиб қолса, мағлубият муқаррар, чунки кучсиз томон дарҳол душман томонга ўтиб олади, заиф томон эса шаҳарни мудофаа қила олмайди.

Венецияликлар қўл остиларидаги шаҳарларда гвельф ва гибеллинлар ўртасидаги низоларни ана шу мен айтган сабаблар туфайли рағбатлантириб туришган бўлса керак. Улар ишни қон тўкишгача олиб бормаган ҳолда икки томонни бир-бирига гиж-гижлашарди, чунки тафриқа билан банд фуқаролар ҳукмдорга қарши бирлаша олмас эди. Бироқ бу уларга фойда келтирмади: Вайл яқинидаги мағлубиятдан сўнг шаҳарларнинг бир қисми, кейин эса ҳаммаси дадиллашиб, венециялардан ажралиб олишди. Ғалаба қозонишнинг бундай усуллари ҳукмдорнинг заифлигини кўрсатиб қўяди, чунки кучли ва қатъиятли ҳукмдор ҳеч қачон тафриқага йўл қўймайди; низолар тинчлик пайтида ҳукмдорга фойдали бўлиши мумкин, чунки фуқароларни қўлда тутиб туришга имкон беради, бироқ унинг зарари уруш пайтида намоён бўлади.

Ҳукмдорлар тўсиқларни енгиб ўтса, душманларни мағлуб қилса, уларнинг буюклиги ортиши шубҳасиз. Фалакнинг гардиши, айниқса, у ворис подшоҳдан кўра обрў-эътибор заруррок бўлган янги подшоҳнинг толеи баланд бўлса, унга душманларни ўзи юбориб, улар билан жанг қилишга мажбур қиладики, токи уларни мағлуб қилиб, улар қўйган пиллапоялардан имкон қадар юксакларга кўтарилсин. Бироқ кўпчиликнинг ўйлашича, қулай вазият келганда оқил ҳукмдорнинг ўзи атайлаб

ўзига душман ясаб, сўнг уларни мағлуб қилиб, ну- фузини янада орттириб олиши керак.

Ҳукмдорлар, айниқса янги тайинланган ҳукм- дорлар кўпинча вақт ўтган сари уларга энг содиқ ва фойдаси кўп тегадиган одамлар дастлаб ишонч уйғотмаган одамлар эканига англаб етишади. Сие- на ҳукмдори Пандольфо Петруччи ўз давлатини бошқалардан кўра илгари ўзи ишонмаган одам- ларга суяниб бошқарарди. Бироқ бу умумий қоида эмас, чунки ҳамма нарса вазиятга, шарт-шароитга қараб ўзгариб туради. Шуни айтишим мумкинки, дастлаб ҳукмдорга душман бўлганларга ишониш мумкин, аммо уларга ўз мавқеини сақлаб қолиш учун унинг ҳомийлиги керак бўлган тақдирдагина ишониш мумкин, холос. Шунда улар ўзлари ҳа- қидаги аввалги фикрнинг нотўғрилигини амалда исботлаш учун янада зўр бериб хизмат қилишади. Шу тариқа улар доим ҳукмдорнинг илтифотига ишониб, ўзининг манфаатлари йўлида ҳаддан таш- қари кўп қайғурадиганларга қараганда ҳукмдор учун фойдалироқ бўлишади.

Китобимизнинг мавзуси тақозо қилгани сабабли фуқароларнинг бир қисми ёрдамида тахтга ўтирган ҳукмдорларга шуни эслатиб қўймоқчи эдимки, сиз- га ёрдам берганларни бу ишга нима ундагани ҳақи- да бир ўйлаб кўриш керак. Агар улар ўзининг сизга мойиллиги эмас, балки аввал ҳукуматдан норозили- ги туфайли ёрдам берган бўлса, уларнинг дўстлиги- ни сақлаб қолиш жуда қийин бўлади, чунки бундай одамларнинг рози қилиб бўлмайди. Агар бунинг сабабини қадимги тарих ва бугунги кундан олинган мисоллар билан тушунмоқчи бўлсак, аввалги ҳуку-



матдан норози бўлгани учун уни ағдаришга ёр- дам берганлар билан дўст бўлиб қолишдан кўра ав- валги хукуматдан рози бўлган ва шунинг учун янги ҳукмдорни ёвқараш билан кутиб олганлар билан дўст- лашиш ҳар доим ҳам анча осон бўлишини кўрамиз.

Ҳукмдорлар худди юган ва тизгин билан бош- қарган каби, бадният одамларни измида ушлаб ту- риш, душман қўққисдан ҳужум қилганда ишончли ҳимоя бўлсин деб, салтанатини мустаҳкамлаш учун қадимдан қалъалар қуришган. Мен бу азалдан давом этиб келаётган одатни фақат мақтайман, холос. Би- роқ, мессер Николо Вителли шаҳарни қўлда сақлаб қолиш учун Читта ди Кастеллодаги иккита қалъани кўмиб юборишга буюргани ҳали эсимизда. Бир пайт- лар Чезаре Борджа қувиб юборгач, яна ўз мулкларига қайтган Гвидо Убальдо бу ўлкадаги барча қалъаларни пойдеворигача бузиб ташлади, чунки у шундай қил- сам, давлатни қўлда тутиб туришим осон бўлади деб ўйлаган эди. Бонтивольилар оиласи ҳам Болоньяга қайтгач, худди шундай қилган. Демак, қалъанинг фойда ёки зарар экани вазиятга боғлиқ экан, бир ҳолатда улар фойда келтирса, бошқа ҳолатда зарар келтиради. Батафсил тушунтирадиган бўлсам, ташқи душмандан кўра ўз халқидан кўпроқ қўрқадиган ҳукмдорлар учун қалъалар фойдали; халқидан кў- ра ташқи душмандан кўпроқ хавфсирайдиган ҳукм- дорларга эса қалъалар керак эмас. Масалан, герцог Франческо Сфорца қурган Миландаги қалъа Сфор- цалар оиласига давлатда юз берган барча тартиб- сизликлардан кўра каттароқ зарар етказди. Шунинг учун энг яхши қалъа – халқнинг меҳрини қозонишдир: агар халқ сизни ёмон кўрса, ҳар қанча қалъа қурманг,

улар сизни қутқара олмайди, чунки халқ қўлига қурол олса, унга ҳар доим ажнабийлар ёрдамга келади.

Бугунги кунда қалъадан ҳеч кимга фойда йўқ, фақатгина графиня Форлига турмуш ўртоғи граф Жироламонинг ўлимидан кейин қалъа асқатди, у Миландан ёрдам келгунча қўзғолон кўтарган халқдан бекиниб, ана шу қалъада жон сақлади ва тахтга қайтди; у пайтда вазият шундай эдики, халққа четдан ҳеч ким ёрдам бера олмади; бироқ кейинчалик, қалъасини Чезаре Борджа қамал қилганда, унга душман бўлган халқ чет элликларга қўшилиб олганда унга қалъа ҳам ёрдам бера олмади. Шунинг учун, бу хоним ўшанда ҳам, аввал ҳам қалъа қуриши эмас, балки халқнинг нафратини қўзғамаслиги керак эди.

Хуллас, юқорида айтиб ўтилган барча фикрларни кўриб чиқсак, қалъа қурганларни ҳам, қурмаганларни ҳам маъқуллайман, бироқ қалъанинг ташвишини қилиб, халқнинг ғазабига учраганининг ташвишини қилмайдиганларни қоралайман.

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

## ҲУКМДОРНИ ҲУРМАТ ҚИЛИШЛАРИ УЧУН У НИМА ҚИЛИШИ КЕРАК

Ҳеч нарса ҳукмдорга ҳарбий ҳаракатлар ва ғайриоддий ишларчалик обрў, шуҳрат келтирмайди. Ҳозирги ҳукмдорлардан Испания қироли, арагонлик Фердинандни мисол келтираман. Уни янги



ҳукмдор деб аташ мумкин, чунки у дастлаб заиф бўлса ҳам, кейинчалик шон-шуҳрати бўйича насроний оламининг энг улуғ қироли бўлди; унинг барча қилган ишларидан улуғлик уфуриб турар, баъзи ҳаракатларига эса ақл бовар қилмайди. У тахтга ўтиргач, сал ўтмай бўлиб ўтган Гренада уруши унинг қудратининг асоси бўлди. Аввало, у урушни мамлакат ичи тинч бўлган пайтда, биров халал беришидан қўрқмай бошлади ва Кастилья баронларини унга шундай жалб қилдики, улар уруш билан овора бўлиб, фитналарни унутиб юборишди; у эса қолганларга сездирмай бутун ҳокимиятни қўлига жамлаб, ўз измига бўйсундирди. У қўшинни таъминлаш учун маблағни Черковдан ва халқдан олди ва уруш мобайнида кейинчалик унга шуҳрат келтирган армияни тузди. Шундан сўнг, янада каттароқ юришларни режалаштириб, яна диннинг ҳимоячиси сифатида иш тутиб, олижаноб шафқатсизлик қилган: марранларни қувиб чиқариб, қироллликни улардан тозалади – бундан шафқатсиз ва айни пайтда ғаройиб ишни тасаввур қилиш қийин. У худди шу сабабни рўкач қилиб, Африкадаги ерларни босиб олди, Италияга юриш қилди ва ниҳоят, Францияга қарши уруш очди. Шу тариқа у буюк режалар тузар, сўнг воқеаларни диққат билан кузатиб бораётган фуқароларини ҳангу манг қилган ҳолда уларни амалга оширарди. Бу ҳарбий ҳаракатлар шу даражада табиий равишда бирбирини келтириб чиқарардики, ҳукмдорнинг ўзига қарши бирон фитна уюштиришга вақт қолмас эди.

Шунингдек, давлат ичидаги ғаройиб фармонлар ҳам, масалан, мессер Бернабо да Миланога нисбат

берилганга ўхшаш фармонлар ҳам ҳукмдорни машҳур қилади. Бошқача қилиб айтганда, кимдир шахсий ҳаётида яхшими-ёмон бирон иш қилса, уни шундай мукофотлаш ёки жазолаш керакки, бу нарса одамларнинг хотирасида имкон қадар узоқроқ қолсин. Бироқ ҳукмдор учун энг муҳими – ўзининг барча хатти-ҳаракатлари билан ўзи ҳақида тенг йўл ҳикмат эгаси бўлмиш буюк инсон сиймосини яратишдир.

Шунингдек, ҳеч иккиланмай кимгадир ўзини дўст ёки душман деб эълон қилган ҳукмдор ҳам ҳурмат қозонади, чунки бир четда тургандан кўра мана шундай ошкора иш тутиш доим афзалдир. Чунки икки кучли ҳукмдор жанг майдонида жанг қилса, ғолиб келгани сиз учун ё хавфли бўлиши, ё фойдали бўлиши мумкин. Ҳар иккала ҳолда ҳам ошкора, дадил жангга киришиш фойдалидир. Чунки биринчи ҳолатда урушга кирмасанг, ғолиб келганнинг ўлжасига айланиб, мағлубни хурсанд қиласан, аммо ўзинг ҳеч кимдан ёрдам ола олмайсан: ғолиб томон ўзини мусибат пайтида ташлаб кетган иттифоқчидан юз ўгиради, мағлуб бўлган томон қўлида қурол билан унинг қисматига шерик бўлмаганни қаторига қўшишни истамайди. Этолияликлар римликларни қувиб юбориш учун Грецияга чақириб олган Антиох ахеяликларга – римликларнинг иттифоқчиларига нотиқларни юбориб, ахеяликларни бетараф туришга чақиради. Римликлар эса, аксинча, ахеяликларни уруш очишга чақиришарди. Ахеяликлар ишни ҳал қилиш учун машварат тўплашганда Антиохнинг легати уларни қурол кўтармасликка чақирди. Римлик легат шундай



деган эди: «Quod autem isti dicunt non interponendi vos bello, nihil magis alienum rebus vestris est; sine gratia, sine dignitate, praemium victoris eritis»[4].

Душман доим четда туришга чақиради, дўст эса унинг сафида қўлда қурол билан ошкора жангга киришга чақиради. Одатда қатъиятсиз ҳукмдорлар аралашмай, хавф-хатардан қўрқиб, бир четда туришни танлашади, бироқ бу нарса одатда уларнинг таназзулига олиб келади.

Бироқ, агар сен қўрқмай икки томондан бирининг тарафини олсанг ва иттифоқчинг ғалаба қозонса, у ҳар қанча қудратли бўлмасин, сен унга ҳар қанча боғлиқ бўлмагин, энди у сендан қарздор бўлиб қолади – одамлар ўзининг иттифоқчисига зарба берадиган даражада, бу қадар нонкўрлик қиладиган даражада пасткаш эмас. Бундан ташқари, ғалаба ҳеч қачон ғолиб ҳеч ким билан ҳисоблашмай қўядиган, айниқса адолатни оёқости қила оладиган даражада тўлиқ бўлмайди. Агар сен тарафини олган томон жангда ютқазса, у сени ўз ёнига олади ва токи имкони бор экан, сенга ёрдам беради, натижада сен унинг дардкоши бўлиб қоласан, аммо эҳтимол, бир куни унинг ҳам омади келиб қолар?

Иккинчи ҳолатда, жанг қилаётганлардан бирортасидан ҳам қўрқмаса бўладиган ҳолат бўлса, у ёки бу томонга қўшилиб олиш янада оқилона йўлдир. Чунки сен бирининг ёрдами билан иккинчисини тор-мор келтирасан, ваҳоланки, у ақлироқ

[4] Сизлар учун давлатингиз учун энг афзал ва энг манфаатли қарор деб таклиф қилинаётган нарсадан, яъни урушга кирмасликдан ёмон нарса йўқ, чунки бу қарорни қабул қилсангиз, ҳеч қандай мукофотсиз, обрўсиз ғолибнинг ўлжасига айланасиз.

бўлса, рақибини енгиши эмас, балки қутқариши керак эди, ғалабадан кейин эса сен иттифоқчингни ўзингга бўйсундирасан, у эса сенинг ёрдаминг билан ғалаба қозониши муқаррар.

Шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш ўринлики, агар зарурат сени мажбур қилмаётган бўлса, ўзингдан кучлилар билан иттифоқ тузишдан эҳтиёт бўлиш керак. Чунки кучли иттифоқчи ғалаба қозонса, сен унинг измида бўлиб қоласан, ҳукмдорлар эса бошқа ҳукмдорларга қарам бўлиб қолишдан ҳазир бўлишлари керак. Масалан, венецияликлар Милан герцогига қарши Франция билан иттифоқ тузишди, оқибатда эса таназзулга юз тутишди, ваҳоланки, бунинг олдини олиш мумкин эди. Бироқ папа билан Испания Ломбардия томон қўшин тортган пайтдаги флоренцияликлар каби иттифоқдан воз кечишнинг имкони бўлмаса, юқорида айтганимдек, ҳукмдор уруш очиши керак. Аммо хатосиз қарор қилиш мумкинлигига умид қилмаслик керак, аксинча, ҳар қандай қарор ҳам хато бўлиши мумкинлигига аввалдан ўзини тайёрлаш лозим, чунки ҳаётнинг ўзи шундай, бир зарардан қочиб, бошқасига тутилиб қолиш мумкин. Аммо чинакам оқиллик юз бериши мумкин бўлган барча зарарларни чамалаб кўриб, энг кам зарарни ҳам фойда деб билишдир.

Шунингдек, ҳукмдор ноёб иқтидор эгаларига, хислатли одамларга ҳомийлик қилиши, бирон ҳунар ёки санъатда юксак даражага кўтарилган одамларни ҳурмат-эътибор кўрсатиши керак. У фуқароларни хотиржам савдо-сотиқ қилишга, деҳқончилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланишга ундаши керак, токи улар уй-жойларини бировлар тортиб олишидан қўрқмай, уларни обод қилишсин, бошқалари эса биров уларга солиқ солиб, хонавайрон қилишидан қўрқмай, савдо-сотиқни йўлга қўйишсин; шунингдек, ҳукмдор шаҳар ёки давлатни обод қилиш, безатиш ҳақида қайғурганлар учун мукофотлар ҳам тайёрлаб қўйиши лозим. У йилнинг қулай фаслларида байрамлар, томошалар билан халқнинг кўнглини ҳам олиши керак. Ҳар бир шаҳар турли туман ва минтақаларга бўлингани учун, ҳукмдор баъзан уларнинг мажлисларида иштирок этиши, уларга хайру саховат кўрсатиши, бироқ ўзининг обрўси ва нуфузини йўқотмаслиги, бу фазилатлар унинг ҳар бир ишида мужассам бўлиши керак.



### ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ

## ҲУКМДОРЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳукмдор учун маслаҳатчилар танлаш ҳам жуда муҳим ишдир, чунки уларнинг яхши ё ёмон бўлиши ҳукмдорнинг донолигига боғлиқдир. Ҳукмдорнинг донолигини унинг ўз атрофига қандай одамларни тўплаб олганига қараб баҳолашади; агар бу одамлар содиқ ва қобилиятли бўлса, унинг донолигига тан бериш лозим, чунки у ўша одамларнинг садоқати ва иқтидорини сеза олган. Агар бунинг акси бўлса, ҳукмдор ҳақида ҳам шунга

яраша хулоса чиқариш мумкин, чунки у атрофига ёмон ёрдамчиларни танлагандаёқ биринчи хатога йўл қўйган бўлади. Сиена ҳукмдори Пандольфо Петруччонинг ёрдамчиси Мессер Антонио да Венафрони таниганлар ўзига шундай ёрдамчини танлаб олган Пандольфонинг ўзига ҳам қойил қолишарди.

Чунки доно одамлар уч хил бўлади: кимдир ҳамма нарсага ўзи эришади; бошқаси биринчиси эришган нарсани тушуна олади; учинчиси эса ўзи ҳам ҳеч нарсага эришмайди, бошқалар эришган нарсани ҳам тушуна олмайди. Биринчилар буюк инсонлар, иккинчилар – етук инсонлар, учинчилар эса ярамас одамлардир. Демак, Пандольфо жуда биринчи тоифага мансуб бўлмаса ҳам, ҳар қалай иккинчилардан бири бўлган. Чунки инсон одамларнинг амали ва нутқидан уларда яхшилик ёки ёмонлик борлигини аниқлай олса, ўзи унчалик заковатли бўлмаса ҳам, ёрдамчиларининг маслаҳатлари орасидан яхши-ёмонини ажрата олади, яхшиси учун мукофотлайди, ёмони учун эса жазолайди; бундай ҳукмдорни ёрдамчилар ҳам алдашга уринмайди ва унга виждонан хизмат қилади.

Ёрдамчининг қандай одамлигини билишнинг яна бир бехато усули бор. Агар у ҳукмдордан кўра ўзи ҳақида кўпроқ қайғурса, ҳар бир ишда ўз фойдасини кўзласа, у ҳеч қачон ҳукмдорга яхши хизматчи бўла олмайди, ҳукмдор ҳам унга ҳеч қачон ишона олмайди. Чунки давлат ишлари қўлида бўлган вазир ўзи эмас, ҳукмдор ҳақида ўйлаши ва унинг ҳузурига ҳукмдорга алоқаси бўлмаган иш билан кирмаслиги керак. Айни пайтда, ҳукмдор



ҳам ўз навбатида вазирининг садоқатини қўллаб-қувватлаши, уни хизматига яраша мукофотлаши, уни бой қилиши, ўзига миннатдорлик ришталари билан боғлаши, масъулият ва шарафни у билан баҳам кўриши лозим, токи ўзининг ҳукмдорга ниҳоятда кераклигини ҳис қилсин, мол-дунё ва мартабаларга эга бўлиб, янги бойлик ва иззат-ҳурматни истаб қолмасин, турли лавозимларни эгаллаб, давлат тўнтаришидан қўрқсин. Ҳукмдор ва унинг вазири бир-бири билан ана шундай ўзаро муносабатда бўлишса, улар бир-бирига ишонади, акс ҳолда эса бунинг оқибати ё униси, ё буниси учун жуда ёмон бўлади.

### *ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ*

## ХУШОМАДГЎЙЛАРДАН ҚАНДАЙ ҚУТУЛИШ МУМКИН

Энди мен яна бир муҳим нуқтани – агар ҳукмдорлар оқил бўлмаса, одамларни яхши билмаса, халос бўлиш жуда қийин бўлган бир заиф нуқтани айтиб ўтмоқчиман. Мен хушомад ва хушомадгўйларни назарда тутяпман, бундайларни ҳукмдорларнинг саройларида жуда кўплаб учратиш мумкин, чунки одамлар иззатталаб бўладилар ва ўзларига шу қадар бино қўядиларки, бу офатдан қутулишлари жуда қийин бўлади. Бироқ, энг ёмони шуки, ҳукмдор ўзини хушомаддан халос қилмоқчи бўлса, одамларнинг нафратига ҳам учраб

қолиши мумкин. Хушомаддан халос бўлишнинг ягона йўли шуки, одамларга «Агар мен ҳақимда бор ҳақиқатни юзимга айтсангиз, сизлардан хафа бўлмайман» дейишдир, бироқ истаган одам бор ҳақиқатни юзингга айта олса, энди улар сендан аввалгидек ҳайиқмай қўйишади.

Шунинг учун доно ҳукмдор учинчи йўлни танлаши лозим: бир неча доно одамларни ажратиб олиб, у ҳақда нима деб ўйлаётганини очиқ айтишга имкон бериш керак, бироқ улар фақат у сўраган нарсанигина айтиши керак; аммо ҳамма нарса ҳақида сўраш ва уларнинг жавобларини эшитиш керак, аммо қарорларни фақат ўзи ва ўз фикридан келиб чиқиб қабул қилиши керак. Машваратларда ҳар бир маслаҳатчи билан шундай муомала қилиш керакки, улар қанчалик очиқ сўзлашса, шунчалик ҳукмдорга ёқишини билсин; бироқ улардан бошқа ҳеч кимга қулоқ солмаслик, кўзланган мақсадга дадил интилиш ва қабул қилинган қарорга қатъий амал қилиш лозим. Ким бундан бошқача йўл тутса, у ё хушомадга чалғиб кетади, ёки турли маслаҳатларга қулоқ солиб, фикрини ҳадеб ўзгартираверади ва натижада қўл остидагилар олдида ҳурматини йўқотади.

Бугунги кундан яна бир мисол келтираман. Император Максимилианнинг ишонган одам бўлмиш авлиё Лука унинг буюклиги ҳақида сўзлар экан, у ҳеч кимдан маслаҳат сўрамайди, аммо ўзича ҳам иш тутмайди, деган эди, чунки унинг хатти-ҳаракатлари юқорида баён қилинганларга мутлақо зид эди. Зеро, император ичимдагини топ одам эди, мақсадини ҳеч кимга ишонмас, улар ҳақида



маслаҳат ҳам сўрамас эди. Бироқ бу режалар амалга ошиб борган сари маълум бўлиб боргач, атрофдагилар бунга эътироз билдирдилар, ҳукмдор эса ожиз одам бўлгани учун бу режаларидан воз кечар эди. Шунинг учун бугун бошланган иш эртасига бекор қилинар, императорнинг нимани исташи ва нима қилмоқчи эканини ҳеч қачон тушуниб бўлмас, унинг қарорига эса ишониб бўлмас эди

Шундай қилиб, ҳукмдор ҳар доим бошқаларга маслаҳат солиши керак, бироқ буни бошқалар истаганда эмас, ўзи хоҳлаганда; шунингдек, берухсат маслаҳат бермоқчи бўлган ҳар қандай одамнинг жиловини тортиб қўйиши керак. Бироқ, унинг ўзи ҳаммадан ҳар бир нарса ҳақида сўраши, сўралган одамнинг ҳаққоний жавобларини сабр-тоқат билан тинглаши, боз устига, кимдир негадир унга бор гапни айтишдан қўрқаётган бўлса, дарҳол бундан сергак тортиши керак. Кўпчилик одамлар доно ҳукмдор деб донг таратган баъзилар аслида ўзининг иши эмас, атрофидагиларнинг яхши маслаҳатлари туфайли шуҳрат қозонган, деб ўйлашади, аммо бу хато фикр. Чунки истисносиз қоида шуки, ўзи донишманд бўлмаган ҳукмдорга яхши маслаҳат бериш бефойда, мабодо бундай ҳукмдор тасодифан оқил вазирга ишониб қолиб, ўша вазир ҳамма қарорларни унинг ўрнига ўзи қабул қилган ҳоллар мустасно. Шундай вазият юзага келиши ҳам мумкиндир, лекин бу ҳам узоққа чўзилмайди, чунки бундай доно маслаҳатчи тез орада ўзи ҳукмдор бўлиб олади. Ҳукмдорнинг атрофида бир эмас, бир нечта маслаҳатчи бўлса, бундай ҳукмдор оқил бўлмагани учун қарама-қарши фикрларни

муросага келтира олмаслиги мумкин; бунинг устига, ҳар бир маслаҳатчи фақат ўз фойдасини кўзласаю, ҳукмдор буни сезмай қолиб, чора кўра олмаслиги мумкин. Бундан бошқа турдаги маслаҳатчилар бўлмайди, чунки зарурат яхшилик қилишга мажбур қилмаса, одамзот мудом ёмонликка мойил бўлади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳукмдорларнинг донолиги яхши маслаҳатлардан келиб чиқмайди, балки яхши маслаҳат, уни ким беришидан қатъи назар, ҳукмдорларнинг донолигидан келиб чиқади.

*ЙИГИРМА ТЎРТИНЧИ БОБ*

## НИМА УЧУН ИТАЛИЯ ҲУКМДОРЛАРИ ДАВЛАТИДАН МАҲРУМ БЎЛИШДИ

Агар янги ҳукмдор юқорида айтиб ўтилган қоидаларга оқилона риоя қилса, тез орада салтанатда мустаҳкам қарор топиб, тахтни мерос олгандан кўра ўзини анча ишончли ва мустаҳкамроқ сезади. Чунки янги ҳукмдор ворис ҳукмдорга қараганда кўпроқ қизиқиш уйғотади, агар унинг хатти-ҳаракатлари дадил бўлса, бу нарса одамларни унинг насабидан кўра кўпроқ жалб қилади. Чунки одамлар кечадан кўра бугуннинг ташвиши билан кўпроқ банд бўлади, агар бугун бир неъматга эга бўлиб турган бўлса, шу билан кифояланиб, бошқасини излашмайди; бунинг устига, агар янги ҳукумат рисоладагидек иш тутса, унинг учун жонларини тикиб юборишади.



Кимки давлатни барпо қилиб, уни яхши қонунлар, яхши иттифоқчилар, яхши қўшин ва намунали ибратлар билан мустаҳкамласа, иккиёқлама шоншуҳрат қозонади; кимки ҳукмдор бўлиб туғилган бўлса-ю, ношудлиги оқибатида тахтдан қуруқ қолса, иккиёқлама шарманда бўлади.

Неаполь қироли, Милан герцоги каби Италиянинг тахтдан маҳрум бўлган ҳукмдорларига мурожаат қилсак, уларнинг энг заиф нуқтаси қўшин бўлганини кўрамизким, бунинг сабаблари юқорида батафсил баён қилиб ўтилди. Бундан ташқари, уларнинг баъзилари ё халққа душман бўлган, ё халқни ўзига оғдириб олиб, зодагонлар томонидан бўладиган ҳужумдан ўзини ҳимоялай олмаган. Чунки бундай нуқсонлар йўқ жойларда ҳукмдор қўшин тортиш учун етарли кучга эга бўлса, ҳокимиятни қўлдан бой бериши мумкин эмас. Македониялик Филипп, яъни Буюк Александрнинг отаси эмас, балки Тит Квинций тор-мор қилган Филипп Рим ва Грецияга – унга ҳужум қилган буюк ҳукмдорларга қараганда анча кичик давлатнинг эгаси эди. Бироқ у ҳақиқий жангчи бўлгани, халқнинг меҳрини қозонгани ва зодагонлардан ўзини ҳимоялай олгани учун римликлар ва юнонларга қарши кўп йиллик урушга бардош берди, уруш охирида бир неча шаҳарларни қўлдан бой берганига қарамай, салтанатини сақлаб қолди.

Шундай экан, узоқ йил ҳукмронлик қилиб, салтанатидан айрилган ҳукмдорларимиз тақдирдан эмас, ўзларининг ношудлигидан нолисинлар. Улар тинчлик пайтида юз бериши мумкин бўлган фалокатларнинг олдини олишмаган – умуман,

одамзот шундай, тинчлик пайтида бўрон ҳақида ўйламайди, – аммо оғир дамда улар мудофаа қилиш ўрнига қочишни афзал кўришди, улар босқинчиларнинг зулмидан ғазабга тўлган фуқаро мени ўзи чақириб олади деб хомтама бўлишди. Тўғри, шундан бошқа илож қолмаса, начора, аммо қолган имконлардан воз кечиб, қочишни танлаган ёмон, бу худди кўтариб олишар деган умидда йиқилган билан тенгдир. Мабодо сени фалокатдан қутқариб олишса ҳам, бунинг тагида бирор хатар бор, чунки энди сен хор ва қарам ҳолатда бўласан. Фақат ўзингга, ўз кучингга ишонган, ўз қобилият ва иқтидорингга суянган ҳолдаги ҳимоя усулларига афзал, асосли ва ишончлидир.

### *ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ*

## ТАҚДИР ОДАМЛАРНИНГ ИШЛАРИГА ҚАНЧАЛИК ҲУКМРОН ВА УНГА ҚАНДАЙ ҚАРШИ ТУРИШ МУМКИН

Бутун дунёни тақдир ва Худо бошқаради, одамлар эса ноқис ақли билан ҳеч нарсани белгиламайди, ҳеч нарсага қарши тура олмайди деб аввал ҳам, ҳозир ҳам қанчалик кўп таъкидланишини биламан; бундан келиб чиқадики, ҳеч нарсанинг ташвишини қилмаслик керак экан, яхшиси пешонага ёзилганига кўниб кўя қолиш керак экан. Айниқса, сўнгги йилларда шу қадар кескин ўзгаришлар юз



бераптики, инсоннинг ҳар қандай мўлжал ёки тахмини уларнинг олдида ожиз қоляпти, шунинг учун кўпчилик бу нарсага яна бир марта ишонч ҳосил қилди. Баъзан ўзим ҳам юз бераётган воқеалар ҳақида ўйлар эканман, кўпчиликнинг фикрига мойил бўлиб қоламан.

Бироқ ирода эркинлигини йўқотмаслик учун, эҳтимол, тақдир ишларимизнинг фақат ярмини ҳал қилса керак, қолган ярми ёки шунга яқин қисмини одамларнинг ўз инон-ихтиёрига, иродасига ташлаб қўйса керак, деб тахмин қиламан. Мен тақдирни тўлиб-тошиб, қирғоқларни бузиб, дарахтларни қўпораётган, уйларни ағдараётган, ерни ювиб кетаётган асов дарёга ўхшатган бўлардим: ҳамма ундан қочади, ҳамма унинг шиддати олдида бош эгади, уни тўхтатиб қолишга ожизлик қилади. Бироқ шундай бўлса ҳам, одамлар сув тошмаган пайтда эҳтиёт чораларини кўриб қўйишига нима монелик қилади? Тўғонлар, тўсиқлар қилиб қўйилса, чуқур, кенг ариқлар қазиб қўйилса, асов дарё ё ўша ариқларга қараб оққан, ё ўзининг тезоб, хатарли тошқинини тўхтатган бўлмасмиди?

Тақдир ҳам худди шундай: инсон унга ақли, иқтидори билан тўсқинлик қилмаса, ўзига қарши қурилган тўғонларга учрамаса, бор кучини кўрсатиб, бутун кучини шу томонга йўналтиради. Ўзи келтириб чиқарган бўрондек шиддатли воқеа-ҳодисалар тошқинига учраган Италияни олиб қарасак, уни бирон жойда на тўғон, на тўсиқ қўйилмаган текисликка ўхшатиш мумкин. Агар у Германия, Испания ва Франция каби ҳарбий ва сиёсий маҳорат тўғонлари билан ҳимояланган бўлганида, бу тошқин

келиб чиқмас ёки ҳеч бўлмаганда уни бунчалик вайрон қилиб ташламаган бўлар эди. Ўйлайманки, тақдирга қарши чиқиш ҳақида шу айтилганлар кифоя қилса керак.

Ҳукмдорларга келсак, кўрамизки, уларнинг баъзилар кечагина роҳат-фароғатга кўмилиб юрган бўлса, бугун ҳокимиятдан жудо бўлишяпти, ваҳоланки, уларнинг на умумий феъл-атвори, на бирор жиҳати ўзгармаган эди. Менимча, бунинг сабаби юқорида айтиб ўтилган омилларга боғлиқ, яъни агар ҳукмдор батамом тақдирга суяниб қолса, унинг зарбаларига дош бера олмайди. Шунингдек, ўйлайманки, саъй-ҳаракатлари даврнинг хусусиятларига муносиб ҳукмдорлар тинчомон бўлиб, қилган иши замон талабига жавоб бермайдиганлар эса тинчини йўқотади.

Зеро, одамлар ўз олдига қўйган мақсадига – бойлик ва шон-шуҳратга эришиш учун турлича иш тутишини кўряпмиз: кимдир эҳтиёткорлик билан, кимдир зўравонлик билан; кимдир куч билан, кимдир маҳорат билан; кимдир сабр билан, кимдир шошқалоқлик билан ҳаракат қилади. Уларнинг ҳар бири ўз услуби билан мақсадига эришиши мумкин. Баъзан кўрамизки, икки киши бир хил усул билан, масалан, эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилади, аммо уларнинг фақат биттаси мақсадига эришади ёки аксинча, уларнинг ҳар бири ўзича ҳаракат қилади – бири эҳтиёткор, бири зўравон, аммо иккови ҳам мақсадига эришади. Бунинг сабаби шуки, бу усуллардан бири замонга мос бўлади, бири эса мос келмайди. Шунинг учун ҳам баъзан икки хил йўл тутган икки киши бир хил муваффақиятга эришади,



баъзан эса икки одам бир хил йўл тутади, аммо фақат биттаси ниятига эришади.

Омад ҳам худди шундай: эҳтиёткорлик билан, сабр билан ҳаракат қилаётган одамга замон ва вазият мос келса, у гуллаб-яшнайди; бироқ замон ва вазият ўзгариши билан, унинг иши орқага кетади, чунки у ҳаракат усулини ўзгартирмаган бўлади. Одамлар ҳарчанд оқилу доно бўлмасин, бунга тўлиқ мослашиб олишнинг имкони йўқ. Биринчидан, инсоннинг табиий мойилликлари устун келади, иккинчидан, инсон шу пайтгача доим муваффақиятли давом этиб келаётган йўлидан бошқа томонга бурилишга ўзини мажбурлай олмайди. Шунинг учун ҳам зўравонлик қилиш пайти келганида эҳтиёткор ҳукмдор бунинг уддасидан чиқа олмай, ҳалокатга учрайди. Агар унинг феъли замонга ва шароитга қараб ўзгарса эди, унинг роҳат-фароғати доимий бўлур эди.

Папа Юлий доим дангал, дадил олға босар, замон ва вазият эса шунга мос эди, шунинг учун у ҳар сафар муваффақият қозонар эди. Унинг биринчи юриши – Болоньяни ишғол қилганини эсланг, у пайтда мессер Жованни ҳали ҳаёт эди. Венецияликлар ҳам, Испания қироли ҳам бунга қарши эди, Франция билан бу ҳақда ҳали музокаралар олиб борилаётган эди, бироқ папа ўзининг ўжар, қайсар феъли билан жангга отланди. Унга ҳеч ким қаршилик қила олмади: венецияликлар – қўрққанидан, Испания эса Неаполь қироллигини ўз ҳукми остига қўшиб олиш ниятида қаршилик қилмади; папанинг яқинлашиб қолганини кўрган Франция қироли ҳам венецияликларга қарши у билан иттифоқ тузиш

ниятида ён босди, чунки қўшиндан ёрдам бермаслик уни ошкора ҳақорат қилиш бўлади деб ўйлади.

Папа Юлий ана шундай шиддати ва кутилмаган ҳужумлари билан шундай натижаларга эришдики, Черковнинг бошқа бирорта раҳбари ҳар қанча оқилу доно бўлса ҳам бунга эриша олмасди; чунки у Римда қолиб, ҳамма иш жой-жойига тушишини кутиб ўтирганида (унинг ўрнида ҳар қандай одам ҳам шундай қилган бўларди), Франция қироли мингта баҳонани топган, қолган барчалар эса жангга қарши мингта сабабни рўкач қилган бўлишарди. Мен унинг бошқа юришлари ҳақида тўхталиб ўтирмайман, уларнинг ҳаммаси ҳам шундай бўлган ва у барчасининг уддасидан чиққан эди; У жуда қисқа муддат ҳукм сурди, шунинг учун муваффақиятсизликка учрамади, бироқ агар у узоқроқ яшаганда ва эҳтиёткорлик талаб қилинадиган замонлар келганида унинг бундай омадли юришларига чек қўйилган бўлар эди, чунки у ўзининг дангалчи табиатидан келиб чиқадиган бу йўлида ҳеч қачон четга бурилмас эди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсам, омад ҳар доим ҳам кулиб боқавермайди, инсон эса ўз феъл-атворида муқим бўлади, шунинг учун модомики бу иккиси бир-бирига мувофиқ бўлса, инсоннинг иши ўнгидан келаверади, аммо улар келишмай қолса, омад ундан юз ўгиради. Нима бўлганда ҳам, эҳтиёткорликдан кўра таваккалчилик афзалроқ, чунки омад худди аёл кишига ўхшайди, у билан муроса қиламан деган одам уни уриб-тепа олиши керак, аёл киши ишга совуққина киришганлардан кўра мана шундайларга



тезроқ бўйин эгади. Шунинг учун одам худди аёл киши каби ёшларни ёқтиради, чунки улар ҳадеб ўнгу сўлига қарайвермайди, унча-мунча нарсадан қўрқмай, уни дадиллик билан бўйсундиради.

### ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

## ИТАЛИЯНИ ЭГАЛЛАБ, УНИ ВАРВАРЛАРНИНГ ҚЎЛИДАН ОЗОД ҚИЛИШГА ДАЪВАТ

Айтиб ўтилган барча гаплар ҳақида ўйлаб, Италия учун янги ҳукмдорни олқишлаш пайти келмадимикан, унда етарли имконият бормики, бир оқил ва иқтидорли одам ҳам ўзининг шон-шуҳрати, ҳам Ватан истиқболи учун унга шаклу шамойил берса деб ўзим ёлғиз фикр юритгач, шундай хулосага келдимки, янги ҳукмдор пайдо бўлиши учун шунчалик кўп омиллар мувофиқ келиб турибдики, бунинг учун ҳозирги кунимиздан бошқа бирорта бунчалик қулай вазият бўлмаса керак. Бир пайтлар Мусо ўзининг шон-шавкатини намоён қилиши учун Бани Исроил халқи қибтийлар қўлида қулликда бўлиши керак бўлганидек, Кир ўзининг буюк иқтидорини намоён қилиши учун форслар мидияликлар истибдодида яшаши керак бўлганидек, Тезей қаҳрамонлик кўрсатиши учун афиналиклар тарқоқ бўлиб юриши керак бўлганидек, бугун ҳам, италияликларнинг шон-шавкати намоён

бўлиши учун Италия бугунги шармандали аҳволга – яҳудийлардан ҳам оғир қулликка, форслардан ҳам оғир хорликка, афиналиклардан ҳам баттар тарқоқликка тушиши керак бўлди: бугун Италияда на бошлиқ, на тартиб бор; у тор-мор қилинган, таланган, хонавайрон қилинган, ер билан яксон қилиб, топталган, кули кўкка совурилган.

Шундай *лаҳзалар* бўлдики, Худо Италиянинг халоскори бўлишни тақдирига ёзган ўша инсон кўз ўнгимизда тургандек бўлди, бироқ мақсадга етай деганда чархнинг кажрафтори унга етиб олди. Италия сўнгги кучларини йўқотар экан, унинг дардига малҳам бўладиган, Ломбардияни талонтарождан, Неаполь қироллиги солиқлардан халос қиладиган, Тоскананинг йиринглаб ётган яраларини тузатадиган халоскорни кутмоқда. О, уни варварларнинг зулм ва зўравонидан қутқарувчи халоскор юборишини сўраб Худога шундай зорланмоқдаки! Оҳ, қанийди бир байроқдор топилса, Италия бу байроқ остида бирлашиш учун жонжаҳди билан отилиб чиқишга тайёр эди!

Бу кун Италия ўзининг иқтидори ва тақдирнинг инояти туфайли, Худонинг ва раҳбари Сизнинг оилага мансуб бўлган Черковнинг ҳомийлиги туфайли Италияни озод қилишни ўз зиммасига олиши мумкин бўлган сизнинг муҳтарам оилангизга энг катта умид боғламоқда. Агар Сиз юқорида номи зикр қилинган зотларнинг ҳаёти ва тутган йўлини намуна қилиб олсангиз, бу масъулият у қадар мушкул бўлмайди. Бундай зотлар ҳар қанча ноёб бўлмасин, ҳайратга сазовор бўлмасин, улар ҳам оддий инсонлар бўлган ва уларнинг ҳар бирига қулай вазият тўғри



келиб қолганки, у вазият бугун сизга тўғри келиб турган вазиятчалик бўлмаган. Зеро, уларнинг қилган иши сизнинг олдингизда турган вазифачалик тўғрироқ, осонроқ ёки Худога маъқул келадиганроқ эмас эди. Бу иш чинакам ҳақ ишдир – «Iustum enim est bellum quibus necessarium, et pia arma ibi nulla nisi in armis spes est»[5]. Бугунги шароитлар чинакам қулай шароитдир, шароит қулай бўлганда эса, айниқса мен юқорида зикр қилган зотлардан ибрат олинса, барча қийинчиликлар четга чиқади. Бизга мисли кўрилмаган, тенги йўқ илоҳий ишоратлар берилди: денгиз иккига ажралди, тошдан сув чиқди, осмондан чалпак ёғди: ҳамма нарса тўғри келиб турибди, ҳамма нарса сизнинг оилангизга буюклик башорат бериб турибди. Қолган ишни қилиш сизга қараб турибди, холос. Худо ҳамма ишни Ўзи қилмай, балки сизни ирода эркинлигидан, бизни эса шуҳратнинг бир қисмидан маҳрум қилмаслик учун имконият бериб турибди.

Мен юқорида айтиб ўтган италияликлардан бирортаси мақсадга эриша олмаган (унга сизнинг муборак оилангиз эришади деган умиддамиз), Италия кўплаб давлат тўнтаришлари ва қирғинбаротларни бошидан кечиргани учун унинг ҳарбий маҳорати бироз сўниб қолгандек. Бу табиий ҳол. Бунинг сабаби шуки, биздаги эски тартиб-қоидалар яхши эмас, яхшиларини эса ҳеч ким жорий қила олмади. Ваҳоланки ҳукмдорни янги қонунлар, янги тартибқоидаларни жорий қилишчалик ҳеч нарса машҳур қилмайди. Бу қонун-қоидалар тасдиқланиб, жорий

---

[5] Зарурат пайдо қилган урушгина адолатлидир, ягона умид боғланган қуролгина муқаддасдир.

қилинса, ҳукмдор шон-шуҳрат қозонади; Италияда эса бу борада қилинадиган ишлар жуда кўп. Италия фарзандларининг жанговар руҳи баланд, бироқ афсуски, бу руҳ унинг ҳукмдорларида жуда пастдир. Тўқнашувлар, кичик жангларга бир қаранг: италияликлар ўзининг чаққон, эпчил чапдастлиги ва кучи билан ажралиб турибди. Бироқ урушда улар худди бу сифатларни йўқотиб қўяётгандек. Бунга сабаб саркардаларнинг заифлигидир: моҳир саркардага қулоқ солишмайди, ҳар ким ўзини моҳир санаса-да, ҳалигача барчани бош эгишга мажбур қиладиган даражада шон-шавкат намоён қилган одам чиқмади. Шунинг учун ўтган йигирма йил давомида бўлиб ўтган барча урушларда фақат италияликлардан таркиб топган қўшинлар ҳар доим мағлубиятга учради. Бунга аввало Таро, сўнг Алессандрия, Капуя, Генуя, Вайла, Болонья ва Местри гувоҳдир.

Агар сизнинг муборак оилангиз тарихда Ватан халоскорлари бўлган буюк зотларга эргашса, биринчи навбатда ўз қўшинини тузиш керак, бусиз ҳар қандай ҳарбий ҳаракатнинг асоси бўлмайди, чунки унинг на садоқатли, на довюрак аскарлари бўлмайди. Уларнинг ҳар бири ҳарчанд зўр ва кучли аскар бўлмасин, агар қўшин бошида уларнинг қадрига етувчи ўз ҳукмдорини кўрса, биргаликда янада кучли бўлишади. Италиянинг қуроли ажнабийларнинг босқинини даф қилиши учун бундай қўшин ниҳоятда зарурдир. Тўғри, Испания ва Швейцариянинг пиёда аскарлари даҳшатли куч ҳисобланади, бироқ унисида ҳам, бунисида ҳам ўзига яраша камчиликлар бор, шундай экан, улардан фарқли равишда таркиб топган қўшин нафақат



уларга қарши тура олиши, балки улардан устун келиши ҳам мумкин. Чунки испанлар отлиқ аскарларга дош бера олишмайди, швейцарияликларни эса, агар астойдил бўлишса, пиёда аскарлар қўрқувга солиши мумкин. Испанлар француз отлиқларидан, швейцарияликлар эса испан пиёдаларидан енгилиб, чекинганига кўп марталаб гувоҳ бўлганмиз ва кейин ҳам гувоҳ бўламиз. Испан пиёдаларининг чекинганига ҳали тўлақонли гувоҳ бўлганимиз йўқ, лекин Равеннадаги жангда испан пиёдалари швейцарияликларга ўхшаб тузилган олмон отрядлари билан дуч келганда иш шунга қараб бораётган эди. Чаққон испанлар кичкина қалқонлари билан тўсиниб олиб, душманга найзалар остида бехавотир яқинлашиб олишди ва уларни шунақанги савалашдики, душманнинг қўлидан ҳеч нарса келмай қолди, агар испанлар устига отлиқлар ёпирилмаганида улар душман пиёдасини тор-мор қилган бўлишарди. Демак, у ёки бу қўшиннинг камчиликларини, заиф нуқталарини ўрганиб, янги қўшин, отлиқларга дош берадиган, пиёдалардан қўрқмайдиган қўшин тузиш керак, бунинг учун янги турдаги қурол ва янгича тузилган қўшин керак. Буларнинг барчаси янги ҳукмдорга шон-шуҳрат ва улуғворлик ато этадиган янгиликлар жумласидандир.

Хуллас, бу вазиятни қўлдан чиқариш мумкин эмас: Италия шунча йиллик орзиқиб кутган халоскорини кўрсин ахир! Ажнабийларнинг босқинидан жабр-ситам чеккан халқ бу халоскорни қандай меҳр-муҳаббат билан, қандай қасос ўти билан, қандай мустаҳкам ишонч ва кўз ёши билан

кутиб олишини сўз билан таърифлай олмайман! Унинг олдида қайси дарвоза ёпиларди? Ким унга бўйсунишдан бош тортарди? Кимнинг ҳасади унинг йўлига тўғаноқ бўла оларди? Қандай италиялик уни олқишламасди? Варварлар истибдодининг қўланса ҳидини ҳамма сезиб турибди… Муборак оилангиз бу шарафли бурчни буюк, ҳақ ишлар амалга ошириладиган жасорат ва умид билан зиммасига олсин! Токи Ватанимиз унинг байроғи остида юксалсин, унинг раҳнамолиги остида Петрарканинг башоратлари рўёбга чиқсин!

*Жангга кирар ёввойиларни*
*Қирмоқ учун шавқу шижоат,*
*Тез тугар жанг, зеро сўнмаган*
*Итальянлар қалбида гайрат.*



## ЁЗУВЧИ ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Макиавелли Никколо ди Бернардо (1469 – 1527) – италиялик жамоат арбоби, сиёсий мутафаккир, ёзувчи, тарихчи, ҳарбий назариётчи. Флоренцияда камбағаллашиб қолган патрициан оиласида таваллуд топган. Макиавелли Флоренция республикасида 14 йил давомида ўнлар Кенгашининг котиби бўлиб, муҳим дипломатик вазифаларни бажарган. Сиёсий тўнтаришдан кейин Медичи оиласи ҳокимиятни қайта эгаллагач, Макиавеллини ҳокимиятга қарши фитнада гумонсираб ишдан четлаштирган ва Флоренцияга яқин бўлган мулкига бадарға қилинган. Бунинг давомида Макиавелли баракали ижод қилди. Унинг теологик қарашларига зид ҳолда давлат масаласига дунёвий нуқтаи назардан ёндашган; ижтимоий тараққиёт қонунларини тарихий маълумотларга, реал фактларга асосланиб тушунтиришга ҳаракат қилган. Макиавелли республикани давлатчиликнинг энг маъқул шакли деб ҳисоблаган, чунки у бошқарувнинг энг мақсадга мувофиқ шакли бўлиб, ҳар бир фуқарони давлатнинг тақдири учун масъул қилиб қўяди. Аммо республика бошқарув шакли доим ҳам амал қилиши мумкин бўлмаган, агар халқда фуқароликнинг эзгу сифатлари ҳар томонлама ривожланмаган бўлса, эркин сиёсий ташкилотларни сақлаб бўлмайди. Макиавелли учун сиёсий идеал бўлган Рим республикаси ўзининг пудратига римликларда республикачилар руҳини тарбиялаганлигининг натижасида эришганди деб таъкидлайди. Макиавелли Италия шароитида якка ҳокимлик ўрнатиш тарафдори бўлди. Унингча,

кучли ҳукмдоргина миллий жиҳатдан бирлашган ягона мустақил италиян давлатини туза олади. Макиавелли ўзининг машҳур «Ҳукмдор» асарида халқда фуқаролик хислатлари камол топмаган шароитда кучли давлат барпо этишнинг усулларини баён этади. Макиавеллининг фикрича, давлат асосини ҳар қандай ахлоқий тамойиллардан холи бўлган зўрлик ташкил этади. Шунинг учун сиёсий мақсадга эришишда ва давлатни мустаҳкамлашда хиёнат, сурбетлик, ҳатто зарур пайтда куч ишлатиш каби турли воситалардан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблайди. Ахлоқ қонунларини назар-писанд қилмайдиган бундай сиёсат кейинчалик макиавеллизм деб атала бошланган.

*«Фалсафа қомуси» китобидан*



## *МУНДАРИЖА*

Макиавелли ва унинг сиёсий хазинаси.................... 3

*Биринчи боб*

Қандай қўлга киритилади ........................................ 14

*Иккинчи боб*

Мерос қолувчи яккаҳокимлик ҳақида...................15

*Учинчи боб*

Аралаш давлатлар ҳақида........................................16

*Тўртинчи боб*

Нима учун Искандар эгаллаган Доро қироллиги Искандар ўлгач, унинг меросхўрларига қарши бош кўтармаган..........................................28

*Бешинчи боб*

Эгаллаб олингунча ўз қонунлари бўйича яшаган шаҳар ёки давлатларни қандай бошқариш мумкин..............................................32

*Олтинчи боб*

Қурол ёки жасорат билан қўлга киритиладиган янги давлатлар ҳақида ...........................................35

*Еттинчи боб*

Бировнинг қуроли ёки тақдирнинг инояти ила қўлга киритиладиган янги давлатлар ҳақида........40

*Саккизинчи боб*

Ҳокимиятни зулм билан қўлга киритадиганлар ҳақида.......................................................................50

*Тўққизинчи боб*
Фуқароларнинг яккаҳокимлиги ҳақида..................56

*Ўнинчи боб*
Давлатларнинг кучи қандай ўлчанади ...................61

*Ўн биринчи боб*
Черков давлатлари ҳақида ....................................64

*Ўн иккинчи боб*
Қўшинларнинг қандай турлари бўлиши ҳамда ёлланма аскарлар ҳақида ...............................68

*Ўн учинчи боб*
Иттифоқдош ва аралаш қўшинлар ҳамда давлатнинг ўз қўшинлари ҳақида...........................75

*Ўн тўртинчи боб*
Ҳукмдор ҳарбий ишда қандай йўл тутмоғи лозим ..................................................................80

*Ўн бешинчи боб*
Одамларни, айниқса, ҳукмдорларни нима учун мақташади ёки қоралашади ..................................84

*Ўн олтинчи боб*
Саховат ва тежамкорлик ҳақида..........................86

*Ўн еттинчи боб*
Зулм ва шафқат ҳақида. Раият ҳукмдорни севгани афзалми ёки ундан қўрққаними ......................89

*Ўн саккизинчи боб*
Ҳукмдорлар сўзининг устидан қандай чиқиши керак....................................................94

*Ўн тўққизинчи боб*
Қандай қилиб нафрат ва жирканишга йўл қўймаслик мумкин...................................................98

*Йигирманчи боб*
Қалъаларнинг ва ҳукмдорлар доим қўллайдиган бошқа кўп нарсаларнинг фойдаси борми............111

*Йигирма биринчи боб*
Ҳукмдорни ҳурмат қилишлари учун у нима қилиши керак.................................................116

*Йигирма иккинчи боб*
Ҳукмдорларнинг маслаҳатчилари ҳақида........... 121

*Йигирма учинчи боб*
Хушомадгўйлардан қандай қутулиш мумкин........................................................... 123

*Йигирма тўртинчи боб*
Нима учун италия ҳукмдорлари давлатидан маҳрум бўлишди ................................................ 126

*Йигирма бешинчи боб*
Тақдир одамларнинг ишларига қанчалик ҳукмрон ва унга қандай қарши туриш мумкин........................................................... 128

*Йигирма олтинчи боб*
Италияни эгаллаб, уни варварларнинг қўлидан озод қилишга даъват ....................................... 133

Ёзувчи ҳақида икки оғиз сўз ............................... 139

*Адабий-бадиий нашр*

Никколо Макиавелли

# ҲУКМДОР

Муҳаррир *Умида Ражабова*
Мусаҳҳиҳ *Йўлчи Рўзиев*
Бадиий муҳаррир *Насиба Эргашева*
Саҳифаловчи *Шаҳбоз Сирожиддинов*
Техник муҳаррир *Жавоҳир Неъматов*

Лицензия рақами: AI № 213, 26.03.2012
Босишга 15.01.2019 да рухсат этилди
Бичими 84x108 $^1/_{32}$
Босма табоғи 7,56. Шартли босма табоғи 4,3
Гарнитура «Palatino Linotype»
Офсет қоғози. Адади 2000 нусха
Буюртма № 1

Оригинал макет «DAVR PRESS» нашриётида тайёрланди.
«SPECTRUM MEDIA GROUP» МЧЖ босмахонасида офсет усулида чоп этилди.
Манзил: Тошкент ш., Қушбеги кўчаси, 6.
Телефон: (+99897) 155-11-47
Link: @smgprint
Маркетинг бўлими: (+99894) 665-83-06
Web: www.davrpress.uz, www.kitoblar.com
E-mail: davr-press@mail.ru

O'ZBEKISTON ... 
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI